ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЬЛИМ ВАЗИРЛИГИ.
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ .

УДК 372:371.0350-.6

**Магистратура бўлими**

**“Бошланғич таълим педагогикаси ва тарбиявий ишлар методикаси” кафедраси**

**Юлдашев Содиқ Норчаевич**

# Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш

Магистрлик даражасини олиш учун
Диссертацияси

ДАКда ҳимоя этишга рухсат берилган
Магистратура бўлим бошлиғи
П.ф.д.проф.., Н. Муслимов

Илмий раҳбар: педагогика
фанлар доктори, профессор
__________У.И. Маҳкамов

Кафедра мудири: педагогика фанлар доктори,
Профессор___________Р.А.Мавлонова
__________________________2010 йил

Тошкент 2010

Мундарижа

КИРИШ

1.боб Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари.

1.1.Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришнинг назарий асослари.

1.2.Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини тушунчаси ва моҳияти.

Биринчи боб бўйича хулоса

2.боб Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш-муаммосининг ўрганилиши ва моҳияти.

2.1. Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришнинг тарихий илдизлари.

2.2. Бошланғич синфларда Ватанга эътиқод, миллий муносабатини шакллантириш мазмуни.

Иккинчи боб бўйича хулоса

3. боб Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришнинг педагогик шарт шароитлари.

3. 1. Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришнинг хусусиятлари.

3.2 Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш бўйича тажриба синов ишлари ва натижалари

Учинчи боб бўйича хулоса.

ХУЛОСАЛАР

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

ИЛОВАЛАР

# КИРИШ

**Тадқиқотнинг долзарблиги:** Ўзбекистон халқинингмиллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт борпо этишдир. Ўзбекистон мустақиллиги туфайли Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданияти халқимизнинг барча орзу интилишларида,амалий фаолиятида ва ёруғ келажагида етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Мамлакатимиз кундан- кунга обод бўлиб бормоқда. Шуни айтиш керакки, дунёда энг гўзал шаҳарлар,гўзал юртлар, боғу бустонлар жуда кўп. Лекин жаннат макон диёр Ўзбекистон ягона... Ўзбекистон ўзбек халқининг Ватани, муқаддас саждагоҳидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Жаҳон кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз Ўзбекистон яккаю-ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган. Мана шу улуғ туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланиши лозим”, - деб таъкидлаши улуғ юрт бошимизнинг бебаҳо инсон эканлигидан далолат беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юртимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ Ватан, ватанпарварлик, миллат, миллатпарварлик масалаларига алоҳида аҳамият берилади. Айниқса, Президентимиз И.А.Каримовнинг 1997 йил 29 август Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9-сессиясида сўзлаган нутқи баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган бўлиб, уни амалга оширишда таълим мазмунини ислоҳ қилиш, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга ошириш зарурлиги кўрсатилган. Дарҳақиқат, ушбу соҳа бўйича таълим мазмуни тубдан ислоҳ қилинди. Унинг мазмунида миллий ва умуминсоний қадриятлар, Ватан, Ватан равнақи, миллат, миллий маданият каби ғоялар чуқур ўрин эгаллади. Айниқса, миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча тамойилларни ўқувчи-ёшлар қалбига сингдириш борасида дарсликлар қайта ишланди, ўқув қўлланмалари яратилди. Бугунги кунда Ватанга эътиқод, миллий муносабат

маданияти ёшлар онгида таркиб топтириш давлат сиёсатининг устивор йўналишидан чуқур ўрин эгаллади. Чунки  Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданияти халқни юксак тараққиёт сари етаклайди. Ҳар бир соҳа иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий, маънавий йўналишларни ривожлантиради. Таъкидлаш жоизки, бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришда таълим берувчи муассасалар болалар боғчалари, мактаблар, лицей, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари фаол иштирок этмоқдалар. ДТСларида ҳам ўқувчиларнинг тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган умумий малака талабларида “Ватан тарихини билиши, маънавий, миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалар юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши. Миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши” кўрсатилган. Демак бугунги кунда бошланғич таълим фаолиятини такомиллаштириш билан бирга, таълимни инсонпарварлаштириш, таълим олувчиларда юқори маънавият, маданият ва тафаккурни шакллантириш давлат сиёсатининг устивор йўналишлари ҳисобланади. Шундай экан, бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятига эга бўлиш, ижодий ва ижтимоий фаол, ижтимоий сиёсий  касбда мустақил ҳолда ҳаракат қила олиш. Ватан равнақи ва тараққий этишга ўз ҳиссасини қўшишга қодир бўлиш ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш болалар боғчалари ва мактабларнинг асосий вазифаларидан биридир. Албатта бу вазифаларни амалга оширишда бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод миллий муносабат маданиятни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки  бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятни шакллантириш -жамият тараққиётининг асосий омили ҳисобланади. Иккинчидан,  бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятни шакллантириш асосида тарбиялашни ташкил этиш жамият маънавияти, мамлакат барқарорлиги тараққиётининг муҳим шарти ва кафолатидир. Ўсиб келаётган ёш авлод онгида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини

ривожлантирмай, жамиятда юксак тараққиётга эришиб бўлмайди. Шундай экан, бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ушбу масканда таълим олаётган ҳар бир йигит қиз фақатгина дунёвий билимга эга бўлибгина қолмай, жисмоний, маънавий ва маданий жиҳатдан камол топади. Жамиятимиз ҳаётида фаол иштирок этади. Ўзининг маънавияти, маданияти билан Ўзбекистон тараққиётининг бош йўли бўлган озод ва обод Ватан учун меҳнат қилади. Албатта бундай улкан вазифаларни амалга оширишда бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятни шакллантириш, уларнинг маънавиятини ривожлантириш, миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш лозим. Миллий ўзликни англаш, миллий қадриятимизни тиклаш, уларни илм-фан ва тараққиёт ютуқлари билан бойитиб бориш, ватанимиз тарихи, маданиятини теран билиб олиш, муқаддас динимизга садоқатни тарбиялаш бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабати маданиятни шакллантиришдаги асосий вазифалардан ҳисобланади. Бу вазифаларни амалга ошириш натижасида ўқувчилар онгида янгича фикрлаш, миллий тафаккур, миллий мафкуравий қарашлар, маънавий-ахлоқий хислатлар камол топади. Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятни шакллантириш долзарб муаммолардан бири бўлиб, жамият тараққиётининг негизини ташкил этади. Шунинг учун ҳам бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданияти ҳақида билимлар бериш, уларда кўникма ва малакалар ҳосил қилиш муҳимдир.

Илмий адабиётларни ўрганиб таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, мазкур муаммо бўйича мустақиллик йилларида бир қанча тажрибалар амалга оширилган. Илмий-оммабоп адабиётлар, қўлланмалар нашр этилмоқда. Бугунги ёшларнинг онгида янгича фикрлаш, миллий тафаккур, миллий мафкуравий қарашлар, маънавий ахлоқий хислатларни, миллий ғурурни шакллантириш тарбияда бош мезон саналади. Буни ҳар бир ота-она фарзанд тарбиясида тўғри англаши керак. Шундай экан, жамиятимиз, давлатимиз

ҳаётида ўта муҳим бўлган, барчамизнинг эртанги кунимизни, келажагимизни белгилаб берадиган Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятни ёшларимизда шакллантириш долзарб масала эканлигини ёддан чиқармаслигимиз лозим. Ватан ва миллат равнақи учун фидойи ёшларни тарбиялаш, ишчан, ақлли, иродали, иймони бут, ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганишга интилувчи, юрагида ватан туйғуси кучли бўлган ёшларни етиштириш, уларда ватанпарварликни таркиб топтириш, ҳозирги ёшларда ва келгуси авлодда ўз давлати, халқининг тарихини шак-шубҳасиз билиши билан бир қаторда, жаҳон тарихи ва маданияти ютуқларини чуқур ўрганиш зарурлигини тушуниш ва англаш ҳиссини тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобларида: «Шуни унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ»; "Фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш – таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим ".

**Тадқиқотнинг илмий фарази.** Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш ишларини ижтимоий педагогик механизм билан таъминланса;

-Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш тизими ишлаб чиқилса;

- Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш тажрибасини оммалаштирилса ва тавсиялар ишлаб чиқилса;

-Дарс ва дарсдан ташқари ишлар жараёнида бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришнинг самарали шакллари, методлари ва воситаларини белгиланса;

-Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришни ўрганиш доимий педагогик мониторингини яратилса ўз самарасини кўрсатади.

**Тадқиқотнинг мақсади**. Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятни шакллантириш мазмуни, шакл ва методларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга татбиқ этиш.

**Тадқиқотнинг объекти.** Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети.** Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятни шакллантиришда бошланғич таълим мазмуни.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

- Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятни шакллантиришни педагогик муаммо сифатида илмий-назарий асослаш;

- Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятни шакллантиришни педагогик шарт-шароитларини аниқлаш;

-Дарс ва дарсдан ташқари ишлар жараёнида бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришнинг самарали шакллари, методлари ва воситаларини белгилаш;

- Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятни шакллантиришнинг тизими ва мезонларини яратиш;
- Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятни шакллантиришга доир методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг методологик асослари.**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Президентимиз И.А.Каримовнинг Ватанга эътиқод, миллий муносабат, миллий қадриятлар ҳақидаги ғоялари, “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласи, Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, халқ педагогикасининг илғор ғоялари, республикамизда жамланган илғор тажрибалар, мавзуга доир педагогик, психологик, фалсафий манбалар асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг методлари.** Мавзуга доир фалсафий, тарихий, маънавий, сиёсий, психологик, педагогик адабиётларни таҳлил қилиш; тажриба-синов, суҳбат, сўровнома, интервью, савол-жавоб, кузатиш; математик-статистик таҳлил ва тадқиқот натижаларини умумлаштириш.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш муаммоси яхлит, бир бутун ҳолатда татқиқ этилди.

- Марказий Осиё мутафаккирларининг фикрлари, халқ педагогикаси, ислом таълимотидан, шарқона анъаналари асосида бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятни шакллантириш хусусиятлари ишлаб чиқилди.
- дарс ва дарсдан ташқари ишлар жараёнида бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятни шакллантиришнинг самарали шакллари, методлари, воситалари белгиланди;
- бошланғич таълим мактабларида ўқитиладиган ижтимоий фанлар бўйича бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятни шакллантиришга қаратилган баъзи бир мавзуларнинг мазмуни ва методикаси ишлаб чиқилди;

- бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, методикаси, мезонлари яратилди;

- бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятни шакллантириш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-методик тавсиялар берилди.

**Тадқиқотнинг илмий-назарий аҳамияти**. Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятни шакллантириш мезонлари ва моделининг ишлаб чиқилиши маълум даражада педагогика назариясига қўшилган ҳиссаси;

-бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятни шакллантиришни таъминлайдиган услуб, воситалар тизимининг яратилганлиги;

-ўқувчиларнинг фаолияти ва вазифаларини бажаришда, машғулотларни ўтказишда, Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятни шакллантиришнинг моҳияти ва мазмунини бойитишда халқ оғзаки ижоди, бадиий ва бошқа материалларни танлаш;

- шарқ халқларининг Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданияти ҳақидаги ғояси асосида ўқувчи шахсини шакллантириш тизими бир бутун яхлит холатда ишлаб чиқилганлиги;

-таълим-тарбия жараёнида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятни шакллантириш мазмуни, шарт-шароитлари, воситалари ва унинг такомиллаштириш йўллари илмий асослаб берилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти**. Халқ таълим муассасаларининг бошланғич синф ўқитувчилари илмий – услубий қўлланма сифатида кенг фойдаланишлари мумкин.

## 1-боб. Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари.

### 1.1. Ватанга эътикод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришнинг назарий асослари.

Давлатимизнинг таълимни ривожлантириш, ёш авлодга жаҳон андозаларига мос билимлар бериш, уларни она-Ватанга, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасида олиб бораётган ишлари жамиятда муҳим ўринни эгаллаб келмоқда. "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг қабул қилиниши туфайли таълим мазмуни тубдан ислоҳ қилинди. Миллий дастурнинг биринчи, иккинчи ва учинчи босқичилари амалга оширилди. Бунинг натижасида янги дастурлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар вужудга келди. Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари қурилди. Олий ва ўрта махсус таълимини ривожлантириш учун барча шароитлар яратилди. Бугунги кунда бошланғич таълим муассасаларининг бош мақсади XXI - асрда жамиятимиз ҳаётида билимли, ташаббускор, иқтидорли ёшларни вояга етказишдир. Чунки жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий йўналишлари баркамол авлод тарбиясига боғлиқдир. Баркамол ёшларни тайёрлаш -Ўзбекистон тараққиётининг пойдеворидир. Бу ўринда узлуксиз таълим тизимининг асосий негизи ҳисобланган бошланғич таълимда баркамол авлодни камол топтириш бугунги куннинг асосий талабидир. Чунки бошланғич жараёнида болаларни Ватанга эътиқод рухида тарбиялаш уларни ҳар томонлама вояга етказишнинг асосини ташкил этади. Албатта, бу ишларнинг самарали бўлиши уларнинг бошланғич таълим жараёнида интеллектуал ва маънавий бойлик, замонавий билимлар бериш билан боғлиқдир.

Шундай экан, бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш, уларда Ватан, миллат тараққиёти учун бўлган маъсулиятни камол топтириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки

Ватанни жони-тани, бутун борлиғи билан севиш, Ватан билан, Ватан фарзанди бўлганлиги билан фахрланиш, унинг учун, халқи учун керак бўлса жонини фидо қилишга шай туриш буюк инсоний фазилатдир. Ўзбекистон мустақиллигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов "Юртдошларимизда эгалик ҳиссиётини, бу ер, бу юрт, шу уй, шу Ватан меники, деган муносабатларни уйғотиш, шу замин обод ва унумли бўлиши учун қанча меҳнатим сингса, менинг ўзим, оилам, фарзандларим, насл-насабим шунча манфаат кўради, деган туйғу билан яшаш одамларимизнинг ҳаётга ва меҳнатга қарашини тубдан ўзгартирмокда ва диёримизнинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшмоқда" деб таъкидлаган эди. Президентимизнинг ушбу фикрлари инсон манфаати, унинг ҳаёти, эркинлиги, ҳуқуқи, фарзандлар камоли, Ватан равнақини таъминлайдиган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш каби долзарб масалаларга эътиборнинг жиддийлигидан далолатдир.

Мустақиллик туфайли биз ўзимизнинг ҳақиқий Ватанимизни топдик. Бу номи тарих саҳифаларида олтин ҳарфлар билан битилган, эл-юрт ардоқлаб тилга оладиган жонажон Ўзбекистондир. Ўзининг Президенти, ўзининг миллий байроғи, рамзи, мадҳияси, ички ва ташқи сиёсатига, Конституциясига эга бўлган мустақил Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлганлигимиз билан чексиз фахрланамиз.

Тарих ўзбек халқининг ҳозирги авлоди зиммасига буюк, муқаддас вазифани юклади. Бу - Ватанни ватан қилиш, унинг довруғини олам узра ёйиш, кучига куч, шуҳратига шуҳрат қўшишдир. Ватанга бўлган миллий манфаатларни, миллатимиз тақдири, истиқболини чуқур ўйлаш ва англаш билан боғлиқ бўлган ғоядир. Қадимдан ота-боболаримиз Ватан, миллат манфаатини, ор-номусини, қадр-қимматини ҳар нарсадан устун қўйиб, Ватанга муҳаббат, элга ҳурмат, садоқатни муқаддас туйғу деб билганлар. Бу йўлда жон фидо қилиш улар учун шараф бўлган. Юртни севиш аждодларимиз маънавиятидан мустаҳкам ўрин олган туйғудир. Чунки юрт ота-боболарнинг қабри жойлашган, киндик қони тўкилган, она алласи

таралган замин саналади. Афсуслар бўлсинким, истибдод даврида ўз она-Ватанимизда яшаб, ўзлигимизни, тарихимизни унутаёздик. Зеро, ўзликни англаш, Ватанни севиш ўз тарихимизни билишдан бошланади. Шукрлар бўлсинким, мустамлакачилик даври ортда қолди. Бугунги асосий вазифамиз мустақилликни мустаҳкамлаш, ёш авлодда ватанпарварлик, миллий ғурур, миллий ифтихор руҳини, Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш, уларни Ватанимиз тарихи, маданияти, бой маънавий мероси, бугуни, келажаги билан фахрланиш руҳида тарбиялашдан иборат. Бу вазифаларни ҳал этишда тарихий манбаларга мурожаат қилиб, аждодларимиздан бизга қандай Ватан мерос бўлиб қолганини фарзандларимизга англатиш зарур. Зеро, Ватанга муҳаббат туйғуси муқаддасдир. Бу туйғу фарзандларимиз учун ҳам эътиқодга айланиши лозим. Халқимиз тарихида ўтган машҳур алломалар -Хўжа Исмоил Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Ҳофиз Тошкандий, Давлатшоҳ Самарқандий каби сиймолар киндик қонлари тўкилган заминга эҳтиром тарзида шаҳарлар номини тахаллус сифатида танлаганлар. Тарихимизга назар ташласак, барча улуғ зотлар Ватаннинг фидоий фарзандлари бўлишганини кўрамиз. Чунки ҳадиси шарифда: "Ватанни севмоқ иймондандир", - деб бежиз айтилмаган.

Ватан, ватанпарварлик, Ватан равнақи, Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш ҳақида ўзбек мутафаккирлари ва маърифатпарварлари ўз асарларида алоҳида тўхталиб ўтганлар.

Аҳмад Яссавий (туғилган йили маълум эмас, вафоти 1167й) - туркий тасаввуф шеъриятининг атоқли вакили. Яссавий ислом динининг йирик намояндаси сифатида “тупроқ”ни Аллоҳнинг мунаввар нури, сув - унинг ёруғ ҳаёти, ҳаво-буюклиги, олов - унинг ғазаби тимсоли деб ҳисоблайди. Шу маънода тупроқ - Ватан, она-юрт. Тупроқ неча юз йиллардан буён не-не улуғ фарзандларини қучоғига босиб келаётган мушфиқ замин. Шунинг учун биз уни эъзозлаб, она-Ватан деймиз. Бу Ватан ўтмишда яшаган авлод-аждодларимизга оналик қилган. Ватан биз учун ва келажак насллар, авлодлар

учун ҳам она-Ватандир. Яссавий:

Бошим туфроғ, ўзим туфроғ, жисмим туфроғ,

Ҳақ васлиға етармен деб руҳим муштоқ!

- деб ўзининг Ватан дийдорига бўлган соғинчини изҳор этган.

Демак, инсон Ватан билан уйғун. Шу туйғуга эга бўлган инсон эл-юрт эҳтиромига сазовордир. Бундай инсонни дунё танийди.

Муҳаммадшариф Сўфизода (1880-1937) - маърифатпарвар шоир сифатида ўз асарларида халқни илм-маърифатли бўлишга даъват этди, Ватан озодлиги ҳақидаги орзуларини ифодалади: Қадрдоним қалам, мардона бўлгил, вақти хизматдур, агар мендан кейин қолсанг, либосинг сийму зардандур, - деди у. Сўфизода Ватан тақдири, юрт истиқболи ҳақида қайғурди. У дейди: Ватан ҳолиндан ўтру кўзларим сақфинда қон оғлар... Ёзуқ олий Ватан ўксиз каби бир ҳола душмушким, Агар таҳрир эдарсан, хомаи мўъжиза баён оғлар. Шоир ватанпарвар, инсонпарвар сифатида халқнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилди, ўз замондошларини истиқлолга ундади.

Садриддин Айний (1878-1954) - тилшунос, адабиётшунос, шарқшунос олимдир. С.Айний ўз маърифатпарварлик қарашларида ватанпарварлик, инсонпарварлик, халқпарварлик ғояларини олға суради. Унинг фикрича, тарбиянинг асосий мақсади болани ватанга, халққа садоқатли қилиб камол топтиришдир. У ижодий ва маърифий фаолиятларида, ўқиш китобларида бу ғояни болалар онгига сингдиришга ҳаракат қилди. Айний ватанпарварлик асосан, ватанни севиш, ватанни душмандан ҳимоя қилиш, унинг учун жонни фидо этишдан иборатлигини айтади. "Ўқишга ғайрат қил, одам бўл. Кейин кучинг етгунча ўз Ватанингга хизмат қиласан...», - дейди Айний. Мунавварқори Абдурашидхонов (1878-1937) - улуғ мутафаккир олим, педагогдир. Мунавварқори ўз ватанпарварлик хусусидаги қарашларида Ватанни севиш, унинг гуллаб-яшнаши учун меҳнат қилиш ва билимларни эгаллаш зарур. Билимсизлик нодонлик, ялқовлик эканлигини таъкидлайди. У "Ялқовлик ёвимиздир" шеърида ёшларга шундай хитоб қилади: Кўзғолингиз, эй ўртоқлар! Келди бизга ишлаш чоғи, Биз барчамиз ёш ишчимиз,

ишхонамиз мактаб боғи. Туринг, тезроқ иш бошлайлик, Ялқовликни биз ташлайлик!

Мунавварқори болалар қалбига Ватан туйғусини сингдириб, уларни Ватан олдидаги фуқаролик бурчларини юксак эътиқод билан адо этувчилар қилиб камол топтиришни талаб этди: Жаннат каби гўзал юртинг йиғлаб сендан иш кутадир, Сени кўргач, ишсизликни ҳасрат чекиб қон ютадир. Тур ўрнингдан, оч кўзингни, Айт ёвингга сўнг сўзингни... Мунавварқорининг фикрича, ёш авлодни тарбиялаш билангина миллатни уйғотиш, Ватанни озод қилиш, халқ маънавиятини юксалтириш, турмушни фаровонлаштириш мумкин.

Олим Шавкат Эргашевич Қурбоновнинг таъкидлашича, Ватан - ҳар бир инсон учун муқаддасдир. Ҳар бир инсон Ватанда яшаш билан ўз ҳаётининг маъносини англаб олади, дунёни ҳис қилади, тушунади, шу зайлда унда дунёқараш шаклланади. Унинг фикрича, Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш орқали Ватан тараққиётига ҳисса қўшиш мумкин:

- давлатнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодий фаолият эркинлиги, иқтисодиётни илғор технологиялар асосида модернизациялаш;
- халқнинг маънавий бойлиги, унинг интеллектуал салоҳиятини ва профессионализмини ошириш;
- халқнинг бунёдкорлик қобилиятларидан ҳар томонлама ва тўла-тўкис фойдаланиш;
- маънавий бой, интеллектуал ва юксак маданиятли, ахлоқан ҳамда жисмонан соғлом ёшларни тарбиялаш. (149, 221)

Педагогика фанлари доктори, профессор Муҳаммад Қуроновнинг фикрича, Ўзбекистон ватанпарварлиги: "Миллий давлат - Ўзбекистоннинг бир ва бутунлигини тушуниш ва исташ, қўллаб-қувватлаш; ягона фуқаролик масъулиятини тушуниш; Ўзбекистоннинг тарихи, ҳозири ва келажагига муносабат билдира олиш; ватанпарварликка дахлдор ишлар, тадбирларда

онгли қатнашиш; Ўзбекистон учун жонкуярлик; Ватан манфаатига йўналтирилган уйғун шахсий мақсадларга эгалик; Ўзбекистоннинг келажагига, унинг буюклигига эътиқод; шаккоклик, Она-Ватан, Узбекистонни, ватандошларни камситилишига, ватанни севмасликка салбий муносабатини намоён қила олиш"дан иборатдир. (145, 59)

Муаллифлар А.Иброҳимов, Х.Султонов, Н.Жўраевларнинг "Ватан туйғуси" деб аталган китоби бугунги куннинг маънавий эҳтиёжи сифатида дунёга келди. Унда мустақил Ўзбекистоннинг ўтмиши, бугуни ва келажагига хос миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар ифодаланган. Шу билан бирга, китобда ўзбек халқининг келиб чиқиши, буюк аждодларимизнинг умуминсоний тараққиётга қўшган улуғ ҳиссалари, янги ўзбек давлати тарихида маънавиятниш ўрни, давлатчилигимизнинг қадимийлиги ва узвийлиги, ўз эрки, ўз эътиқоди учун мардона курашиб қурбон бўлган инсонларнинг тақдири тарихий ҳужжатлар, асл манбалар асосида ёритилган.

Муаллифлар М.Қуронов, А..Акмалов, А.Реджабоевларнинг "Миллий фазилатларимиз, Ватанни қандай севиш керак?" рисоласи  ўқувчи ва меҳнат фаолияти билан машғул ёшларда ўз Ватанига фидоий бўлиш, миллий истиқлол мафкураси, Ватан туйғусини шакллантириш мақсадида тайёрланди. Унда шоирлар, ёзувчилар асарларидаги ватанпарварлик ғоялари, олимларимиз илмий мерослари асосида "Ватанни қандай севиш керак?", "Ватан нима?", ватанпарварлик тарбиясининг мақсад, мазмун, вазифалари, ватанпарварлик тарбиясини режалаштириш ҳақидаги фикрлар талқин қилинади. Рисола олий ўқув юртлари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларида маънавий-маърифий ишларни ташкил қилишда, шунингдек, давлат ва нодавлат ташкилотлари маънавий-маърифий фаолиятида фойдаланишга, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Муаллифлар М.Зарипов, З.Абдураҳмоноваларнинг "Ватанпарварлик миллий бирлик туйғуси сифатида" ўқув қўлланмасида мустамлакачилик даврида миллий низолар, маҳаллийчилик кайфиятларини кучайтириш ҳамда

халқларнинг ватанпарварлик туйғусини заифлаштириш учун қилинган салбий ҳаракатлар ва уларнинг оқибатлари, шунингдек, ватанпарварлик тарбиясининг асосий муаммоларини ҳал этишда эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар ёритилган. Ватанпарварлик ҳар қандай вазиятда ҳам миллий бирлик ва бирдамликнинг асосий омилларидан бири бўлган. Инсоният тараққиётининғ барча даврларида ватанпарварлик тарихий тараққиётнинг муҳим маънавий омилларидан бўлиб келган. Ватанига, халқига бўлган ҳурмат, муҳаббат, ишонч туйғуси муайян ғоялар, мафкуралар асосида шаклланиб, кишилар онги, кдлбидан чуқур ўрин олган, уларни буюк ишларга сафарбар этган. Рисола талабалар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ўқувчилари учун мўлжалланган.

Ватанга бўлган садоқатнинг шаклланиши ва ривожланишида адолат, тенглик, эркинлик, диёнат, иймон-эътиқод, аҳиллик, инсонпарварлик сингари ажойиб фазилатларни ўзида мужассам қила олган кишида Ватан равнақи ғояси катта ўрин тутади. Ўзбекистоининг келажаги буюк давлатга айланиши, мустақиллигимизнинг тақдири, миллий истиқлолимиз посбонлари бўлган ёшларимизнинг куч-ғайратлари, ақл-идроклари, амалий тайёргарликлари, ақлий, жисмоний, маданий-маънавий камолотларига боғлиқ эканлиги ўз-ўзидан тушунарлидир. Ёшлар Ватанимизнинг, миллатимизнинг келажагидир. Ҳозирги авлод Ватанимиз тақдирини ёшларга ишониб топширади. Бунинг учун улар зиммаларига юкланаётган юксак масъулиятни чуқур ҳис қилишлари, унга муносиб бўлишлари зарур. Шундай экан, аввало, ҳар бир ўқувчи Ватан тушунчаси ва моҳиятини чуқур англаб етиши лозим. Ватан арабча сўз бўлиб, она юрт маъносини англатади.

Ватан инсоннинг киндик қони тўкилган тупроқ, уни камол топтирадиган, ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган табаррук маскан. У аждодлардан авлодларга коладиган буюк мерос, энг азиз хотира. Ватан - ота-боболаримизнинг ҳоки поклари жо бўлган муқаддас заминдир.

Шунинг учун ҳам Ватан сўзи ҳамиша она сўзи билан ёнма-ён келади.

Бу шунчаки оддий гап эмас. Чунки неча юз йиллардан буён не-не улуғ фарзандларни ўз қучоғига олган она ер аждодларимизга оналик қилган. Ҳа, у ота-боболаримизнинг онаси бўлган! У бизнинг онамиз ва келажак авлоднинг онаси бўлажак. Шунинг учун ҳам дунёда онамиздан яқин ва қадрли зот бўлмаганидек, "Ватан" сўзидан азиз ва қимматли калима йўқ. Отасига ҳурмату эҳтиром сақлаган фарзанд ватанни ҳам мукаррам тутади. Демак, дунёда она битта, Ватан ҳам, Ватанга муҳаббат туйғуси ҳам илоҳий бир неъмат, шунинг учун ҳам у ҳар бир кишига азиз ва муқаддасдир.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги туфайли Ватан тарихи буюк маънавий меросга айланди. Океан ортидаги мамлакатни биринчи бўлиб кашф этган Абу Райҳон Берунийни эсланг. Не-не саркардалар тиғ кучи билан ололмаган жойларни қалам кучи билан забт этган Алишер Навоийни кўз олдингизга келтиринг. Тиббиёт илмининг асосчиси Абу Али Ибн Сино, буюк математик Ал-Хоразмийни эсланг. Кураги ерга тегмаган саркарда, йирик давлат арбоби, қонуншунос, истеъдодли меъмор, нотиқ, руҳшунос, буюк шахс Амир Темур-чи? Жаҳонга машҳур бўлган маърифатли миллатнинг қалби, ақли, хулқи, билими, тили, саркардалиги билан ҳурмат топган юртдошларимизни бутун дунё билади. Чунки етти пушти юртда ором топган, ахир.

Мустақиллик эълон қилингач, хориждаги кўп ватандошларимиз мамлакатимизга кела бошлади. Улар бизнинг аҳволимизни кўриш учун келмаганлар. Ватандошлар ҳижратда молу дунё, иззат-икром топса-да, ҳеч бир юртдан ўхшашини топа олмаган. Она-ватанларини тупроғини кўзга суртиш умидида келадилар. Дарҳақиқат, Ватандан яхши ёр бўлмас, деган ҳикматни билмайдиган одам топилмаса керак. Чиндан ҳам Ватандан азиз, Ватандан муқаддас, Ватандан олий неъмат бормикин! Инсонга неки муқаддас бўлса, барчаси Ватанга боғлиқдир. Ўзга шаҳарларнинг ҳайбати нечоғли ҳайратланарли бўлмасин, уларнинг ҳеч бири она юртимизга тенг келмайди.

Азиз ва гўзал Ватанимизга бўлган юксак эътиқод билан яшаш катта

бахт. Ватан ва Ватаним деган илоҳий сўзни айтишға муносиб бўлиб, она-Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат ҳар бир инсоннинг илоҳий туйғуларидан келиб чиқади.

Ватан беғубор олам. Уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Ватан! Не-не азиз инсонлар вояга етган замин. Эл борки, Ватан бор, Ватан борки, эл бор. Элсиз Ватан - биёбон. Ватансиз эл - дарбадар. Шунинг учун қадимда элим дея Ватанни эъзозлаганлар. Ватан тушунчаси турли замонларда турлича талқин этилган. Ватан сўзи бугунгидек мағрур жарангламаган. Жонажон юртимиз мустақиллиги туфайли Ватан деб аталмиш бу кўҳна замин янада чирой топди.

Ҳақиқатан ҳам, тарих ўзбек халқининг ҳозирги авлоди зиммасига ғоят буюк, муқаддас бир вазифани юклади. Бу Ватанни буюк Ватанга айлантириш бурчидир. Ҳуррияг ва истиқлол йўллари ҳеч қачон осон бўлган эмас. Сув келса симириб, тош келса кемирган халқимиз эрк ва мустақилликни қўлга киритди. Узбек халки ўз Ватанини доимо эъзозлаб келган. Ватан қадрини ҳамиша билган. Ватан - бу халқнинг ўтмиши ва келажагидир. Ватан - бу муқаддас қадрият. Тараққиёт ватандан бошланади. Инсон учун ватан ягонадир. Ватаннинг катта-кичиги бўлмайди. Ватан танланмайди. Ватан сотилмайди ва сотиб олинмайди.

Ватанни энг олий иеьмат сингари бошимиз узра баланд кўтариб, унинг тупроғини кўзларга сургиб, таъзим бажо айлаш фарзандлик бурчимиздир. Шуни айтиш керакки, киши қалбида фикрлар, ғоялар кўп бўлади. Лекин ҳеч бири Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини  шакллантиришдан устун бўла олмайди. Чунки Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини  шакллантириш халқимизнинг турмуш тарзидан чуқур ўрин олган. Демак, Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш бу халқимиз тарихига ва она юртимиз, жамиятимиз ҳаётида юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан билдириладиган ички муносабатдир.Бу муносабатни таркиб топтириш орқали биз ватанимизни

ёшлар қўлига бемалол топширсак бўлади.

Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш - бу муқаддас Ватанинг, эл-юртинг, сен билан ҳамнафас яшаётган халқингга бўлган муҳаббатдир. Ватанидан узоқлашганда бу ғоя қудратини сезади киши. Бегона юртда юриб, юрагингга безовталик бахш этган туйғу инсонни қийнайди. Шунинг учун оталар сафарга кузатаётганда қўлларини дуога очиб: "Ой бориб, омон қайт" дея фотиҳа қиладилар. "Киндик қонинг тўкилган ерни унутма" деб насиҳат қиладилар. Шундай экан, Ваган ва ватанпарварлик ғоясини ҳар бир ўзбек фуқароси чуқур англаши, шу юртга дахлдорлигидан фахрланиши лозим.

## 1.2 Бошланғич синф ўқувчиларида ватанга эътиқод, миллий муносабат маданияти тушунчаси ва моҳияти.

Президентимиз И.А.Каримов "Ўзбекистон келажаги буюк давлат" рисоласида: "Ватаннинг ҳар бир асл фарзанди ўзини ота юртининг ажралмас бўлаги деб ҳис этаяпти ва бундан фахрланаяпти. Истиқлол берган энг катта бойликлардан биринчиси ана шу десак, асло янглишмаган бўламиз", - деб жуда тўғри таъкидлаган. (1,4)

Демак, Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш - бу она заминга бўлган муҳаббат, уни севиш, эъзозлаш. Унинг равнақига ҳар бир фуқаронинг ўз ҳиссасини қўшишга эришиш. Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш - бу она-Ватан, мустақил Ўзбекистон тушунчаларини ўз онгига сингдириш ва унга содиқ бўлишга эришиш.

Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш - бу ватанимиз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурмат билан қараш ҳамда уни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиш, унинг ҳақиқий жонкуяри бўлиш.

Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш - бу ўзбек халқининг қадим-қадимлардан Турон, Туркистон деб атаб келинган кўҳна заминнинг тарихини билишга эришиш.

Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш - бу ўзбек халқининг маданий мероси ҳисобланган маданият, санъат, меъморчилик ёдгорликларини асраб-авайлаш ва уларнинг тарихи ҳамда бугунги кундаги аҳамиятини билиш. Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш - бу ўз миллатига, она ерига, иймонига содиқликдир. Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш - бу соғлом тафаккур эгалари, дини, иймони покизаликдир. Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш - бу Ватан олдидаги масъулият. Миллат манфаати билан

яшаш. Ватан тараққиёти, миллат обрўсига ҳисса қўшиш, фойда келтириш. Фидоийлик, ҳалоллик билан меҳнат қилиш, халқнинг шон-шуҳрати ва манфаатини ўйлаш, инсонпарвар бўлишдир. Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш - бу ҳар бир кишининг ўз халқига фидоийлиги ва дардини ўз дардидек ўйлаб яшаш, Ўзбекистоннинг буюк давлат бўлишига ҳисса қўшишдир. Бугунги кунда Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби ғояларнинг барча юртдошларимизнинг муқаддас мақсадига айланиши озод ва обод юртимизнинг тараққиёт этишида муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъбири билан айтганда: "Инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанча чуқур бўлса, туғйлиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади, у ўз тақдирини Ватан равнақи билан боғлиқ деб билади". Ватан равнақи, аввало, унинг фарзандлари камолига боғлиқ. Бу эса ҳар бир юртдошимизни ўзининг маънавий камолоти учун юксак масъулиятни ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари равнақида намоён этишда кўринади. Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шаклланганлиги - кишининг ўзи туғилиб ўсган, камол топган жой, замин, ўлкага бўлган муҳаббати, муносабатларини ифода этадиган ижтимоий ва маънавий-ахлоқий хислатлари, фазилатларида кўринади.

Тарих - Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришдаги энг буюк қуроллардан бири. Ўтмишда она-Ватан ҳимояси, юрт тинчлиги учун жонини фидо қилишга тайёр турған Широқ, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди каби шахслар бўлганлиги фактининг ўзигина кишиларда келажакка ишонч руҳини мустаҳкамлайди. Умуман, Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шаклланганлиги:

ўз халқининг тарихини яхши билиш ва ундан ғурурланиш;

- буюк аждодлар томонидан яратилган моддий ва маънавий меросни кўз қорачиғидек асраб, келгуси авлодларга етказиш;

- миллий урф-одат, расм-русум ва удумларини, аждодлар меросини ўрганиб, унинг қадриятга айланган қисмини давом эттириш;

- давлатимиз келажаги, истиқлолининг барқарорлиги ва буюклигини чин дилдан ҳис этиш, шундай келажакни барпо этишга астойдил кўмаклашиш.

Мозий, бугунги кун шундан далолат бермоқдаки, миллий ғоя ҳеч қачон Ватандан ташқарида илдиз отмайди. У Ватан равнақига хизмат қилсагина, куч-қудрат манбаига айланади. Ватаннинг равнақига хизмат қилмайдиган ёт, бегона ғоялар эса ҳеч қачом бизнинг миллий ғояга айлана олмайди. Бундай ғоя қандай либосга ўралиб олмасин, қандай ниқоб киймасин, донишманд халқимиз уларнинг найрангига учмайди.

Ватан ва унинг равнақи тушунчаси истиқлол йилларида алоҳида аҳамият касб эта бошлади. Истибдод, ҳукмрон коммунистик мафкура бор кучини кишилар онгидаги Ватан тушунчасини бузиб, сохта мавҳум Совет Ватани ғоясини сингдиришга сарфлаган. "Ўзбекистон - ватаним маним" ёки "ўзбегим" дейиш миллатчилик сифатида баҳоланиб, минглаб ватандошларимизни қатағон домига тортиб кетган.

Бугун у куплар ўтмишга айланди, ватанимиз мустақил бўлган даврда яшамоқдамиз. Знди, бу мустақилликни асраб-авайлаш ҳам ватанпарварликнинг намунасига айланмоқда. Ватанпарварлик миллатчилик эмас, балки умуминсоний туйғудир. Француз адиби Вольтер шундай деган эди: "Ватанга бўлган муҳаббат мени ажнабийлар ютуғидан кўз юмишга мажбур қилмайди. Аксинча, Ватанга муҳаббатим қанчалик кучли бўлса, шунчалик кўп бойитгим келади". Бугунги кунда жамиятимизда тадбиркорлик, эркин иқтисодий фаолият кенг ривожланаётгани, давлатимизнинг иқтисодий қудрати ортаётгани, халқимизнинг маънавияти бойиб, илм-зиё салоҳияти юксалаётгани Ватан тараққиётининг асоси бўлади.

Мустақил Ўзбекистон равнақи ҳам ана шундай ўз тадбиркорларига боғлиқ. Ватан жаҳон бозорида ўз ўрнини эгаллайдиган, рақобатбардош маҳсулотлар чиқаришга қодир мутахассислар тарбияси учун бор кучини сарфламоқда ва бунга жавобан Ватан фарзандларидан бунёдкорлик фаолиятини талаб қилмоқда. Ватан тараққиёти учун бор билими, кучи, салоҳиятини сарфлаш Ўзбекистон Республикаси барча фуқароларининг муқаддас бурчга айланмоғи даркор. Зеро, ҳар биримизнинг бахтимиз, келажагимиз Ватан ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ.

Юрт тинчлиги бебаҳо неъмат, улуғ саодатдир. Башариат ўз тараққиётининг барча босқичларида, аввало, тинчлик ва тотувликка интилиб келган. Юрт тинчлиги - барқарор тараққиёт гарови. Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш масаласи умумбашарий жамиятнинг асосий масалалари, биринчи навбатда, тинчлик-тотувлик ҳолатидагина самарали ҳал этилган. Шу боисдан ҳам, юрт муаммосини ўз-ўзидан кишиларнинг хоҳиш-истаги, орзу-умидлари билан ҳал қилиб бўлмайди. Инсоният учун муқаддас бу неъматга доимо изчил ва қатъий ҳаракатлар туфайлигина эришилган.Бунга эришиш учун Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод,миллий муносабат маданиятини ривожлантириш даркор.

Шуни айтиш керакки, Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод,миллий муносабат маданияти ўзи туғилиб ўсган, камол топган жой, замин, ўлкага бўлган меҳр-муҳаббатини, муносабатларини ифода этадиган ижтимоий, маънавий-ахлоқий қадриятлар асосида шаклланади. Шахс ватан туйғусини яратмайди, балки уни тайёр ҳолда қабул қилади. Чунки ватанпарварлик узоқ тарихий ривожланиш жараёнида шаклланадиган ижтимоий туйғудир.

Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод,миллий муносабат маданиятини шакилланганлиги ижтимоий ва маънавий-ахлоқий хислатларининг, фазилатларининг юксак намоён бўлиши ҳисобланади. Зеро, улар негизида ота-боболардан мерос қолган заминни севиш, урф-одатларини,

қадриятларини сақлаш, зл-юрт равнақи учун чин дилдан меҳнат қилиш, Ватанни душманлардан ҳимоя қилиш, ҳар қандай қарамликдан озод этиш, ҳатто, зарур бўлса, унинг озодлиги ва мустақиллиги учун жонини ҳам аямаслик, Ватап равнақини, Ватанга эътиқод,миллий муносабат маданиятини эл-юрт манфаатларидан устун қўйиш кабилар ётади.

Узбекистон Республикасининг мустақил давлат сифатида мустаҳкамланиши, унинг иқтисодий, маънавий-маданий тараққиёти учун меҳнат қилиш ва изланишни фидойилик дейишимиз мумкин. Фидойилик ватанга бўлган садоқатдан, муҳаббатдан бошланади. Истаган соҳада Ватанга эътиқод,миллий муносабат маданиятини намоён қилиш мумкин, Табиатни муҳофаза қилиш, ота-боболаримиз қолдирган маданий меросларни тўплаш, ўрганиш, авайлаб сақлаш ва тарғиб ҳам Ватанга эътиқод,миллий муносабат маданиятини шакилланганлигини билдиради. Ватанга эътиқоднинг олий кўриниши жасоратдир. Жасорат кишининг Ватан ва юргдошлари учун ўз манфаатларидан, лозим бўлса, жонидан ҳам кечиб намоён этадиган юксак маънавий-ахлоқий фазилатларидир, Жаеорат халқ фаровонлиги, илм-фан ва маданият равнақи, Ватан ҳимояси учун қилинган узоқ меҳнатда ҳам, ўзини фидо қилиш талаб этиладиган фавқулодда ҳолатларда ҳам намоён бўлиши мумкин.

Ватанга эътиқод,миллий муносабат маданиятини шакиллантириш ўзбек халқининг миллий туйғусини ривожлантириш, миллий юксалиш ғояларини тарғиб қилиш, мамлакатимизда яшаётган турли элат ва миллатлар ўртасидаги дўстлик, тинчлик ва аҳилликни мустаҳкамлаш учун курашишда ҳам намоён бўлади. Худди шунингдек, у Ўзбекистонда демократия ва ҳурфикрлиликнинг қарор топишига ғов бўлаётган ҳолларда қарши курашишни ҳам ўз ичига олади. Мустақиллик шароитида кишиларда Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод,миллий муносабат маданиятини шакиллантириш, кенгайтириш ва мустаҳкамлаш алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Муҳим вазифа - Ўзбекистондаги ҳар бир инсонни миллати, дини, тилидан қатъий назар ватанпарварлик руҳида, қадимий, моддий ва маънавий маданиятнинг масканларидан бири бўлмиш бу ҳудуднинг ҳақиқий жонкуярлари этиб тарбиялашдир. Чунки мустақил Ўзбекистонга ҳозирги пайтда тадбиркорлар керак. Жаҳон бозорига чиқиб, ўз жойини эгаллайдиган, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқара оладиган мутахассисларга давлатимиз муҳтож. Демак, Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод,миллий муносабат маданиятини шакиллантириш, мустаҳкамлаш ва унинг талқинини кенгайтириш ўрта таълим мактабилари ўқитувчиларининг муҳим вазифаси эканлиги шубҳасиздир. Ўзбекистон деб аталмиш шу азиз Ватан меники! Сизники! Ҳаммамизники! Демакки, унинг тупроғида яшовчи барча ишчию деҳқон, косибу зиёли, аскару зобит, савдогару харидор, ёшу кекса, элу элат, жами фуқаро бир дарахтнинг шохларидирмиз. Бинобарин, ҳаммамиз унинг илдизидан баҳраманду, ўзаги билан тирикмиз. Илдизимиз Буюк Турон, ўзагимиз тангри берган истиқлолу истиқболдир. Табиат қонунлари шундаки, тошқин дарёлар ҳам ўз-ўзидан оқади, от айланиб қозиғини топади, уммонлардан сузган кемалар маёққа мўлжал олади, ўтган йилги илдизларидан қайта униб чиққан майсалар ҳам куёшга талпинади. Табиатга хос бундай ҳодисалар кишилик жамиятида ҳам мавжуд. Тарих тақозоси билан мўғуллар босқини, араблар истилоси-ю, чоризм зулм-занжири ва Шўро сиртмоғида юрган қадимда ўзбек тулпори асрларни айланиб, яна ўз олтин қозиғини топди. Кўҳна Туркистон диёрида бир вақглар қудратли давлат макони бўлмиш ўзбеклар элида энг янги тарих тилга кирди, дунё сиёсий харитасида "Ўзбекистон Республикаси" номи билан суверен давлат пайдо бўлди.

Ўзбекистонда истиқлол ва мустақилликка эришилди. Шундай экан, Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод,миллий муносабат маданиятини шакллантиришда, биринчидан, минг-минг йиллик маданиятимиз, донғи кетган тарихимиз, Шарқдан Ғарбга,Шимолдан Жанубга қанот ёзган она диёримиз, қудратли давлатчилигимизу, беҳисоб

бойлигимиз - кадим маданий меросимиз, Ғарб давлатларида аҳоли чориқ судраб, оёқларнга латта боғлаб юрган кезларда бизнинг боболаримиз кимҳоб кийиб, чорих тикда юрганлиги, Ғарбдан аввал, тошбосма китоблар бизда чоп этилганлиги ҳақидаги билимларга эга бўлиш; тиббиёт Ғарбга Шаркдан, биздан таралганлиги, бизнинг Ипак йўлимиз туфайли Ғарб билан Шарқ қўлини бериб борди-келди, олди-сотди қилганлиги, ирригация, деҳқончилик Моврауннаҳримиздан тарқалганини, деҳқонларимиз етиштирган ковунни Месопатамияга оқ туяларда олтин идишларда совға қилиб олиб борилганлиги, Соҳибқирон Амир Темур қурган давлатимиз дунёнинг энг зўр давлати ҳисобланганлиги, Соҳибқиронннинг ўзи Россияни ҳам, Оврўпани ҳам сақлаб қолгани тарихга аён эканлиги, Францияда "Европа ҳалоскори Амир Темур"га ўрнатилган ҳайкал бунинг тарихий гувоҳи эканлиги, Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини биз билан бирга дунё байрам қилганини; чет эллик босқинчилар бирин-кетин юртимизни босиб олгани, асрлар бўйи қарамликда яшаганлигимиз, бошқалар учун ишлаганлигимиз, бойлигимиз ҳузурини ўшалар кўргани ҳақидаги маълумотлар билан таништириш мақсадга мувофиқцир.

Иккинчидан, мустақиллик туфайли ер, сув, ер ости-усти бойликлари ҳаммаси халк мулки, ҳар бир фуқаро бойлиги бўлиб қолганлиги, олтинимиз ҳамёнимизга тушаётганлиги, экин-текинимиз ўз омборимизга босилаётганлиги, маҳсулотлар дунё бозорини кўраётганлиги, дунёдаги нодир маҳсулотларнинг пешма-пеш келиб туриши, жаҳон маданияти бизнинг ҳам меросимизга айланаётганлиги Ватан равнақи ва тараққиётида буюк келажагимиз пойдевори бўлиб хизмат қилаётганлигини ўқувчиларга тушунтириш ва бу ишларда уларнинг иштирокини таъминлаш муҳимдир. Шунингдек, уларга мамлакатимиз энг илғор замонавий саноат маконига айланаётганлиги, ўзбек самолётсозлиги жаҳон бозоридан ўрин олаётганлиги,автомобилсозлиги дунё бозорида рақобат қила оладиган машиналар чиқара бошлаганлиги билан гурурланишни шакллантириш лозим.

Учинчидан, мустақил мамлакатимизнинг халқи обрўси бениҳоя

ошганида деб биламиз. Мустақиллигимизни бутун дунё тан олди, деярли жаҳондаги асосий мамлакатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Россия, АҚШ, Олмония, Франция, Хитой, Туркия, Ҳиндистон, Япония, Италия, Индонезия, Покистон, Жанубий Корея давлатлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилди. Улар билан қўшма корхоналар қурилди, савдо-сотиқ ривожланмоқда. Борди-келди кучаймоқда. Президентимиз Узбекистон Республикаси байроғи билан унинг мадҳиясини янгратиб, давлат ташрифи билан қитъаларни кезиб чиқди. Муҳим давлат ҳужжатлари имзоланди. Унинг ҳаммаси ҳам муҳим, аммо муҳимларнинг муҳими бор. Президентимизнинг Италия билан АҚШга қилган давлат ташрифи ўз эътибори билан муҳимларнинг муҳими, оламшумул ташриф бўлди. Бу ташриф мустақил Ўзбекистоннинг энг Янги тарихида Янги даврни бошлаб берди. Италия ташрифи Ўзбекистон ва Оврўпа Иттифоқи давлатлари ҳукумат раҳбарларининг учрашувига айланди. Унда Узбекистон билан Оврўпа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Унинг аҳамияти бутун бир дунё бўлиб, бебаҳо ҳужжатдир. Ўзбекистон Оврўпа буюк давлатлари қаторига кирди, улар билан шерик ва ҳамкор бўлди. Катта обрў, зўр эътибор шунчалардир. Бу омиллар мустақил давлатимизнинг хавфсизлигини, тинч-тотув ривожланишининг гаровларидандир.

Президентимизнинг АҚШга ташрифи иқтисодий, сиёсий баркамоллигимизнинг ўзига хос намойиши бўлди. АҚШдек қудратли давлатнинг раҳбарлари "Биз Ўзбекистонни Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликии таъминлашда муҳим ҳамкоримиз деб биламиз" дейди. Маълумки, Ўзбекистон НАТОнинг тинчлик йўлидаги ҳамкоридир. Узбекистоннинг АҚШ билан Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги қамкорлиги, айниқса, давлатимизнинг хавфсизлигини кафолатлайдигак ва тинч бунёдкорлик ишларини давом эттиришга имкон берадиган муҳим воқеадир.

Тўртинчидан, Ўзбекисгон Республикаси ўзининг мустақилликка

эришганига 15 йил тўлиши арафасида Шарқ ва Ғарбга кенг савдо йўллари очди. Эндиликда пахтамиз, олтинимиз ва қимматбаҳо матоларимиз Туркманистон, Озарбайжон ва ундан нарига етиб боради, дунё моллари ҳам бизга шу йўл билан тез ва арзон келиб туради. Ипак йўли очилса, жаҳон бизга гўёки бир қадам...

Бешинчиси, шу азнз Ватан меники, сизники, ҳаммамизники! Унингҳар бир қаричи бизга тўтиё! Унинг заррача тупроғига кўксимиз қалқон! Тингла, эй, азиз даргоҳ! Сенинг ишқинг билан яшаймиз, курашамиз, бунёд этамиз, ҳаётимиз мазмуни сенсан, Ватан! Илҳомимиз сенсан, ижодимиз сен, сенга жон фидо, ҳур Узбекистон! Танамизда жонимиз, томирларда қонимиз бор экан, сени ҳеч кимга бермаймиз, ҳазрати Диёр! Сенга олайган кўзларга оқ тушади, қасд қилганлар паст бўлади - адолат ҳақиқати ана шундай, келажаги буюк ўзи бек Ватан! Яшна, гулла, камол топ, сенинг ишқингда куйлаб horимаймиз! Шундай экан, Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларнинг онгини, сиёсий фаоллигини ошириш, уларни мамлакат ва миллат тараққиёти билан боғлиқ бўлган вазифаларни бажаришга сафарбар этиш, миллий тикланиш, миллий уйғониш ва покланиш - ўзбек миллатипинг асосий мақсади эканлигини тушунтириш.

2. Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини, унинг имкониятлари ва афзалликларини ўқувчиларга тушунтириш.

3. Барча ўқувчиларда Ватан, миллат олдидаги бурч ва масъулият, миллий ифтихор туйғусини шакллантириш, уларни ватанпарварлик, миллатпарварлик, байналмилаллик руҳида тарбиялаш.

4. Тарихий хотира, маданий мерос, миллий анъана ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш.

5. Ўқувчиларни мулкчиликнинг турли шаклларига жалб этиш, уларда ишбилармонлик ва тадбиркорликни шакллантириш.

6. Ўқувчилар ўртасида миллий ўзликни англашни кучайтириш, ирқчилик, ашаддий миллатчилик, миллий калондимоғликка қарши муросасиз кураш олиб бориш,

7. Жамият ҳаёти, давлат сиёсатидаги демократик давлат фуқаролари ва манфаатларини ҳимоя қилиш ғояларини ўқувчиларнинг онгига сингдириш.

8. Халқаро алоқаларни яхшилаш, миллий муносабатларни ҳал этишда ижтимоий адолат мезонларига тўла риоя қилиш йўлларини белгилаш, мамлакатимизда яшаётган барча фуқароларни ягона мақсадлар йўлида бирлаштириш.

9. Мамлакатда тинчлик, барқарорлик, ҳамжиҳатликни таъминлаш учун ижтимоий, маънавий муҳит яратиш.

10. Таълим-тарбия ишларини миллий, умуминсоний мерос ва қадриятлар, анъаналар, янги давр ва истиқбол муаммолари билан боғлаб амалга ошириш йўлларини белгилаш.

П. Ёшларни меҳнатсеварлик, ҳалоллик, иймон, инсофлилик руҳида тарбиялаш, оилани мустаҳкамлашнинг маънавий асосларини яратиш.

12. Жаҳондаги барча мамлакатлар ва халқлар билан дўстона, тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатишга имкон берадиган йўлларни, воситаларни белгилаш.

13. Миллий мерос ва анъаналар ривожини бошқа халқларнинг маданияти, тажрибаси, умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ равишда амалга оширишни таъминлаш.

14. Миллий истиқлол ва истиқболнинг муайян ва аниқ шароитлар, имкониятлар билан тақозо этилган янги йўналишларини, бу борадаги муҳим вазифалар тизимини асослаш ва исботлаш.

15. Турли қарашлар, нуқтаи назарларга муносабатда демократия, адолат, ошкоралик, эътиқодий бағрикенглик принципларига таяниш.

Ўзбекистон Рсспубликаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги маърузасида мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси, ислоҳотларни чукурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги фаолиятимизнинг мазмун-моҳиятида жамият маънавиятини янада юксалтириш устувор йўиалишларидан бири эканлигини таъкидлаб, "фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашишймиз зарур" - деб ёшлар билан ишлаш масалаларига алоҳида эътибор бсрган эди. Демак, мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимизнинг қаидай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар билан ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига боғлиқ.

Ватанга эътиқод,миллий муносабат маданиятини шакиллантиришдаги ҳозирги асосий вазифа -жамиятимиз, халқимиз учуи нақадар долзарб эканини эътироф этишда, моҳиятини чуқур англаб, олдимизда турган улкан вазифаларни амалга оширишда уни енгилмас кучга айлантиришдадир.

## I. Боб юзасидан хулоса.

Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини  шакллантириш доимий равишда юксалиб бориши ва унда ўзликни англаш, ягона халқ, ягона миллат бўлиб жамиятни мустаҳкамлаш мустақил Ўзбекистон келажагини буюк давлатга айланишининг негизидир.

## 2.боб Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш - муаммосини ўрганилиши ва унинг илмий педагогик асослари.

### 2.1 Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришнинг тарихий илдизлари.

Ўзбек халқи қадим-қадимдан Ватан равнақини юксак қадрлаши ҳамда уни ўз орзу-умидлари, олий мақсадлари руёбга чиқишининг кафолати билан бирга деб билганлар. Шу боисдан ҳам, бобо-момолар дуога қўл очганларида, даставвал, яратгандан юрт тинчлигини, фаровонлигини тилайдилар. Халқимиз орасида ҳам юрт тинч бўлса, ҳар қандай мақсадга эришиш мумкин, деган тушунча кенг тарқалган.

Кўҳна тарихга назар ташласак, айнан юрт тинч, эл омонликда яшаган даврлардагина халқимиз моддий ва маънавий ютуқларга эришганига гувоҳ бўламиз. Хусусан, соҳибқирон Амир Темурнинг набираси Мирзо Улуғбек Мовароуннаҳрга ҳукмронлик қилган қирқ йил мобайнида мамлакатда тинчлик, барқарорлик устувор бўлгани сабабли илм-фан, маданият тараққий этган, бунёдкорлик ишлари ривожланган, кўҳна заминимиз гуллаб-яшнаган. Шунинг учун ўзбек шеъриятининг қуёши Алишер Навоий Улуғбекни дунёдаги барча подшолардан устун қўяди:

Темурбек наслидин султон Улуғбек
Ки, олам кўрмади султон анингдек.

Низолар, маҳаллийчилик, уруғ-аймоғчилик авж олган Улуғбек замонидан кейинги даврларда эса юртимиздан файз-барака кетди, кўҳна Туркистон жаҳон цивилизациясидан анча орқада қолди. Инсонлар қалбини маърифат ўрнига жаҳолат забт этиб, одамлар нафсу ҳавога берилди, амалдорлар Ватан тақдирини эмас, ўзининг тор ва майда манфаатларини ўйлайдиган кимсаларга айланди. Оқибатда муқаддас она тупроғимиз босқинчилар қўлига қарам бўлиб қолди. Лекин шунга қарамай, ўзбек мутафаккирлари ва маърифатпарварлари ўз асарларида Ватан, ватанга

эътиқод ҳақида доимо куйлаб келганлар.

Маҳмуд Қошгарий XI асрда Марказий Осиёда яшаб ижод этган фан арбоби, таниқли олим, тарихчи, тилшуносдир. У ўзининг бебаҳо "Девону луғотит-турк" ("Туркий сўзлар девони") асарида XI асрдаги халқларнинг урф-одатлари, анъаналари, кадриятларини, ўша давр кишиларининг ўзига хос руҳий-маънавий оламини баён этган. У туркий халқларнинг ватанга бўлган садоқати, Ватанни ардоқлаш, Ватанга тегишли ҳар бир нарсани муқаддас билиши, ўзини шу Ватаннинг фарзанди деб ҳис қилишини ҳақиқий инсонга хос фазилат сифатида эъзозлаган. Эрк, мустақиллик, ватанпарварлик ғояларини илгари сурган. Чунки эрк, озодлик, мустақиллик инсониятни ҳамма вақт фаол ҳаракат қилишга чорлаган. Озодлик, мустақилликни истаган инсон лоқайдлик қилмаган, унинг учун курашган. Шу сабабли ҳам, Маҳмуд Қошғарий: "Ўкуз азақи бўлғунча, бузогу баша бўлса йик"- деб "мустақиллик бўйсунишдан яхши"лигини айтади. (92, 93)

Маҳмуд Қошғарий мардлик, довюраклик, абжирлик каби хислатларни ватан ҳимоячисига хос фазилат деб тушунади. У душманга нисбатан шафқатсиз бўлади. Девонда бу фикр ватанпарварнинг ҳаракати душманга айтган сўзлари мисолида шундай ифодаланади:

Утру тириб яғди ангар киши ўқи жигилвар,
Айдим асиг ғу эмас сен тақи ялвар.

Яъни: Менга юзламгач, суғдоқдан ўқни ёмғирдек ёғдирдим. Энди сенинг ялиниб ёлворишларинг фойда бермайди, дедим, - дейди ватанпарвар.

Соҳибқирон Амир Темур ўз шоҳлик фаолиятида ижтимоий-сиёсий масалалар билан бирга, маданият ва илм-фаннинг ривожига алоҳида эътибор беради, буни мамлакатни бошқаришда олимлар, дин уламолари билан бўлган мулоқоти мисолида кўриш мумкин. Амир Темур давлат ишларида исломга таяниб, мусулмон динининг улуғ намояндаларини эъзозлаб, ҳурмат қилади. Умуман, Амир Темурнинг тарих олдидаги хизмати бениҳоя каттадир. У мамлакатда кучайиб кетган тарқоқликка барҳам бериб, эл-юртни ўз туғи остига бирлаштирди, марказлашган йирик феодал давлатга асос солди. Бу

билан ҳунармандчидик, савдо-сотиқ ва маданият ривожига мустаҳкам замин яратди. Туркистон заминини ҳунармандчилик, илм-фан ва маданият ривожланган илғор мамлакатга айлантирди.

Шунингдек, Амир Темур давлат обрўси, шарафи, манфаати соҳасида ғоят қаттиққўл бўлган. У ўзининг ўғил ва набираларини ҳам, қариндош-уруғларини ҳам, ҳарбий бошлиқларини ҳам аямаган. Темур шахсиятидаги бу хусусиятлар ҳакида "Темур тузуклари"да батафсил маълумот берилган.

Шеърият мулкининг султони Алишер Навоийнинг халқпарварлик ғоялари ҳам муҳимдир. Унинг фикрича, жамиятнинг аъзоси бўлган ҳар бир одам ўз халқига хизмат қилиши, ёрдам бериши, фойда келтириши, халқ манфаатини ўз манфаатидан юқори қўймоғи - халқ учун, ватан учун фойда эканлигини унутмаслиги керак.

Наф етурмакка шоир айладинг,
Ўзунгга ул нафни ёр айладинг.
Нафинг агар халққа бешак дурур,
Билки, бу наф ўзингга кўпроқ дурур.

Алишер Навоий халққа иш билан ҳам, сўз билан ҳам, кўнгил билан ҳам фойда келтириш кераклигини айтади, халқ манфаатини ўйлайдиган, халқнинг бахт-саодати учун курашадиган кишиларни ҳақиқий одам деб билади:

Одамий эрсанг демагил одами,
Оники йўк хадқ ғамидин гами.

Алишер Навоийнинг инсонга муҳаббати ватанга муҳаббати билан боғланган. Навоий эл-юртнинт обод, фаровон, мустақил бўлишини ва унда инсонларнинг дўст-ёр, аҳил, ҳур яшашини истайди. Навоий одамларни ватанни севишга даъват этади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодида ватанпарварлик туйғуси етакчи ўринни эгаллайди. Шоир уламоларнинг жоҳиллигидан, феодал текинхўрларнинг шафқатсизлигидан ғоятда афсусланиб, ўзига содиқ уч юз кишилик қўшин билан Ватанини ташлаб, Андижондан чиқиб кетишга

мажбур бўлади.

Бормоққа не маскан муяссар

Турмоққа не давлат муқаррар,

деб ёзган шоирнинг мақсади кулай фурсат бўлиши биланоқ, Андижонга қайтиб келиш эди. Бироқ Андижонда жоҳил феодаллар Бобурга қарши чиқишни тўхтатмайдилар. У 1512 йили яна Қобулга қайтиб, Фарғона мулкини тиклаш, Андижонга қайтиш умидида 14 йил қулай фурсат кутади. Лекин бахт Бобурга кулиб боқмади. Ниҳоят, у ўз Ватанидан умидини узиб, 1526 йили Ҳиндистон сари кетишга мажбур бўлди. 19 ёшида Қобулни, 40 ёшида Ҳиндистопни қўлга киритган саркарда ғалабалар шароитида ҳам, мағлубият азоблари исканжасида ҳам ўз туғилиб ўсган Ватанини қўмсайди. Бобур Ҳиндистонда эканида ҳам она юртига тез-тез одам юбориб туради.

Бобурнинг нолиши бегона юртларга бориб қолиб, Ватанини соғиниб юрган пайтларида, айникса авж олади:

Янамаҳруми хонимон қклдинг

Яна овораи жаҳон қилдинг,

деб Ватанини соғиниб, фалак зулмидан нолийди.

Шоирдаги бадиий ифода кучи ёшлар қалбини зириллатиб, мусофирликнинғ, Ватандан узоқда яшашнинг, чексиз оғир меҳнатда киши эзилиб, роҳат кўрмаганидек, кўнгли роҳатсиз шод бўлмаганидек, шоҳ бўлса ҳам Ватанидан узоқда, ғарибликда кишининг кўнгли шод бўлмаслигини кўрсатади. Ватанини согиниб, ғурбатда яшаётган киши дўстларини ёд этмайди. Бобурнинг бу хулосаси катта тарбиявий аҳамиятга молик, бу "Узга юртнинг подшоси бўлгунча, ўз юртингнинг гадоси бўл" мақолига ҳамоҳангдир:

Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши,

Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши.

Кўнгул бу ғарибликда шод ўлмади, оҳ,

Ғурбатда севинмас эмиш, албатта, киши.

Шоирда Ватан тушунчаси ниҳоятда гўзал. Ватан - тенгсиз мағрур, эгилмайди. Ғурурли, доимо тикка турувчи дарахтдай дунёга кўрк бағишлайди, дегап маънони англатади. Ватанга эҳтиётлик билан, ҳурмат билан муносабатда бўлинади. Ватан тупроғи эъзозланади, соғинганда Ватан тупроғи ўпилади, деган тушунчани англаймиз. Ўз Ватани ишқида интизорликни тортаётган шоир қалбини жаннатга тенг бўлган Қобул баҳори ҳам хурсанд этмайди. Бобур жаннатга тенг, лола билан тўла Қобул баҳорини ҳам ўз Ватани жамолига алмаштирмайди.

Ватанга муҳаббат ва садоқат шахснинг ватанпарварлиги, етуклиги, миллий ифтихори каби фазилатларда акс этиб, унинг ҳаётий мақсадларида, Ватан бойлигини асраш ва ҳимоя қилишга қаратилган амалий ишларда намоён бўлади. Бунинг учун эса Ватан табиати ва қудратини яхши билмоқ зарур. Бу жиҳатдан қараганда, "Бобурнома"даги тасвирлар қимматлидир. Уш, Исфара, Хўжанд, Афгонистон ва Ҳиндистон каби қайси шаҳарга, қайси давлатга бормасин, у ерда ватанпарварликни ўзбеклар ва ерли халқлар ўртасида кенг тарғиб этди.

Толеъ йўқки жонимға балолиғ бўлди,
Ҳар ишни айладим хатолиғ бўлди.
Уз ерни қўюб Ҳинд сари юзландим,
Ё раб, нетайин, ие юз қаролиғ бўлди.

Бу сатрларда Бобур ўз Ватанини ташлаб, Ҳиндистонга бош олиб кетишни катта бахтсизлик, юзиқаролик, жонга бало орттириш ҳисоблаб, афсусланади. Шоир қанча кўп Ватанига қайтишни, уни кўришни ўйласа, тақдир уни Ватандан шунча узоқлаштиради:

Ҳижрон чўлида жаҳд била пўялар уриб,
Истаб зулоли васл етишим саробка,
Чун хаст мундоқ эрдики, ҳажрингда саробқа.
Ёки:
Ноумид бўлдим, эй мўғул сендин,
То эшиттимки Андижон бординг,

Айтқон сўзга келдим, аммо сен,

Яхшй*келдинг демай, ёмон бординг.

Халқ ёзувчиси бўлиш учун Ватанга муҳаббатнинг ўзи камлик қилади, бунинг учун ўз халқини яхши билмоқ, у билан яқиндан боғланмоқ, унга эл бўлмоқ керак. Ўз халқини ўрганиш санъаткорлик истеъдоди учун энг яхши мактабдир. Бобур ўз Ватанини ҳеч муболағасиз ардоқлаб тасвирлайди. Андижон баҳори қақида гурурланиб ёзади: "Оқар сувлари бор, баҳори бисёр яхши бўлур, қалин лола ва гуллар очилур".

Бобур асарларидаги Ватанни жону дилдан севишни тараннум этган сатрлар кишини мафтун этади. Бу хил сатрлар, шубҳасиз, ёшлар дилида Ватанга муҳаббат ҳиссини тарбиялайди. Бобур Андижон атрофидаги шаҳар ва қишлоқларни тасвир этар экан, Андижон сўзини етти марта такрорлаб тилга олади. Қайси шаҳарни тасвирласа, Андижонга қиёс қилади: "Яна бир Хўжанддур, Андижондин ғарб сарига йигирма беш йиғоч йўлдир". Ёки "Яна бир Косондур, Ахеининг шимолида тушубдир. Кичикроқ касабадур. Нечунким Андижон суйи Ўшжин келур, Ахси суйи Косондин келур".

Бобур ўзининг "Бобурнома" асарида Ахси сўзини 29 жойда тилга олади. Ғам ва изтироб чекавериб чарчаган шоир Ватанга қайтиб, бир хилват жойда одамларга кўринмай беғалва яшашни шохликдан устун қўяди:

Гўше тугсам жаҳоннинг аҳлидин, ғам кўрмасам,

Истарам эл кўрмаса мениб, мен ҳам кўрмасам. Бобур Андижонда ўтказган ҳаёгини эслар экан, бундай деб ёзади:

Хуш улки бурунки замонларки, ўттию борди,

Хуш ул кишики замоиини яхши ўткарди.

Шоир Ватанининг шилдираб оқиб турадиган сувини, узумини, қовунини ҳар доим соғиниб, йиғлаб ўтганини нозик ўхшатиш ва жозибадор лоф билан фардда бундай деб ёзади:

Қовун бирла узумнинг ҳажрида кўнглумда ғам су,

Оқар сувниш фироқидин кўзумдин ҳар дам оқар су.

Демак, Бобур ўз ватани Андижонни умрининг охиригача унутмай,

қўмсаб юрди. Бундай қўмсашни, Ватан соғинчини у чексиз маънода тушуниб, уни ерни соғинишга тенглаштиради, чўлда чанқаб сувни қўмсашга қиёслади. Бобур Ватан қадрини ҳокимликдан, давлатдан ҳам баланд билди. Иложи бўлса, гарибликдаги шохликни Ватанда гадоликка алмаштиришга тайёрлигини бадиий ифода билан берди.

Бобурдаги Ватан соғинчини унинг барча асарларида ўқиймиз. Ватанга бағишланган сатрлар китобхонни Ватанни синчковлик билан ўрганишга, уни эъзозлашга, бойитишга, керак бўлса ҳимоя этишга ундайди.

Қорақалгюқ мутафаккири Бердимурод Бердақ бутун ижоди давомида халқлар тенглиги, инсонпарварлик, ватанпарварлик, адолат ҳақидаги ғояларини олға суради. Бердақ инсоннинг шахсий бахти халқ бахти билан боғлиқ деб билади. Унинг таъкидлашича, ҳар бир одам ҳақиқий бахтга эришиши учун ўз шахсий манфаатини халқ манфаати билан бирлаштириши, халқ бахти учун лозим бўлса, жонини ҳам аямаслиги керак. Шоир дейди:

Йигит бўлсанг арслоп каби тугилгин,
Ҳамиша сен хизмат этгил халқ учун.
Йигит бўлсанғ арслои каби туғилгин,
Ўзим демай, ғамхўрлик қил халқ учун...
Йигит деған яхши билимдон бўлур,
Билим, хунар йигит учун шон бўлур.

Бердақнинг фикрича, инсон олий ахлоқий сифатларга, чунончи, беғаразлик, олижаноблик, виждонийлик, меҳнатсеварлик, мардлик каби фазилатларга эга бўлиши лозим. У халқни бутун қалби билан севиши, унинг фаровонлиги учун қайғуриши, халқ билан бирга бўлиши зарур.

Бердақнинг уқтиришича, инсон ор-номусли, ақл-идрокли бўлиши керак. Шундай хислатларни эгаллаши учун эса, у нодон, беномуслардан йироқ, доно ва оқил кишилардан одоб ўрганмоғи лозим.

Бердак жамиятда юз бераётган воқеаларни идрок этишда, аввало, халқнинг ҳаётий тажрибаси ва донишмандлигига суянади. Ҳукмдор, аввало, халқ манфаатлари ҳимоячиси, халққа хизмат қилишни асосий вазифа деб

билиши лозим. Бердақ жамнятда бахт ва адолат равнақ топиши, барқарор бўлиши учун ҳукмдор одил ва доно бўлиши керак, деган ғояни илгари суриб, халққа хизмат қилиш кераклиги ҳақида фикр юритганда, биринчи навбатда, тўғрилик, ҳақиқатгўйлик, адолат билан иш юритиш кераклигини айтади.

Шод қилиш учун Ватанни,
Бахт йўлини излар эдим мен...
Чўзмагил қўлингни бекор,
Ўйланиб, тўғри йўлдан бор.
Бўлса гар ақлли сардор,
То топгунча излар эдйм. (56, 31)

Ватаннинг она янглиғ ягоналигини болаларимизга бешик азон қилиб айтишимиз шарт. Чунки биз сингари тупроқ миллатни муқаддас Ватан тушунчаси бирлаштирмаса, бошимиз қовушмай юраверишимиз мумкин.

Ватанпарварлик ҳақида халқ шоири Эркин Воҳидов шундай фикр қилади:

"Улуғ бобомиз Амир Темур муаззам давлатни уч тамойил асосига қурган: диёнат, адолат, сиёсат, яъни, дину иймон, одиллик ва кучли идора. Иймон йўқ ерда ҳалоллик йўқ. Демак юртда барака йўқ. Адолат бўлмаса тотувлик, ҳамжиҳатлик ўрнини зулм ва зўрлик олади. Элда тинчлик йўқолади. Сиёсат, талабчанлик, қонун кучи бўшашса, ўғри, муттаҳам, каллакесарнипг сони кўпаяди.

Мен, аввало, бизнинг ёш давлатимизда ҳам ана шу уч тамойилнинг боқий бўлишини тилайман. Инсоннинг маънавий камоли давлатнинг асосий мақсади бўлиши керак. Жисман, ақлан ва руҳан поклик, саломатлик жамиятимизда юқори даражада бўлишини истардим. Ватанни Ватан қиладиган тупроқ эмас, олтин эмас, қуёш эмас - инсондур. Уларнинг ақли ва камолидир. Ватан ҳам, ақл ҳам, руҳ ҳам тарбияга муҳтож. Бу иш ҳамманинг бирламчи ташвиши бўлиши лозим деб ўйлайман".

Ватан сўзи аслида макон, турар жой маъносида ишлатилган. "Кўзум

қаросида мардум каби ватан қилғил" деганда Навоий шу маънони кўзда тутган. Ҳозир ҳам "ватанли бўлиш" — "уйли-жойли бўлиш" деган маънони англатади. Ватан сўзининг биз апглаган "Родина" маъноси нисбатан янги тушунчадир.

Туркмап шоири ва мутафаккири Маҳтумқули инсоннинг бахти, тинчлиги халк, Ватан бахти билан бсвосита боғлиқ, шу сабабли ҳам одамлар Ватан, халқ учун жонини фидо қилиши керак деган фикрни олға суради. Шоир ватанпарварлик тарбиясини барча тарбиянинг асоси деб билади. Маҳтумқулининг фикрича, марказлашган давлат, мамлакат барпо этиш йўлида каттадан-кичик, бутун халқ жонбозлик кўрсатмоғи, бир ёқадан бош чиқариб, фидоий бўлмоги лозим. Бунинг учун халқ онгини уйғотиш, кўзини очиш керак.

Ватанпарвар инсон чидамли, ҳушёр бўлмоғи лозим. Чинакам фарзанд ватан, она-юрт, халқ ор-номусини ҳар нарсадан юқори қўйсин, керак бўлса, азиз жонини қурбон қилишга ҳам тайёр турсин. Маҳтумқули одамларни ватан табиатини севишга ундайди, табиат гўзаллигини ҳимоя қилганларни ҳақиқий ватанпарвар деб билади. Адиб она ернинг хислати, гўзаллигини таърифлаб, одамларда муҳаббат уйғотади, уни эъзозлашга даъват этади. Унинг васф этишича:

Ери гўзал - хаста одам сог бўлур,
Оғриқ, бежон, ғариб кўнгли чоғ бўлур.
Сарчаман дарахти билан боғ бўлур,
Ажаб, куш солмоққа овлоқлари бор!

Шоирнинг таъкидлашича, инсон учун униб-ўсган еридан айрилиш - жонидан айрилишдан кўра даҳшатлироқдир.

Айрилиш она-отамдан,
Кўзим қувончи - ватандан.
Жон бермак осон ҳижрондан, - дейди Маҳтумқули. (94, 163)

Маърифатпарвар олим Абдурауф Фитрат Ватанни севди, Ватанни бизнинг валинеъматимиз деб билди. Фитрат ўз асарларида Ватан

гўзаллигини завқ билан тасвирдаб дейди:

Қардошларим, мана сизга бир ўлка-
Ким топилмас ер юзида сингари.
Ҳар ёнида кенг, ям-яшил учмоҳлар,
Жон сувидан етишгандир гуллари...

Фитрат ўз ватандошларини азиз диёри Туркистонни севишга, уни асрашга чорлади. У ёшларга хитоб қилиб, уларни шу Ватан ва миллат саодати, бахти, равнақи учун фидоийлик кўрсатишга, жасоратли бўлишга даъватэтди:

Оғир йигит, сенинг гўзал, пурли кўзингда Бу миллатнипг саодатин, бахтин ўқидим. Уйлашингда, турмушингда ҳамда ўзингда Бу юрт учун қутулишнинг борлигин кўрдим. Турма-югур, тинма-тириш, букилма-юксал.

Миллий истиқлол ғояларини тарғиб этган Маҳмудхўжа Беҳбудий илм-маърифат соҳасида олиб борган ишларида ёшларда Туркистон халқлари тарихи, тили, маданиятига ҳурмат ҳиссини ривожлантиришга ҳаракат қилди.

"Биз, -дейди Беҳбудий, ўз қисматимизни биламиз... агар бизнинг ҳаётимиз хуррият ва халқнинг бахт саодати учун қурбонлик сифатида керак бўлса, биз ўлимни ҳам хурсандчилик билан кутиб оламиз...

Мумкин қадар кўпроқ яхши мактаблар очиш, шунингдек, маориф ва халқ бахт-саодатини таъмиилаш соҳасида тинмай ишлаш бизга энг яхши ҳайкал бўлади". (М.Беҳбудийнинг қатл олдидан ёзилган васиятномасидан)

Беҳбудий мактаб, маорифни инсон онгини шакллантириш ва ривожлантириш, мактаблараро дўстликни мустаҳкамлаш воситаси ҳисоблади, очилган янги усул мактабларида ўқувчиларни шахс сифатида камол топтиришга, уларда инсоний фазилатларни шакллантиришга эътибор берди.

Абдулла Авлоний наздида ватан туйғуси энг инсоний, энг мўътабар туйғудир. Ватан дарди билан яшамоқ, унинг бахтидан қувонмоқ, у билан фахрланмоқ керак. Ватан онадек муқаддас. Уни қадрлаш, эъзозлаш, унинг шодлик ва қувончига шерик бўлиш, ғам-ҳасратини баҳам кўриш фарзанднинг муқаддас бурчидир. Авлоний дейдики: "Ҳар бир кишининг туғулиб ўскан шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғулган, ўскан ерини жонидан ортиқ суяр. Ҳатто бу ватан ҳисси - туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз ватанидан - уюридан айирилса, ўз еридаги каби роҳат-роҳат яшамас, маишати талх бўлуб, ҳар вақт дилининг бир гўшасида ўз ватанининғ муҳаббати турар".

Фарзандлар ҳам ҳар хил бўлади. Онанинг бахтига шерик бўлиб, бахтсизлигида ёлғиз ташлаб кетувчи фарзандлар ҳам топилади. Ватаннинг ҳам фақат фусункор табиатини, боғ-роғларини хуш кўрадиган, лекин ташвиш ва ғамларини ўйламайдиган фарзандлари йўқ эмас.

"Биз, - дейди Авлоний, - туркистонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ суйдигимиз каби, араблар арабистонларини, қумлик, иссиғ чўлларини,эскимулар шимол тарафларини, энг совуқ кор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларин ташлаб ҳижрат қилурлар эди". (36, 28).

Боболаримиз "Киши юртида султон бўлгунча, ўз юртингда чўпон бўл", демишлар. Ватанни, у кандай бўлмасин севиш керак. Қуйида юртдошларимизнинг Ватан ҳақидаги фикрларини келтирамиз.

Халқ шоири Абдулла Орипов бундан анча йиллар муқаддам ёзган "Мен нечун севаман Узбекистонни?" номли шеърини эслаб, шундай деган эди: "Ватан ҳақидаги ошкора иқрорим ўша йилларда бошланган бўлса ажаб эмас. Албатта, бутун дунё менинг Ватаним, дея бақириб-чақириб юрган пайтларимиз бўлди. Энди эса халк қадрини ўз жойига қўйган. Бундай элнинг келажаги порлоқ бўлишига ҳеч шубҳа йўқ".

Турсуной Содиқованинг ёзишича, ота-боваларнинг руҳи яшайдиган жой Ватандир. "Бу тупроқ менга чексиз қувват бериб туради, отам бўлиб

суяди, онам бўлиб овутади. Боламни оёққа турғизади, дон сепсам нон беради. Ватан олдидаги ягона қарзимиз биздан кейин келаётганларга ҳам шу муносабатни юқтиришдир", - дейди шоира.

Иқтисодчи Нурислом Тўхлиев: "Ватан - менимча, инсон ва унинг аждодлари киндик қони тукилган жой. Қаранг, Америкада туғилган ўзбек Узбекистонни она-Ваганим дейди. Ахир бу тупроқда туғилмаган-ку? Демак, Ватан ота-юрт, аждодлар хоки бўлган тупроқ. Аммо Ватан фақат жуғрофий - ҳудудий тушунчагина эмас. Ватан, аввало, қалбга ўрнашган муқаддас, ахлоқий туйғу ҳамдир. Ватан - ягона. Шунинг учун Ватаннинг катта-кичиги ҳам бўлмайди, Ватап танланмайди.

Қандай жуғрофий кенгликда яшаганимиз ва яшаётганимиздан қатъий назар, она-Ватан ҳакидаги тушунча ўзгаргани йўқ. Ватанни илк бор мен соғинч шаклида ҳис этганман. Ўқиш учун Самарқандга келиб, у ерда ота-онамни, қишлоғимни соғиниб, Ватан ҳақида ўйлай бошлаганман".

Журналист Мирзо Кенжабек: "Кимдир вафот этса, "фалончи қайтиш қилибди", дейдилар Қаёққа қайтиш килади? Қаёққа бўларди ахир, Ватанга-да, яъни жисм, жасад ўз аслига - тупроққа, руҳ ўз манбаига - осмон оламига.

Аммо руҳ ва тан бирга бўлганда тирик ҳолимизда бизга насиб этган юртни севмоқлик иймондандир. Ота-юрт деймиз, она-Ватан деймиз! Ватанни худди ота-онани севган каби севмоқ керак. Севгининг ўзи камлик қилади. Унинг озодлиги, иоклиги учун курашмоқ керак. Ватан ҳақидаги асли тушунчанинг давр билан ҳам, сифат билан ҳам иши йўқ, у ўзгармасдир".

Ёзувчи Нурали Қобул: "Бизнинг танимиз Ватаннинг бир бўлагидир. Не учун инсоннинг устига тупроқ тортилгандан сўнг, удумимиз бўйича қабр устига уч сиқимдан тупроқ ташлайдилар? Бу - биз тупроқдан яратилганмиз, қайтиб заминимизга кетамиз ва яна ердан бош кўтариб чиқамиз демакдир. Худога, Ҳаққа ҳам кўр-кўрона эмас, ақл-идрок ёғдуси билан етганидек, Ватанни ҳам тиниқ ва ёруғ фикр, теран ақл-заковат билан топадилар. Саводсиз, маданиятсиз ва маърифатсиз одамнинг ватанпарварлиги фақат она юртга иснод ва миллий шарафига завол келтиради, холос".

Ёзувчи Усмон Азим: "Ватан тақдиримизга, ҳаётимизнинг маъносига айланиши лозим. Ўзбекистон ўз қадрини билган, ор-номусли одамлар юрти бўлмоғи керак. Бунинг учун юракка озиқ берувчи жаҳон илғор илмларига кенг йўл очувчи, халқимизнинг тарихий илдизларидан сув ичган, тарбия тизимини яратиш йўлида меҳнат қилмоқ зарур.

Ватан - Худодай бир буюклик. Унга фақат ўзлигини англаганлар етади, менимча аслида-ку, Ватан она сути билан кирса керак, одамнинг қонига. Аммо иймони сустлар бора-бора уни беҳаёликларга, тубанликларга, сотқинликларга ва ҳоказо иллатларга қурбон беради".

Журналист Алишер Ҳайдаров Ватан ҳақидаги туйғуларини қуйидагича лутф этади: "Одамлар ўзгариб, водийлар яйрайверади, бироқ Ватан ўз ўрнидан жилмайди. Ватанимизнинг истиқлоли ва мустақиллигини ҳимоя қилишда ўз ҳиссамизни қўшишни асло унутмаймиз.

Ер куррасини ўн марта айланиб чиқиб ҳам тупроғидан, олтин тиконидан гул унадиган, Она-ватанидек диёрини ҳеч ким, ҳеч қачон топмаса керак. Миллий урф-одатларни, инсоний фазилатларни халқимизда кўриб, шу халқ яшаётган ўлкада дунёга келганимдан шод бўлиб кетаман. Орамизда меҳр-муҳаббат қанча кучли бўлса, Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат ҳам шундай бўлади.

Инсоннинг фазилатлари элга садоқатдан, ёрга вафодан, ота-онага меҳр-оқибатдан, Ватанга муҳаббатдан тугилиб, одамга юксак безак беради. Она ўз гўдагини қанча ардоқлаб севса, мен ҳам Ватанимни шундай ардоқлаб севишим шарт.

Ватан хизматида бўлмоқ ҳар бир ватанпарварман деган инсоннинг шарафли бурчидир. Тириклик зийнати муҳаббат бўлса, Ватан кўрки чин садоқатдир. Қалбимнинг оташи ҳам, ғурури ҳам Ватандир".

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида "Ватан" сўзи шундай изоҳланади: "Ватан - I) Кишиларнинг туғилиб ўсган жойи, юрти, мамлакати; тарихан муайян халққа тегишли ҳудуд ҳамда унинг табиати, аҳолиси, ўзига хос тараққиёти, тили, маданияти, турмуши ва урф-одатлари мажмуи. Ватан-

она каби ягона, муқаддас. Ватан олдидаги қарздорлик туйғуси, масъулиятли ҳар бир етук инсонга хос хусусиятдир. Ватанни севиш ватанпарварликда намоён бўлади"

Демак, ватанпарварлик - ватанни севишдир. Ватанни севиш - ватанпарвар демакдир. Ватан маъиавият ва маданият, фан, адабиёт ва санъат ўчоғи, ҳам булоғидир. Инсон учун ватандан мусаффо бойлик йўқ. Иймон - диёнатдан гап кетганда, аввало, кўз ўнгимизда мозий гавдаланади. Иймонни, диёнатни тикламай туриб, истиқлолли, истиқболли буюк ватанни ярата олмаймиз. Ватан туйғуси ҳар кимнинг қонига она алласи, болаликда эшитган шеър, қўшиқлари билан киради. Ватанпарварлик туйғуси гўдакликдан бошлаб шаклланса, у сўнгги нафасгача боқий бўлади. Ватан ва ватанпарварлик ҳиссини, миллат ҳиссини ҳар бир ўзбек фуқароси чуқур англаши, айниқса, Ўзбекистонлик бўлганлигидан, шу юртга даҳлдорлигидан фахрланиши лозим. Улардан бошқалар ҳам баҳраманд бўлиши зарур.

Б.Қосимов, У.Долимов, С.Ахмедов, Ш.Ризаев, Ж.Мелиқуловлар томонидан тузилган "Ватан ва миллат муқаддасдир" рисоласида ўзбек маърифатпарварларидан Маҳмудхўжа Беҳбудий, Сиддиқий, Аждий, Абдулла Авлоний, Чўлпои, Фитрат, Абдулла Қодирий, Мунавварқори Абдурашидхоновларнинг Узбскистон, Ватан, Истиқлол, тил каби бевосита Ватан равнақи ғоялари ҳақида фикр юритилади. Муаллифлар "Ватан - қиблагоҳдир, саждагоҳдир!", "Ўсон миллат!", "Истиқлол - эрк олинур, берилмас", "Ҳалокат ҳам, садокат ҳам тарбиядандур", "Нажот маърифатдандир" каби йўналишлар маърифатпарварларнинг асарларидан парчалар келтирадилар.

"Бу Ватап муқаддас" рисоласида эса "Дунё Ўзбекистонни таниди, Ўзбекистон эса дунёни", "маънавиятимизнинг ишончли қанотлари", "Ватан меҳри", "Ватан юракларга берилган кенглик" каби публицистик мақолалар берилган. Уларда Ўзбекистон мустақиллигининг тўрт йили давомида амалга оширилган ишлари бадиий жиҳатдан ифодаланган. Тўпламда истиқлол нашидасини сураётган республикамиз халқининг оламшумул ишлари, ўй-

режалари ҳақида ҳикоя қилинган.

"Ватан фидоийлари" асарида мамлакатимиз жанубий сарҳадларига суқулиб кирган халқаро террорчи газандаларга қарши мардонавор курашда Маҳмуджон Жалилов, Алишер Солиҳов, Ғофуржон Ражабов, Бобуржон Ғаниев каби ёш-навқирон йигитларнинг қаҳрамонлиги ёшларга ибрат қилиб кўрсатилган. Б.Аминов, Т.Расуловларнинг "Ватан юракдаги жавоҳир" қўлланмасида ўқувчи-ёшларда миллий ғурур ва Ватан туйғусини шакллантириш, уларни халқ, Ватан фидоийси, иймон-эътиқодли, ота-боболар мероси, панд-насиҳатларига садоқатли бўлиш руҳида тарбиялаш масалалари ёритилган. Унда тарихимизда ёрқин из қолдирган сиймолар тўғрисида берилган материаллар ўқувчиларнинг ўз Ватанини севиб, асраб-авайлашда, унинг келажаги, шон-шуҳрати ва истиқлоли учун курашида муҳим омиллар эканлиги кўрсатилган. (49)

Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш бевосита таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш билан ҳам боғлиқдир. Бугунги кунда узлуксиз таълим турлари учун яратилган дастур ва дарсликлар, ўқув қўлланмалар бевосита истиқлол ғояси билан боғлиқдир.

Айниқса, бунда Президентимиз И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил августда бўлган 9-сессиясида сўзлаган сермазмун маърузаси, "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", шунингдек, юртбошимизнинг таълим-тарбия, кадрлар тайёрлаш борасидаги дастуриламал кўрсатмалари катта аҳамият касб этади. Мазкур ҳужжатлар таълим тизимини ўзгартириш, давр талабларига мос авлодни тарбиялаш билан Ватан равнақини юксалтиришда туб бурилиш ясашда катта қадам бўлди. Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасига эътиборнинг муҳимлиги "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да аниқ кўрсатилган. Мазкур дастурда "Таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш" асосий вазифалардан бири

сифатида эътироф этилган  Ушбу дастурда узлуксиз таълимнинг фаолият кўрсатиш принципларидан қуйидагилари берилган: "Таълимнинг миллий йўналтирилганлиги — таълимпинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурматлашдир"

## 2.2. Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришнинг мазмуни

“Агар мендан энг катта бойлик нима деб сўрасалар, мен эртанги кун ҳақида ўйловчи, ақилли ва билимдон болалар, деб жавобберган булардим”.

Ижтимоий тараққиётнинг замонавий босқичи узликсиз таълим тизими олдида ёш авлодни ҳар жихатдан боркамол этиб тарбиялаш вазифасини қуймокда. Фан ва техника тараққиёти дунёқараши  кенг тафакури бой ҳамда билим даражаси чуқур бўлган мутахасисларни тайёрлашни талаб этмоқда. Чунки улар ёш авлодга таълим тарбия берувчи маданиятли, марифатли шахслар ҳисобланишади.Ёш авлод эса Ўзбекистон келажагидир. Ўзбекистон республикасининг таълим тўғрисидаги қонуни ҳам кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида малакала мутахасис ва баркамол шахсни тарбиялашда узлик таълим тизимининг асосий босқичларидан бири бошланғич таълим муҳим ўрин тутади. Бинобарин, мазкур босқич билимларни чуқур ва пухта урганиш болаларнинг тафаккурини шакллантиришга асос бўлиб хизмат қилади. Шу боисдан республикада мустақиллик йилларида бошланғич синф таълим мазмунини такомиллаштириш уларни ўқитишнинг илғор педогогик ғоялар билан бой этишга болаларни чуқур билим олишларига уларда ватанга эътиқод, миллий ғурур,муносабат маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш ёшларнинг ўз ижодий ва интелуктуал салоҳиятини руёбга чиқаришни мамлакатимиз йигит қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт шароитлар ва имкониятларини яратиш бўйича кенг куламли аниқ йўналтирилган чора тадбирларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон республикасида 2010 йил баркамол авлод йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан Президентимиз И.А.Каримовнинг “Баркамол авлод йили” давлат дастури тўғрисидаги қорор қабул қилинди. “Баркамол авлод йили” давлат дастурининг ҳар бир бўлим ва бандларида ёш авлодни баркамол шахс қилиб тарбиялашга қаратилган бўлиб уларнинг етук комил шахс бўлиб

етишиши учун барча шарт – шароитларни яратиш кераклиги ҳам ёш авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини билдиради.

Бундан кўриниб турибдики ёш авлодни тарбиялашга ҳар биримиз маъсулмиз. “ Ёшликдаги олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир” деган алломаларимиз фикрини ётга олиб ёш авлодни тарбиялашда боланинг ёшликдан мактабгача таълим муассасалари ва бошланғич синф муҳим ўрин тўтади. Биз бошланғич синф ўқувчиларида ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришимиз лозим. Бу туйғуларни болаларнинг руҳиятида таркиб топтириш учун улар билан ҳар хил кечалар ташкил қилиш керак. Масалан: Ўзбекистон республикасининг байроғи, герби, мадҳияси ва конститутсиясига бағишланган кечаларни ўтказиш орқали давлат рамзларига бўлган ҳурмат давлат бойроғини юқорига кўтариш орзуси бола қалбида пойдо бўлади. Ватан туйғуси ва миллий ғурур билан яшаган боболар, Амур Темур, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Мирзо Улуғбек ва Жалолиддин Мангуберди каби бобокалонларимизнинг таваллуд айёмларига бағишланган кечалар ўтказиш, уларнинг ҳаёт йўлини ўрганиш орқали бобокалонларимиздек халқпарвар, инсонпарварларни тарбиялашимиз мумкин.

“Одобнома”, “Ўқиш” дарслари орқали ВАТАН тўйғуси, саломлашиш одоби, нон азиз, сувни тежаш, орасталик каби хислатларни уларга ўргатиш мумкин. Дарсликлардаги шеърлар ҳикоялар, эртаклар, тез айтишлар ва топишмоқлар орқали уларда бунёдкор ғояларни сингдиришимиз лозим. Жисмонан соғлом, ақлан теран ёшларни тарбиялаш учун мактабларнинг бошланғич синфларида ҳар –хил спорт, фан ва касбга йўналтирилган тугаракларни ташкил этиш лозим. Уларни мунтазам равишда фаолият олиб боришини таминлаш керак. Бу тугараклар фаолияти давлатимизни довруғини дунёга таратадиган ёшларни тарбиялашимизнинг асоси ҳисобланади. Бундан ташқари уларни экскурсияларга олиб чиқиш зарур. Экскурсиялар – тарихий обидаларга, шаҳарларга, спорт кулубларига, боғларга ва тоғларга уюштирилса мақсадга мувофиқ бўлади.Бундан ташқари уларга таълим – табия беришга янги педогик технологиялардан фойдаланиш кераkли натижаларга эришишимизни

таъминлайди. Мисол учун "одобнома" фанида бир соатлик дарс ишланма.

**Сана**

**Мавзу: Ватан туйғуси ва миллий ғурур билан яшаган боболар**

**Таълимий мақсад:** Ўқувчиларни ибратли умир кечириб, ўз жонларини халқ манфаати эркинлиги йўлида фидо қилган боболаримиз ҳақида маълумот бериш.

**Тарбиявий мақсад:** Ўқувчиларда умр қадрига етиш, уни беҳуда ўтказмаслик, аждодлар руҳини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш.

**Ривожлантирувчи мақсад:** Эркин фикрлашини оғзаки нутқни ривожлантириш.

**Дарс тури:** Суҳбат, савол-жавоб, баён этиш.

**Дарс жиҳозлари:** Расмлар, саволли кўргазмалар, дарслик, иш дафтарни,слайдлар.

**Дарснинг бориши:**

**1.Ташкилий қисм: а)саломлашиш**

**б) давоматни аниқлаш**

**в) дарсга тайёргарликни текшириш**

**2. Уй вазифасини сураш, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш:**

**А) уйга берилган " эҳтиёткорлик – яхши фазилат" мавзуси юзасидан савол –жавоб олиб бориш;**

Б) Парта оралатиб ўқитиб чиқиш;

В) Орасталик, тадбиркорлик сўзлари мазмунини мисоллар орқали кўрсатиб чиқиш;

Орасталик – яхши одат Эҳтиёткорлик яхши фазилат

Д) хулосалаш.

3. Янги мавзунинг баёни:

"Ватан туйғуси ва миллий ғурур билан яшаган боболар".

Янги мавзуни бошлашдан олдин ўқувчиларга саволлар бериб, " Ақлий ҳужум" усулидан фойдаланиш.

Ватан нима? Ватан туйғуси нима?

Ватан тўғрисида шеърлар сўраш. “Ватанжоним – ватаним” қушиғини куйлаш.Янги мавзуни ўқиб бериш. Мавзу юзасидан савол жавоб ўтказиш:

1)Ватан туфроғини муқаддас билган боболаримиз ҳақида қандай тушунчаларга эга булдингиз? 2) Уларнинг қайси бири ҳақида туликроқ маълумотга эгасиз? 3) Сиз ҳам улардек ўз Ватанингизни севиб, ардоқлай оласизми? 4)Буюк ватанпарвар боболаримиз ҳақида билганларингизни ўртоқларингизга сўзлаб беринг.

Масалан: Амур Темур, Алишер Навоий, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Заҳриддин муҳаммад Бобур ҳаёти ҳақида фикрлар алмашиш.

Янги мавзуни мустаҳкамлаш:

Абдулла Авлонийнинг “ВАТАН” шеърини ўқиб эшиттириш:

Сенинг исминг бу дунёга муқаддасдир,
Ҳар ким сенинг қадринг билмас –ақли пастдир.
Сенинг туйғунг юракларга савдо солур,
Сенинг дардинг бошқа дардни тортиб олур.
Еринг, сувинг бизни боқиб туйдирадур
Семиз – семиз қўйларингни суйдурадур
Олма – анор, анжир, узум – меваларинг
От-у –хукиз, эчки. Така.туяларинг
Бизлар учун хизмат қилар барчалари
Ҳар бирлари нозу- неъмат парчалари
Онамизсан! Бизнинг мушфиқ огамизсан!
Жавлон уриб яшайдурғон хонамизсан!

Бобомиз Абдулла Авлоний шеърида Ватан ҳақида нималарни ёзганликлари ҳақида суҳбат савол-жавоб ўтказиш:

1)Ватанимизни нима учун муқаддас санаймиз?

2) Ватанимиз боғ – роғлари ҳақида қандай мисралар ёзилган?

3)Нима учун ватанимиз онамиз дейилган?

Ўқувчиларнинг фикрлари умумлаштирилиб хулоса қилинади.

Мақоллардан намуналар:

- Ўзга юртда шоҳ бўлгунча,
 ўз юртингда гадо бўл.
- Кимда ўз юртига бўлмаса меҳр
у қалбдан шикаста,у қалбдан суқир
- Эл қудрати – чин қудрат
Ватан туфроғи қиммат

Мақоллар юзасидан суҳбатлашиш ва хулосалаш.

Мана буюк боболаримиз ўз Ватани учун нималар қилганликлари билан оз бўлсада танишганимизни айтиб ўтиш. Сўнгра савол билан мурожат этиш:

**Сиз ўз Ватанингиз учун нималар қилмоқчисиз?**

Ўқувчиларнинг фикрлари ёзиб олиб ва муҳокама қилинади, хулосаланади.

5. Дарсни якунлаш :

А) ўқувчиларни изоҳ билан баҳолаш;

Б) уйга вазифа бериш.

ВАТАН НИМА?

ВАТАН ТУЙҒУСИ НИМА?

СИЗ ВАТАН УЧУН НИМАЛАР ҚИЛМОҚЧИСИЗ?

Мактабларда “Бошланғич синф ўқувчилари” ёрдамида шундай тадбирлар, эрталиклар, ёзувчи – шоирлар билан учрашувлар ва “ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантирадиган” дарслар кўпроқ ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлади. Юқорида таъкидланган тадбирлар  ва бир соатлик дарс ишланмаси болаларда “ Ватманга эътиқод миллий муносабат маданиятини шакллантириш”га ёрдам беради. Чунки у ерда айтилаётган ҳар бир сўз ўқувчилар онгига бунёдкор ғояларни сингдиришга “ВАТАН” ҳиссини ўйғотишга ёрдам беради. Бола тақлидчан, бунёдкор, ишонувчан, яратувчи ва шу билан бир қаторда беғубор қалб эгасидир. Фарзандларимиз руҳида буюк мақсад “ Озод ва обод Ватан қуриш” шу билан бирга шу ватан учун хизмат қилишни сингдиришимиз лозим. Болаларнинг буш вақти, душманларнинг иш вақтига айланиб қолишига йўл қўймаслигимиз керак.

“Ҳақиқий бахтга эришиш мақсадида кишиларни бирлаштирувчи юрт – фаравон юртдир, ўсиб келаётган ўғил – қизларини баркомол қилиб тарбиялашни энг катта мақсад деб билувчи халқ фазилатли халқдир”. Абу Наср Фаробий

Шахс маънавиятини ривожлантиришда ҳам, комил инсонни вояга етказишда ҳам уларда ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ростгўйлик, сахийлик, хушмуомалалик, меҳр-мурувват каби инсоний сифатларни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳар томонлама камол топган шахс халқимизнинг маданиятини, маънавиятини юксалтиришда ватанимиз равнақига ўз ҳиссасини қўшиб, миллатимиз, она-Ватанимиз олдидаги масъулиятни ҳис қилади. Ёшларимиз онгида Ватан равнақи ғоясини шакдлантиришда Ватан тарихининг ўрни каттадир. Мустақиллйкка эришганимиздан сўнг, Ватан тарихини ҳеч қандай бўёқларсиз, ҳаётда қандай бўлса, шундайлигича холисона ўрганиш имкониятига эга бўлдик. Тоталитар тузуми даврида мактаблар, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида Ватан тарихини ўқитиш масаласига умуман эътибор берилмади. Дарслик ва адабиётларда тарихимиз сохталаштирилди, халқимизнинг миллий манфаатлари оёқости қилинди. Халқимиз тарихидан, ўз она тилидан, динидан жудо бўлаёзди. Энди у кунлар ўтди. Ватан тарихи жамиятимиз ижтимоий ҳаётида фаол қатнаша оладиган, идрокли ва қобилиятли, ўзининг тарихий илдизларини англашга қодир, ватанига, она халқига чексиз меҳрли авлодни камол топтириш, уларнинг онгида миллий истиқлол ва ватанпарварлик гояларини шакллантириш қуролидир. Шу боисдан, давлатимиз томоиидан Ватан тарихини ўрганиш, уни болалар боғчаларидан тортиб то олий ўқув юртларига қадар ёшларга ўқитиш масалаларига эътибор берилмокда. Тарихни ўрганиш орқали ёшларнинг ғоявий-сиёсий дунёқараши шаклланади, миллий қадриятларимизга ҳурмат, эътибор таркиб топади. Бу вазифалар таълим-тарбия жараёнида амалга оширилади.

Президентимиз таъкидлаганидек: "Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчанлик фаоллигини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-

кори,маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади" (9, 62).

Ҳар бир давлат, ҳар бир халқнинг юқори савиядаги маданияти ва маънавияти ўз ватанига бўлган садоқатида намоён бўлади.

Ўзбек халқининг буюк келажаги, даставвал, унинг ўзига, яъни маънавий қудрати ва миллий онгининг юксак ижодий кучига, яратувчанлик қобилиятига ҳар жиҳатдан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ёшларда Ватан эътиқод ғоясини шакллантириш асосида маънавий, интеллектуал имкониятларини, дунёқарашини шакллантириш, унинг йўналишларини ишлаб чиқиш, ўқувчи-ёшларга баркамол шахсни шакллантиришга қаратилган таълим-тарбия беришнинг асосий шакл ва услубларини яратишдир. Президентимиз айтганидек: "Ёшлар, уларнинг иқтидорлилиги ва билим олишга чанқоқлигидан таълим ва маданиятни тушуниб етиш бошланади" (9, 62).

Бошланғич таълим -ўқитувчиларининг асосий вазифаси ўз халқимиз тарихи, маданияти, маънавий бойликларини яхши билган юксак маданият, ақл-заковатга эга бўлган, ҳар томонлама етук, билимдон, малакали кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшишдир. Ўзбек халқининг энг яхши миллий анъаналари руҳида ўсиб келаётган авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялаш масалалари олий таълим жараёнида етакчи бўлмоғи керакдир. Шу муносабат билан буюк ўтмишимиз мутафаккирларининг тарихий меросини ҳамда ўзида ҳозирги замон педагогик фикрнинг юксак тажрибаси ва намуналарини жамлаган, ўзбек халқининг маънавий бойликлари, маданият ютуқлари асосида яратилган таълим-тарбия тизимининг мукаммал моделини ишлаб чиқилиши бугунги кунда ҳаётий заруратга айланиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг ҳаётга шахдам кириб келаётган ёшларида Ватан равнақи ғоясини шакллантириш жамият олдидаги муҳим вазифалардан бири бўлиб, у айни чоғда катта масъулият ва меҳнатни талаб этади. Модомики,ёшлар бизнинг келажагимиз экан, улар руҳан, жисмонан ва

ахлоқий шахслар сифатида тарбия топмоқлари керакдир. Бу борада фақат объектив шарт-шароитларнинг муҳайё бўлиши кифоя килмайди. Бинобарин, бу табиий омилларни тарбиявий шарт-шароитлар билан бойитиш зарур бўлади. Бошланғич синф ўқувчиларида Ватан эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш тарбия жараёнининг самарадорлигига мақсад ва манфаатларнинг, услуб ва йўналишларнинг уйғунлигида, амалга оширилаётган маърифий тадбирларнинг доимийлиги ва кетма-кетлигига ҳам боғликдир. Ўтмишда таълим тизими маъмурий буйруқбозлик тамойили талабларига жавоб берарди. Таълим тизими, асосан, икки асосий мақсадга йўналтирилган бўлиб, партиявий-синфий идеалларга садоқат руҳида тарбияланган ва ўз вазифаларини сидқидилдан бажарадиган ижрочиларни тайёрлашдан иборат эди. Режали, қатъий белгиланган, бир қолипга солинган, "ўртача" шахсий сифатларга асосланган тарбия андозалари моҳият эътибори билан ёш, навқирон авлод тасаввурида тайёргарлик кайфиятини туғдиради, унинг ташаббускорлигига йўл қўймасди.

Бугун воқелигимизда кечаётган мустақиллик ва эркин иқтисодий муносабатлар бутунлай бошқа йўналишларни талаб этади. Умумбашарий қадриятларнинг усгуворлиги, халқ менталитетига асосланган маънавий меъёрларнинг амал қилиши, жамоада меҳнат фаолиятининг амалий кўникмалари, юрт келажагини яратишда иштирок этиш шарофатидан ғурурланиш, барча фуқароларда бурч туйғусини шакллантириш, ёшларнинг ижтимоий ва чин инеоний камолотига кўмаклашиш ҳамда шу сингарилар бугунги таълим жараёнининг асосий мақсадидир.

Ватан равнақи ғоясини шакллантириш самарадорлигини ошириш йўллари, омиллари, яши вазифалари, усул ва шаклларини назарий ўрганиш, унинг тажриба натижаларини умумлаштириш бунда муҳим аҳамият касб этади. Инсонларни, аввал иқтисодий жиҳатдан таъминлаб, кейин эса Ватан ҳақида фикр юритиш мумкин, деювчилар ноҳақдирлар. Ватаннинг баркамоллиги учун ҳар бир киши виждони ва қалби, ақл-заковати ва қўл кучини ишга солиши керак. Ватан равнаки ғояси инсонга ҳаётда

барқарорлик, чидам, ирода ва сабр-бардош бағишлайди, унинг таъмагирликка бўлган қарашларини чеклайди, фожиалардан асрайди ва қийин дамларда иродасини мустаҳкамлайди. Ватан равнақи инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудрати, усиз барча неъматларни яратиб бўлмайди.

Ватан равнақи ғоясини шакллантириш жаҳон маданияти ва бойликлари, кўп миллатли жамиятимизнинг умрибоқий анъаналаридан, гўзал удумларидан ажралган ҳолда амалга ошиши мумкин эмас.

Ватан равнақи ғоясини шакллантириш, аввало, билимга чанқоқ, истеъдодли ёшлардан, уларнинг аник мақсадлар сари йўналтирилган саъй-ҳаракатларидан бошланади. Шу боис, мамлакатимизда юз бераётган ҳуқуқий, маънавий ва демократик ўзгаришлар асосида ёшларда Ватан равнақи ғоясини шакллантириш, уни ўстириб бориш барча таълим муассасаларида олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг асосий негизига қурилмоғи керак бўлади.

Бугунги кунда юксак малакали замонавий мутахассисларни тарбиялаш иши давр талаблари даражасида эмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Ҳаёт тарбия марказига ватанпарвар, озодликни, халқни севувчи, Ўзбекистоннинг ҳудудий бутунлиги ва суверенитетини ҳимоя қилишга тайёр, унинг корига ярайдиган, юртининг равнаки, тараққиёти йўлида ўз онгли ҳаёти, фаолияти, салоҳияти, меҳр кўри, фидоий меҳнатини бахшида этадиган комил инсонларни тарбиялаб вояга етказишни қўймокда.

Зеро, узлуксиз давом этадиган тарбиявий жараённинг якуний натижаси - бу маънавий ва ахлоқий жиҳатдан кучли бўлган, инсоний бурчини онгли ва малакали равишда бажара оладиган шахсдир. Албатта, бундай шахсни шакллантиришда педагогика фани назариясида бир қанча ишлар қилинмоқца. Мустақиллик йилларида узлуксиз таълим турлари жараёнида таълим-тароияга оид бир каича илмий-тадкиқот ишлари бажарилди. Миллий маънавий қадриятлар, болаларни ахлокий тарбиялашда умуминсоний қадриятларнинг муҳим ахамияти, уларнинг шахс тарбиясидаги, камолотидаги ўрнига бағишланган тадқиқотлар: педагог олимлардан

Н.Ортиқов, О.Мусурмонова, У.Маҳкамов, М.Иномова, С.Нишонова, С.Очилов, Ж.Йўлдошев, Ш.Олимов, О.Хасанбоева, М.Обидова, Б.Аминов, файласуф олимлардан Б.Зиёмуҳамедов, Ж.Туленов, Э.Юсупов, Т.Маҳмудов, Н.Жўраев, М.Имомназаров каби олимлар самарали фаолият олиб бордилар. М.Қуронов, М.Худойқулова, Ш.Атаджонова, Н.Хамроев, М.Очилов, каби олимлар ўз тадкиқотларида ватанпарварлик тарбиясининг моҳияти, мазмуни, ёш авлодни баркамол шахс этиб тарбиялашдаги ўрни, ватанпарварлик тарбиясини самарали ташкил этишда шакл ва усуллари, воситалари, ватанпарварлик тарбиясини шакллантиришда оила ва таълим муассасаларининг ҳамкорлиги масалаларини кўрсатиб бердилар.

Олима О.Мусурмонованинг тадқиқот ишларида ўқувчилар маънавиятини шакллантиришнинг усуллари, шакл ва воситалари, ўқувчилар маънавиятини шакллантиришда миллий қадриятларнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз боради.

Тадқиқотчи Ахатова Дурдона ўзининг "Абдурауф Фитратнинг маърифий-педагогик қарашлари" номли диссертациясида "Абдурауф Фитратнинг миллат, ватанпарварлик ҳақидаги ғояларини таҳлил қилар экан, унинг ижодиёти йўналишидаги асосий ғоя ҳам миллатни, ватанни, халқни фаровон ҳаётга ва маънавий юксакликка эришиши масаласидир", деб айтади. Адибнинг ватанпарварлигида юртнинг бой тарихи, буюк қаҳрамонлари, юксак маданияти, туганмас халқ мероси билан фахрланиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги, унинг ватанпарварликни тарғиб қилиши билан бирга бутун ҳаёти давомида миллат озодлиғи ва ватан мустақиллиги йўлида курашганлиги, ҳозирги кунда Фитратнинг ватанпарварлик ҳақидаги ғоялари янада муҳимроқ аҳамият касб этишини таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам, Фитратнинг ватанпарварлик ғоялари ёш авлодни ватанга муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялашда ибрат бўлади. (48, 34).Асқарова Ўғилойнинғ "Меҳрибонлик уйи ўсмирларида миллий ғурурни тарбиялашнинг педагогик хусусиятлари" мавзусидаги номзодлик диссертациясида Меҳрибонлик уйлари ўсмирларида миллий ғурурни шакллантириш,

тарбиялаш ва такомиллаштириш жараёнлари ишлаб чиқилгап. Ўзбекистон Республикаси Меҳрибонлик уйлари ўсмирларида миллий ғурурни миллий истиқлол гояси ва мафкураси асосида тарбиялашнинг самарали йўл ҳамда методлари ишлаб чиқилган ва уларни илмий-назарий жиҳатдан асосланган. Меҳрибонлик уйлари ўсмирларида миллий ғурурни таркиб топтиришда кучли ижтимоий сиёсатнинг ўрни ва аҳамияти кўрсатилаган ҳамда қўйилган муаммоларнинг назарий ва амалий йўналиши ўрганилган, Меҳрибонлик уйлари ўсмирларида миллий ғурурни тарбиялаш жараёнидаги зарурий педагогик омиллардан фойдаланишнинг шакл ва методлари аниқланган. Миллий ғурурни шакллантириш ва тарбиялашнинг таъсирчан, самарали йўл ва услублари ишлаб чиқилган ҳамда уларни тажрибада синаб кўрилган. Меҳрибонлик уйлари ўсмирларида миллий ғурур туйғусини тарбиялаш тизими яратилган. (48)

Қурбониёзова Замиранинг "Тарбиявий ишлар жараёнида ўқувчиларда миллий ўзликни англашни шакллантиришнинг педагогик асослари" диссертациясида гарбия назарияси ва методикасига яхлитлик нуқтаи назаридан ёндошилиб, тарбияда аниқлик, бир тизимлилик, кетма-кетлик ҳамда узвийликни таъминлаш ғоялари илгари сурилган. Уқувчи-ёшлар онгига миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини сингдириш тизимини яратишда миллий ўзликни англашни шакллантириш энг муҳим мезонларнинг бири сифатида таҳлил этилган. Таҳлиллар натижасида унинг мазмуни, моҳияти ва функциялари илмий педагогик нуқтаи назаридан очиб берилган. Умумий ўрта таълим мактабларидаги тарбиявий ишлар жараёнида ўқувчиларда миллий ўзликни аиглашни шакллантириш мазмуни, воситалари илмий асосланиб, унинг самарали шакл ва методлари ишлаб чиқилган, уларнинғ самарадорлиги тажриба-синов ёрдамида аниқланган. Ўқувчиларда миллий ўзликни англашни шаклланганлик даражалари ва мезонлари, тарбиявий ишларнинг самарали ташкил этилишига доир тавсиялар ишлаб чиқилган.

Педагогика фанлари илмий даражасини олиш учун (Педагогика

назарияси ва тарихи ихтисослиги бўйича) Ширинбой Олимовнинг "Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида ахлоқий-эстетик идеални шакллантиришнинг педагогик асослари" ("Маънавият асослари" фанини ўқитиш жараёнида) мавзусида тақдим этилган диссертациясида миллий истиқлол ғояси асосида академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида ахлоқий-зстетик идеални шакллантириш йўналишлари яратилгам. Академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида ахлоқий-эстетик идеални шакллантириш моҳияти, қонуниятлари, фаолиятининг таркибий кисмлари ишлаб чиқилган. Ахлоқий-эстетик идеални шакллантиришнинг умумий назарий асослари ишлаб чиқилган. Академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида ахлоқий-эстетик идеални шакллантириш мазмуни, шакл ва методлари ўқитувчиларга тавсия этилган. Академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида ахлоқий-эстетик идеални шакллантириш тизими, механизми яратилган. "Маънавият асослари" фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларда ахлоқий-эстетик идеални шакллантириш методикаси ишлаб чиқилган ва тажриба ишларида синовдан ўтказилган, назарий асосланган. Академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида ахлоқий-эстетик идеални шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, методикаси, тавсиялар ишлаб чиқилган.

Шаҳноз Атаджонованинг илмий-тадқиқот ишида оилада болаларни миллий қадриятлар асосида ватанпарвар қилиб тарбиялашнинг илмий, педагогик-психологик асослари ишлаб чиқилган. Оилада болаларни миллий қадриятлар асосида ватанпарвар қилиб тарбиялашнинг самарали шакллари, воситалари ва услубияти, оилада болаларни миллий қадриятлар асосида ватанпарвар қилиб тарбиялаш юзасидан илмий хулосалар, услубий тавсиялар берилган. (51)

Мутафаккирларминг асарларини ўрганиш, илмий-тадқиқот ишларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантириш педагогик заруратдир. Чунки Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик туйғуси, ўзбек халқига мансублик ифтихори, бошқа

миллатларга ҳурмат, ўз бурчипи бажаришга тайёр туришлик, миллий ва умуминсоний қадриятларни тўгри талқин эта олиш қобилияти дастлаб оилада, узлуксиз таълим тизимида шаклланади. Ватан равнақи ғоясини шакллантиришда миллий мафкурага хос бўлган тушунчалар сингари ватанпарварлик ҳам ривожланиб боради. Бу жараён боболару момолар ўгити, ота-оналар ибрати, она меҳри орқали амалга ошади. Хусусан, соғлом мафкурани шакллантиришга олиб келади. Жамиятда ҳар бир олий ўқув юртииинг ҳам руҳан, ҳам маънан мустаҳкамлиги, иқтисодий фаровонлиги, ўзаро аҳиллиги миллий мафкурада кўзланган мақсадларни амалга оширишда асосий таянч бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун талабалар тарбиясида маълум бир тизимга солинган, уларнинг ёши ва индивидуал хусусиятларига мос тарзда тарбиявий ишлар кўламини олиб боришлари мақсадга моликдир.

## 2-боб юзасидан хулоса

# III - боб. Бошланғич синф ўқувчиларида Ватан эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари

## III.1. Бошланғич синф ўқувчиларида Ватан эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришнинг хусусиятлари.

Давлат таълим стандарти талабларида ўқувчиларни инсонпарварлик, ватанпарварлик ва байналмилалчилик руҳида тарбиялашга, мустақил фикрлайдиган, мураккаб вазиятларда тўғри қарорлар қабул қилишга қодир баркамол шахсни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Зеро, ўқувчилар онгига Бошланғич синфларданоқ Ватан эътиқод, миллий муносабат маданиятини чуқур сингдириш ва юксак маънавий-ахлоқий талабларга жавоб берувчи баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ва олий таълим тизимининг асосий мақсади ҳисобланади.

Таълим жараёнида ватанпарварлик тарбияси муҳим педагогик муаммолардан ҳисобланади. Чунки юртбошимиз таъбири билан айтганда, “Бугун янгича фикрлайдиган, ўз келажагини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан, мамлакатимизнинг келажагини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари ҳаётга кириб келмоқда” [21, 30]. Шундай экан, Ватанимиз ва халқимиз тарихини ўрганиш, ўқувчи шахсида Бошланғич синфларданоқ Ватан эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш уларнинг сиёсий ва иқтисодий фаоллигини оширишда муҳим ўрин тутади. Албатта, бунда адабиёт, тарих ва бошқа ижтимоий фанлардан сабоқ беришда тарихий шарт-шароитлар, буюк шахслар ва саркардаларнинг ватанимиз тарихий ривожланишига таъсири баён этилган матнларни ватанпарварлик нуқтаи назаридан ўрганиш қимматли маълумотлар беради. Айниқса, Бошланғич синф ўқувчиларида Ватан эътиқод, миллий муносабат маданиятини

мавзусида маъруза, мулоқот, суҳбат, баҳс-мунозара уюштириш, кенгаш ва анжуманлар ўтказиш катта аҳамиятга эга. Буларнинг барчаси ўқувчиларнинг халқимизнинг бой маданий мероси ва ўлмас қадриятларидан тўлақонли баҳраманд бўлиб, соғлом маънавий муҳитда камол топишига шароит яратади. Таълим жараёнида тарбиявий вазиятлар, шахсий ўхшатиш (ўзини қаҳрамонлар, тарихий шахсларга қиёслаш) ва ибрат кўрсатиш самарали натижаларни беради. Тўғрисини айтганда, кўпгина ҳозирги замон ёшлари хорижий мамлакатларнинг рок-юлдузларининг мухлислари бўлиб, уларнинг исмларини ёддан билишади. Лекин Широқ, Тўмарис, Темур Малик, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур ва бошқа улуғ зотларнинг Ватан олдидаги фарзандлик бурчи ва буюк хизматлари ҳақида кам биладилар. Ҳолбуки, уларнинг Ватанга бўлган муҳаббати ёшлар учун ибратлидир.

Биз ушбу масалаларнинг қандай йўлга қўйилганлигини аниқлаш мақсадида тажриба-синов ишларининг дастлабки босқичида бошланғич таълим ўқитувчиларига қуйидаги сўров варақалари билан мурожаат қилдик:

1. Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

2. Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш ва уни ҳаётга татбиқ этиш йўл-йўриқлари нималардан иборат?

3. Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шаклланганлик даражасини қандай аниқлаш мумкин?

4. Бошланғич синфларданоқ Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришда қайси методлардан кўпроқ фойдаланиш мумкин?

5. Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришда қандай манбалардан фойдаланилади?

6. Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришда жамоат ташкилотлари томонидан қандай тадбирлар уюштирилади?

7. Бошлангич таълим педагогик жамоаси қандай қийинчиликларга дуч келади?

Мазкур саволларга бошлангич таълим укитувчилари томонидан берилган жавобларда Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришда давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги, Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш асосида тарбиялашда халқнинг бой маданий мероси, тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланиши, Ватан тушунчаси ва унинг шахс камолотидаги аҳамияти тўғри ифодаланган. Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришда Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришда, умуминсоний қадриятларга садоқат, халқимизнинг маънавий мероси кабиларни уыувчилар онгига етказиш мазмуни баён этилган. Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришда шакллантиришнинг асосий мазмуни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш – Ўзбекистон халқининг тараққиёт йўлидаги бош ғояси эканлигини ўқувчилар онгига етказиш ва шу асосда тарбиялаш зарурлиги ҳақидаги фикрлар ҳам тўғри қайд қилинган.

Шунингдек, улар Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш ҳақидаги масалаларнинг ифода этилиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маънавият ва маърифат ҳақидаги фармонлари, ҳукумат қарорлари; миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойилларнинг Ватан равнақи ғоясини шакллантириш билан уйғунлиги, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат

маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари; Бошлангич синфларда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг истиқлол ва маънавият ҳақидаги фикрларини укувчилар ўртасида чуқур ўрганиш, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, синфларда (эрталик, маънавият соатлари, тадбирлар вахокозолар) ўқувчилар билан олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, маънавий-маърифий муҳит яратиш ва юқори даражага кўтариш; миллий, маънавий қадриятларнинг шахс камолотидаги аҳамияти, маънавий-ахлоқий қадриятлар маънавий мафкуранинг негизи эканлиги, таълим-тарбия жараёнида маънавий-ахлоқий қадриятлардан фойдаланиш юзасидан билдирилган фикрлар ҳар жиҳатдан эътиборга лойиқ. Лекин кўпчилик ўқитувчилар бунга иккинчи даражали масала деб қарашган. Ўтказилган савол-жавоблар натижасида қуйидагилар аниқланди:

- Бошланғич синф  ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш тизими етарли даражада ишлаб чиқилмаган ва бу соҳада услубий адабиётлар етарли эмас;

- баъзи бир фан ўқитувчилари, синф раҳбарлари Бошланғич синфларда Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришга доир таълим-тарбиявий имкониятларни тўла тушуниб етмайди, уларнинг бу соҳадаги билимлари етарли даражада эмас;

- маънавий-маърифий ишлар жараёнида Бошланғич синф  ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш ишлари талабга жавоб бермайди, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланилмайди, ўқув юртлари ва жамоатчилик ўртасида ҳамкорлик яхши йўлга қўйилмаган.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш Бошланғич синф  ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш билан боғлиқ маънавий муҳит, таълим-тарбия устуворлигини юқори савияга кўтаришни тақозо этади. Айни шу мақсадда биз тажриба-синов ишлари жараёнида Бошланғич синф  ўқувчиларида Ватанга эътиқод миллий

муносабат маданиятини шакллантириш мезонларини ишлаб чиқдик. Бунда, Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш бўйича эгаллаган билимларини ўрганиш тажрибаларига асосландик.

Ушбу мезонларни белгилашда мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари ва унинг маънавий йўналишлари, укувчиларнинг ақлий имкониятлари, уларга қўйиладиган таълимий-тарбиявий талаблар ҳисобга олинди. Ҳар бир мезон бўйича укувчиларнинг ўқув-тарбия жараёнида амалга оширадиган ишлари белгиланди. Ана шу мезонлар бўйича Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданияти ҳақидаги билимларни шакллантиришда қуйидагиларга эътибор қаратилди.

**“Давлат ва жамият истиқболи учун курашга тайёр бўлиш” мезонида:**

- Ўзбекистон давлат мустақиллиги учун хизмат қилиш, унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маънавий заминини яратиш ва мустаҳкамлаш маъсулиятини шакллантириш;
- миллатлар ўртасида дўстлик, қардошлик, ҳамкорликни таъминлашга хизмат қилиш;
- ўқувчилар фаолиятини халқ ҳаёти, тарихи билан боғлаш;
- фаолият давомида ўқувчи хулқ-атворини, шахсини шакллантириш ва бажарилиши лозим бўлган ишларни кўрсатиш, тушунтириш;
- жамоа фаолиятида ўқувчиларда одамларга нисбатан меҳрибонлик, ғамхўрлик, миллий бирликни сақлаш ва мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш;
- миллий маданиятнинг миллат манфаати, миллат истиқболи, ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ бўлган муаммоларини ифодалаш;
- халқимизнинг тарихи, маънавий қадриятлари, давлатимизнинг имкониятлари ва истиқболини билиш, қадрлаш ва у билан фахрланиш;

- она-Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат ва садоқат туйғуларини шакллантириш, Ватанимизнинг келажаги буюк давлат бўлишига ишонч ва бу йўлда фидоийлик кўрсатиш;

- умуминсоний ва миллий қадриятларни эъзозлаш;

- инсон номига муносиб бўлиш ва яратувчилик, бунёд этиш, ўзидан ўчмас из қолдириш каби хусусиятларга эга бўлиш;

- табиий муҳитни муҳофаза қилиш, соғломлаштиришга ўз ҳиссасини қўшиш;

- Ватан фарзанди бўлишдек бахтни қадрлаш ва Ватанга садоқат билан хизмат қилиш;

- ўзаро муносабатларда оддийлик ва одамийлик нуфузига эришиш.

**“Ватан тарихини ўрганишга муҳаббат”** мезонида:

- Марказий Осиё мутафаккирлари - Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоийларнинг маънавий мероси ва уларнинг таълим-тарбия ҳақидаги ғояларининг бугунги кундаги аҳамиятини талабаларга тушунтириш;

- мустақиллик, истиқлол, истиқбол, Ватан, ғоя, мафкура, жамиятга бўлган муносабат, комил инсон каби тушунчалардан маънавий-маърифий ишларда фойдаланиш;

- Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби улуғ инсонларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар мисолида уларнинг маънавий хислатларини намуна қилиб кўрсатиш;

- халқимиз маънавий меросининг асоси бўлган халқ оғзаки ижодининг тарбиявий моҳияти, миллий урф-одатлар, анъаналар, миллий қўшиқ ва рақс санъати, халқ ҳунармандчилиги, халқ ўйинлари ва ўйинчоқлар, миллий меъморчилик ва тарихий ёдгорликлар ҳақидаги маълумотлардан укувчи шахсини шакллантиришда фойдаланиш.

**“Ватанга садоқат”** мезонида:

- Ватаннинг она каби муқаддаслигини ҳис қилиш, Ўзбекистонимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ва асраш йўлида фидоийлик кўрсатиш;

- ватан манфаатлари билан боғлиқ топшириқ ва вазифаларни сидқидилдан бажариш масъулиятини таркиб топтириш;

- давлат тили, Конституцияси ва рамзларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни, улар билан фахрланиш туйғуларини таркиб топтириш;

- ватан ҳудудида ўтмишда кечган воқеалардан тўғри хулоса чиқара олишни шакллантириш;

- ватанпарварликка оид ишларда фаол иштирок этиш;

- она-Ватанга садоқат билан хизмат қилиб, унинг ҳақиқий жонкуяри бўлиш;

- миллат манфаати билан яшаш, Ватани, миллати обрўсини ўйлаш, инсонпарвар бўлишга интилиш;

- озод ва обод Ватанни қуришдек улуғ ишларга эътиқодли бўлишни шакллантириш;

- ватанимиз душманларининг ёвуз мақсадларини чуқур англаш ва уларга муросасиз бўлиш;

- она-Ватан, ватан қадри, ватан соғинчи, мустақиллик, ватанпарварлик тушунчаларини талабалар қалбига сингдириш;

- Ватан олдидаги фарзандлик бурчини доимо ёдда сақлаш.

**“Ватаннинг ижтимоий ва маданий ютуқлари билан ғурурланиш”** мезонида:

- ўқувчиларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш;
- ўқувчиларни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш;
- мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига ҳурмат ва эҳтиром билан қарашни шакллантириш;
- ўқувчиларнинг миллий маданият ютуқларидан баҳраманд бўлишига шароит яратиш;
- тарихий, маданий меросимизни кўз қорачиғидай асраш юзасидан ўқувчиларда муайян тушунча ҳосил қилиш;
- ўқувчиларни Ватан тараққиёти учун ўз билими, кучи ва қобилияти билан сидқидилдан хизмат қилишга йўналтириш;

- миллат ориятини, ички бирликни сақлашда матонат кўрсатишга ундаш.

**“Жамият қувончи ва ташвишларини ҳис этиш”** мезонида:

- ўқувчиларда онгли интизомни тарбиялаш билан бирга, уларнинг жамият аъзоларига ҳурмат билан муносабатда бўлишларига эришиш;

- ўқувчиларни жамиятда ўз ўрнини топишга, унинг қувонч ва ташвишлари билан бирга бўлишга интилиш туйғуларини уйғотиш;

- ўқувчиларда жамиятдаги ўзгаришларга эътиқод ва ишонч, мустаҳкам ирода билан муносабатда бўлишни тарбиялаш;

- ўз хатти-ҳаракатлари, хулқи, одоби билан ҳаммага ўрнак бўлишга чақириш;

- жамият ривожи учун интеллектуал салоҳиятини кенгайтириш, замон билан ҳамнафас ҳаракат қилиш, фаол бўлиш;

- жамиятда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш;

- ўқувчиларда ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларга онгли ва соғлом муносабатни шакллантириш;

- аждодларимизнинг бой маънавий мероси инсонларга ишонч, интилиш, куч-қувват бахш этишини ўқувчиларга тушунтириш;

- ўқувчиларга инсоннинг жамиятдаги ўрни унинг ақлий салоҳиятига, ҳалол меҳнатига, тадбиркорлигига боғлиқлигини тушунтириш;

- ўқувчиларда одамийлик, адолатпарварлик, самимийлик, ҳалоллик, тўғрисўзлик каби фазилатлар эгаси бўлишга интилишни шакллантириш.

**“Маънавий меросга ҳурмат билан муносабатда бўлиш”** мезонида:

- маънавиятнинг ижтимоий моҳияти, тизими, жамият тараққиёти жараёнида тутган ўрни ва мавқеини чуқур ўрганиш;

- бошлангич таълимда бугунги кун тараққиёти қонунларидан келиб чиққан ҳолда, “Маънавий мерос” марказини ташкил этиш;

- хулқ–одоб нормалари, қадрият ва анъаналарни истиқлол мафкураси асосида ўқувчилар ҳаётига жорий этиш;

- мустақил Ўзбекистонда қурилган адолатли, инсонпарвар, ҳуқуқий демократик давлатнинг моҳияти юзасидан ўқувчилар ўртасида тушунтириш олиб бориш;

- ҳар бир ўқувчини жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётининг ҳозирги босқичини таҳлил этиш, ўз мулоҳазаларини, фикр ва таклифларини баён қилишга ўргатиш;

- ўқувчилар дунёқарашини янги билимлар асосида шакллантириш;

- ўқувчи-ёшлар онгига она-Ватан, буюк аждодларимиз мероси ва халқимизнинг бугунги бунёдкорлик ишларига юксак эҳтиром туйғуларини сингдириш;

- ўқувчиларни буюк анъаналаримизга, юксак маънавий қадриятларга содиқлик ва порлоқ келажак эгалари эканлигига қатъий ишонч руҳида тарбиялаш;

- буюк аждодларимизнинг асрлар давомида яратган бебаҳо маданий-маърифий мероси ва умуминсоний қадриятлар хазинасига қўшган улкан ҳиссасини ўқувчилар онгига етказиш;

- ўқувчиларда миллий ғурур, миллий ифтихор, Ватанга муҳаббат ва истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини тарбиялаш.

**“Ўз турар жойига (қишлоқ, шаҳар, вилоят, республика) муҳаббат”** мезонида:

- Ватанни ҳимоя қилиш, яшнатиш ўз қўлимизда эканлигини ёшлар қалбига сингдириш;

- киндик қони тўкилган заминни ардоқлаш, эъзозлаш;

- Ватан меҳри фарзандларни буюк ишларга, мардликка етаклашини юракдан ҳис қилиш;

- ўз манфаатларини юрт, халқ манфаати билан уйғунлаштириб яшашга интилиш;

- ўз турар жойининг тарихи, эски номлари, урф-одатлари, анъаналарини ўрганиш, миллий қадриятга айланган қисмини давом эттириш, ривожлантириш;

- ўз турар жойи, у ерда яшаётган инсонларнинг турмуш тарзи билан ғурурланиш;

- ватанпарварлик умуминсоний туйғу эканлигини ўқувчиларга тушунтириш;

- табиатни муҳофаза қилиш ишларида фаол бўлиш, тозаликни сақлаш;

- миллий байрамлар, анъанавий тадбирлар ўтказиш орқали ўқувчиларда ифтихор туйғуларини уйғотиш;

- ватан олдидаги масъулиятни сезиш;

- ўқувчиларда расм-русум, урф-одатлар, қадриятларни ўрганишга бўлган қизиқишни таркиб топтириш;

- муқаддас динимиз, тарихимизни сохталаштириб, сиёсий мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслик;

- миллий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш миллатчилик эмаслигини тушунтириш;

- ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчилик сирларини ўрганишга бўлган қизиқишларини ошириш;

- ўқувчиларда Ватанга, миллатга, давлат тили, миллий урф-одатларга бўлган садоқатни тарбиялаш.

**“Юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун меҳнат қилиш”** мезонида:

- юрт тинчлиги – олий қадрият, уни асраш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканини ўқувчиларнинг онгига сингдириш;

- ўқувчиларнинг бунёдкорлик ҳақидаги тасаввурларини шакллантиришда таълим-тарбиянинг илғор, таъсирчан воситаларидан кенг фойдаланиш;

- озод ва обод Ватанни барпо этиш ёшларнинг дунёқараши, касб-ҳунарларни эгаллаши, масъулиятни ҳис этиши, мустақил фикрлаб иродали бўлишига боғлиқлигини талабаларга тушунтириш;

- тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашнинг умумбашарий муаммо эканлиги, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги орқалигина моддий ва маънавий ютуқларга эришиш мумкинлигини тушунтириш;

- маҳаллийчилик, уруғ-аймоғчиликнинг салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан огоҳлантириш;

- ўқувчиларни миллий ҳамжиҳатлик орқали Ватанга эътиқод миллий муносабат маданиятини шакллантириш ;

- юртнинг тинчлиги Ватан мустақиллиги билан боғлиқлигини ўқувчиларга ҳаётий мисоллар орқали тушунтириш;

- ўқувчиларни халқ ва ватан қадр-қимматини, ор-номусини теран англаб, уни ҳимоялашга даъват қилиш;

- ўқувчилар ўртасида ўзаро ҳамфикрликни, якдилликни, дўстликни таркиб топтириш;

- ўқувчиларнинг ҳуқуқий, сиёсий ва иқтисодий билим даражасини ошириш, уларда буюк мақсадларга интилишни ривожлантириш;

- ўқувчиларда соғлом тафаккурни шакллантириш, ташаббускорлик, тадбиркорликни таркиб топтириш.

Ана шу мезонлар бўйича Яккасорой тумани 118 мактабда тажриба-синов ишлари амалга оширилди. Мактабда Президент И.А.Каримов асарлари, маъруза ва нутқлари, Ватанга эътиқод миллий муносабат маданияти ва истиқлол мафкураси билан боғлиқ асосий тушунча ва тамойилларни ўқувчилар онгига сингдириш мақсадида улар ўртасида мулоқотлар ўтказилди. ўқувчи-ёшларни Ватан, миллат, Президентга садоқат руҳида тарбиялаш бош мақсад қилиб белгиланди. ўқувчиларнинг билим даражасини ва дунёқарашини ошириш мақсадида университетда “Конститутсия-асосий қомусимиз ”,”Мадҳиямиз – фахримиз”тадбири ташкил қилинди. Ушбу тадбир барча Бошланғич синфларда ўтказилиб, унда Ватан, ватанпарварлик, мустақиллик, истиқлол мавзуларига бағишланган маърузалар, суҳбатлар ва мулоқотлар уюштирилди.

Ватанга эътиқод миллий муносабат маданиятини  ўрганиш, унинг мазмуни, моҳияти ва аҳамиятини ўқувчилар ўртасида тарғиб қилиш мақсадида барча бошланғич синфларда “Мен Ватан учун нима қилдим?” мавзусида стендлар тайёрланди. “Ватан” мавзусида иқтидорли рассомлар ижодидан кўргазмалар ташкил қилинди. Ватан равнақи, ватанга эътиқод, миллий муносабат ғояларининг моҳияти ва мазмунини ифодаловчи шиорлар ва тасвирлар тайёрланди.

Буюк алломаларнинг Ватан билан боғлиқ асарлари кўргазмаси ташкил этилди.. Ватанга эътиқод миллий муносабат маданиятини  шакллантириш жараёнида амалга оширилган бундай тадбирлар натижасида ўқувчиларнинг билим ва тушунчалари кенгайди. Ўқувчилар юртимиз тарихи, Ўзбекистоннинг бугунги кундаги ривожланиши, моддий ва маънавий қадриятлар моҳиятини чуқур англаб етиш, улар билан фахрланиш, Ватанни қадрлаш ва асраб-авайлаш хусусида тегишли билимларга эга бўлдилар. Демак, чуқур билим, мустақил фикр, миллий ғурур, ўтмишни қадрлаш ва келажакка ишонч талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантиришнинг асосий вазифасини бажарди.

Мактаб ўқувчи-ёшларида Ватанга эътиқод миллий муносабат маданиятини  шакллантиришда “Камолот” ЁИҲ билан биргаликда тадбирлар амалга оширилди. Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан 4 “в” синф иштирокида «Балли, йигитлар» байрам дастури ўтказилди. Уни ўтказишдан асосий мақсад ёшларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, уларда Ватанга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғусини уйғотишдан иборат эди. Байрам дастурида “Ватан муқаддас” мавзусида қилган чиқишлари ўқувчиларда Ватанга садоқат, муҳаббат туйғуларини шакллантиришда  муҳим ўрин эгаллади.

Шеърият мулкининг султони Алишер Навоийнинг таваллуд айёмига бағишлаб, мактабда Навоийхонлик кечаси ўтказилди. “Санамлар сарвари”, “Наврўз - умумхалқ байрами” тадбирларининг ўтказилишининг тарбиявий аҳамияти шундаки, бунда ўқувчилар, биринчидан, халқимизнинг миллий

урф-одатлари ва ўзига хос хусусиятлари билан яқиндан танишдилар. Иккинчидан, ушбу тадбирлар ўқувчиларда Ватанга эътиқод миллий муносабат маданиятини шакллантиришнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилди.

Ўтказилган тажриба-синов ишлари таҳлили шуни кўрсатдики, халқ таълим муассасалари ўқувчиларида Ватанга эътиқод миллий муносабат маданиятини шакллантириш орқали уларда Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун хизмат қилиш, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий, маънавий заминини яратиш ва мустаҳкамлаш масъулиятини таркиб топтиришга алоҳида аҳамият берилади.

Ўқувчиларда Ватанга эътиқод миллий муносабат маданиятини шакллантиришда миллий тарихимиз, халқ анъаналари ва урф-одатларидан кенг фойдаланилса, уларнинг халқ маданиятига бўлган ҳурмати ортади. Тадбирларда ўқувчиларнинг фаол иштирок этишига эришиш орқали уларда Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шаклланганлик даражасини аниқлаш ва илғор иш тажрибаларини оммалаштириш мумкин.

Ишлаб чиқилган мезонлар асосида ўқувчиларда Ватанга эътиқод миллий муносабат маданиятини шакллантириш хусусиятлари аниқланди. Булар:

- Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш йўлида ҳар қандай вазиятда Ватанни ҳимоя қилишга тайёр бўлиш, Ватанга, жамиятга, табиатга, одамларга яхшилик қилиш;
- ўз ҳис-туйғуларини, хатти-ҳаракатларини Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш учун сафарбар этиш, Ватанни англашга ҳаракат қилиш ва унинг натижалари билан қизиқиш;

Ушбу хусусиятлар ўқувчиларда Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш мезонларида ўзининг чуқур ифодасини топган.

## 3.2. Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш бўйича тажриба-синов ишлари натижалари

Баркамол инсонга хос энг муҳим жиҳат – бу Ватанга бўлган садоқатдир. Ватанга бўлган садоқат миллий қадриятлар асосида олиб борилувчи изчил тарбия маҳсулидир. Шу сабабли мустақил Ўзбекистонда вужудга келган стратегик масалалардан бири, бу баркамол шахсни тарбиялаш ва уларда Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришдир. Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этиши бошлангич таълимда Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш вазифасини қўймоқда. Шу жиҳатдан ҳам бошлангич таълимда Бошланғич синф ўқувчиларида **Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини** шакллантириш ўзининг долзарблиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Чунки унда ўқувчи-ёшларда миллий ўзликнинг англанишини юксак даражага кўтариш, фидоийлик, ватанпарварликни шакллантириш, ўз ватани билан фахрланиш, халқимизнинг миллий, маданий меросига ҳурмат билан қарашни шакллантиришга оид тарбияга эътибор қаратилган.

Мустақиллик йилларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш мавзуси барча ижтимоий-гуманитар фанларнинг етакчи мавзусига айланди. “Ўкиш”, «одобнома» фанида “Ўзбекистон мустақил давлат”, “Миллий истиқлол ғояси, унинг моҳияти, тарихий илдизлари ва аҳамияти” мавзулари мазмунида маънавий ҳаёт, маънавий қадриятларнинг тикланиши; буюк алломалар, маърифатпарварлар асарларининг нашр этилиши; Амир Темур, Мирзо Улуғбек ва бошқа буюк сиймоларнинг тарихдаги ролига холисона баҳо бериш, уларнинг номларини абадийлаштириш; диний қадриятлар ва ислом маънавиятининг тикланиши; халқимизнинг урф-одат, анъана ва удумларининг ҳаётга қайтарилиши; Наврўз ва Қурбон ҳайитларининг байрамона нишонланиши; республикада давлат ва диннинг ўзаро муносабати, унинг асосий тамойиллари; Ўзбекистоннинг миллий истиқлол ғояси, уни аҳоли онгига сингдириш зарурати; миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг озод ва обод Ватан, фаровон турмуш яратиш, демократик жамият қуриш, мамлакатимизнинг

халқаро нуфузини кўтаришдаги, халқимизда ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, биродарлик, инсоф, сабр-тоқат, келажакка ишонч ва адолат туйғуларини шакллантиришдаги аҳамияти; ғоя, мафкура тушунчалари; миллий мафкура, унинг миллий истиқлол ғояси билан умумийлиги ва ўзига хос томонлари; миллий мафкуранинг мақсадлари каби масалалар, “Маънавият соатлари”да “Маънавият тараққиётининг мезонлари”, “Ватанпарварлик, инсонпарварлик ва ўз миллатига садоқат – шахс маънавияти мезонлари”, “Иймон, диёнат, адолат, меҳр-шафқат, эътиқод, поклик, ҳалоллик ва вафодорлик – шахс маънавий фазилатлари”, “Миллий ўзликни англаш, уни мустаҳкамлаш ва миллатлараро тотувликни таъминлаш шахс маънавияти белгилари, ҳуқуқий саводхонлик, қонунга итоаткорлик, давлат тизимига ҳурмат ва фуқаролик бурчига садоқат шахс маънавий баркамоллиги мезонлари” мавзуларида Ислом Каримов маънавий баркамол инсонни тарбиялаш замона талаби эканлиги тўғрисида; маънавий баркамол инсон тушунчаси, унинг моҳияти; комил инсон ва унинг шарқона фазилатлари; Ватан - саждагоҳ каби муқаддасдир; инсонпарварлик - инсон ва жамият маънавий қиёфасининг мезони; ўз миллатига садоқатли бўлиш - юксак бурч; иймон тушунчаси, диний ва дунёвий иймон, уларнинг моҳияти; инсон иймонлилигининг мезонлари; миллий ўзликни англаш, унинг моҳияти; ҳуқуқий саводхонлик - маънавий етуклик мезони; демократиянинг маънавий-маърифий жиҳатлари каби масалалар ўз ифодасини топган.

Ушбу мавзулар мазмунида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Ватан равнақи ҳақидаги ғоялари ижтимоий-сиёсий манба бўлди. Масалага педагогик, психологик ёндашув доирасида амалга оширилган изланишлар алоҳида аҳамият касб этади. Чунки мустақил Ўзбекистоннинг ҳозирги тараққиёт босқичида Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришнинг мазмуни, мақсади, вазифалари, метод ва воситаларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш олий педагогик таълим (малака ошириш) тизими олдидаги муҳим вазифалардан бирига айланди. Бошланғич таълимда

Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришни тизимли ўрганиш ва уни такомиллаштириш масаласи ҳозирча яхлит даражада шаклланган бўлса-да, аммо талаб даражасида эмас. Айрим олимлар томонидан эълон қилинган мақолалар ва маърузаларда Бошланғич таълимда маънавий-маърифий ишлари жараёнида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришнинг айрим жиҳатлари умумий тарзда баён этилган, холос.

Жаҳон миқёсида маълумотлар тезкор янгиланаётган XXI асрда ўқувчилар тарбиясида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришга асосланиш, халқимизнинг кўп асрлар давомида ардоқлаб келган миллий-ахлоқий қадриятларини педагогик жараённинг предметига айлантириш мураккаб, бироқ ғоят муҳим таълимий муаммодир. Бинобарин, халқ тарбиявий тажрибасида орттирилган анъаналарни илмий идрок этиш, улардан ўқувчи-ёшларимизни Ватан равнақи сари сафарбар қилишда фойдаланиш миллий истиқлол ва истиқбол талабидир. Шулардан келиб чиқиб, тажриба-синов ишларининг учинчи босқичида мустақиллик йиллари давомида Бошланғич синф ўқувчиаларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш тажрибаси илмий талқин қилинди. Уни такомиллаштиришнинг назарий, услубий, амалий йўналишлари юзасидан қуйидагича тавсиялар илгари сурилди:

- Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш ишларини ижтимоий педагогик механизм билан таъминлаш;

- Бошланғич синфларда маънавий-маърифий ишлари жараёнида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш тизимини ишлаб чиқиш;

- Бошланғич синф ўқувчиларида ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш тажрибасини оммалаштириш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

- Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш жараёнида бошланғич синф ўқитувчилари, ота-оналар, давлат ва нодавлат

ташкилотлари орасидаги педагогик ҳамкорликни изчил, илмий асосда ташкил этиш;

-Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришни ўрганиш доимий педагогик мониторингини яратиш ва бошқалар.

Тадқиқот муаммоси юзасидан олиб борилган изланишлар давомида ушбу тавсиялар асосидаги тажрибалар чуқур ўрганилди. Бунда Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш ишларининг шакл, восита ва услублари белгилаб олинди. Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш тизими қатъий режа бўйича йил давомида мақсадли ва изчил амалга оширилди, савол-жавоб кечалари, давра суҳбатлари, илмий-амалий конференциялар ўтказилди. Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш тушунтириш, уқтириш, ҳикоя, мустақил ўқиш, ўрнак кўрсатиб ишонтириш, машқ қилдириш, истиқболни кўрсатиш ва ўз-ўзини тарбиялаш каби тарбия методлари асосида амалга оширилди.

Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришда ёшлар онги ва қалбига миллий истиқлол ғояларини сингдириш, ватанпарварлик тарбияси, фуқаролик масъулиятини ҳис қилиш, миллий ўзликни англаш ва мустақил тафаккурни шакллантириш, маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий, экологик тарбиялаш, гиёҳвандликка қарши тарбия, миллий ғурур тарбияси, иқтисодий тадбиркорлик тарбияси, миллий урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш каби йўналишларга эътибор қаратилди. Бунинг натижасида тажриба-синов ишлари жараёнида Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини қуйидагича шаклланганлик даражаси аниқланди:

- Ватанга бўлган муносабатни шакллантириш, мустақил Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатини кузатиб бориш ва унинг ривожланишида фаол иштирок этиш;

- миллий ва умуминсоний қадриятларга амал қилиш;

- ўзаро ҳамжиҳат ва жамоа бўлиб яшаш;

- маънавий-ахлоқий қоидаларга риоя қилиш;

- билим олишга аҳамият бериш;

- табиатни асрашга фаол муносабатда бўлиш;

- ҳар қандай вазиятда Ватанни ҳимоя қилиш, ўз қарашлари ва ишончлари асосида Ватан равнақи учун хизмат қилиш;

- ҳар бир муаммони ижобий ҳал этишга эришиш;

- ўз кучига ишонган ҳолда қўйилган мақсадга эришиш учун йўл топиш;

- масалаларни ҳал этишда ўз фикрида қатъий туриш;

- “Кучли давлатдан – кучли жамият сари” шиорига амал қилиш: давлат, жамият соҳаси бўйича билимларни пухта эгаллаш; Ватан йўлида ўз кучини аямаслик, ўз қарорини амалга оширишда иккиланмаслик ва ишонч билан бажариш; қўйилган вазифаларни янгича ҳал этишга ўрганиш;

- Ватан бурчи ва масъулият ҳиссига эга бўлиш, жамиятга бўлган муносабатда ўз бурчини бажариш; ўз Ватанига содиқ бўлиш; жамият қонун-қоидаларига онгли равишда амал қилиш; ўз фаолиятида бурч ва масъулият ҳиссини англаш; ўзига топширилган вазифага масъулият билан ёндашиш; инсон шаънини ҳимоя қилишга тайёр туриш;

- фуқаролик маданиятини шакллантириш, виждонли, инсофли, диёнатли, ўз виждонига содиқ бўлиш; одамларга ғамхўрлик қилиш; виждонсизларга муросасиз бўлиш; давлат мулкига виждонан муносабатда бўлиш; бошқаларга нисбатан ҳурмат, эҳтиром кўрсатиш ва ҳ.к. Бундан ташқари, Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришнинг қуйидаги таснифи ишлаб чиқилди (3.2.1-жадвал)

**Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш таснифи**

3.2.1-жадвал

| Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шаклланганлик даражалари | | | |
|---|---|---|---|
| Мезонлар | Юқори даража | Ўрта даража | Қуйи даража |

| | | | |
|---|---|---|---|
| I<br>Давлат ва жамият истиқболи учун курашга тайёр бўлиш | Ватанининг мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшади. Халқига, унинг тарихи, урф-одатлари, анъаналарига, тили ва маданиятига ҳурмат билан муносабатда бўлади. Ватани олдидаги масъулиятни сезиб, жамиятда ўз ўрнини топади. Меҳр-мурувватни, ҳалолликни улуғлайди. Ўз ватанига садоқат билан хизмат қилиб, унинг душманларига муросасиз бўлади. Жамиятимиз тараққиётига ҳалол меҳнати билан ҳисса қўшади. | Ватанининг тинчлиги учун курашади. Халқининг тарихи, анъаналари, тилига ҳурмат билан қарайди. Жамиятда ўз ўрнини топиб, ватанига чин дилдан хизмат қилади. Дўстликни қадрлайди. Лекин ҳаётий тажрибаси етарли эмаслиги боис, қатъийлик етишмайди. | Ватанининг мустақиллигини мустаҳкамлашга эътиборсизлик билан ёндашади. Миллий урф-одатларга, давлат тили ва маданиятига беписандлик билан қарайди. Атрофдаги воқеа-ҳодисаларга лоқайд муносабатда бўлади. |
| 2<br>Ватан тарихини ўрганишга муҳаббат | Ватан олдидаги фарзандлик бурчи ва масъулиятини ҳис қилади. Тарихий, маданий меросимизни кўз қорачиғидек асрашга ҳиссасини қўшади. Келажакка иймон, эътиқод назари билан қарайди. Мустақил фикрлайди. Ўз ватани тарихини яхши билиш билан бирга, бошқа мамлакатлар тарихи ва маданиятига ҳам ҳурмат билан муносабатда бўлади. | Масъулиятли, бурчга садоқатли. Тарихни яхши билади. Бугунги ва эртанги кунга ишонч билан қарайди. Ватанининг душманларига нафратли бўлиб, мардлик кўрсатишни орзу қилади. Ғурурли, иродали. | Фарзандлик бурчи ва масъулиятини яхши ҳис қилмайди. Келажакка ишончи етарли эмас. Мустақил фикри йўқ. Ватан тарихини ўрганишга қизиқмайди. Миллий истиқлол ғоясини яхши англамайди. |
| 3<br>Ватанга садоқат | Ватаннинг она каби муқаддаслигини қалбдан ҳис қилади. Давлат тили ва рамзларига ҳурмат билан муносабатда бўлади, улар билан фахрланади. Ватанини ҳимоя қилиш учун лозим бўлса, жонини фидо қилишга ҳам тайёр. Ватани буюрган ҳар қандай топшириқни сидқидилдан бажаради. | Ватанга садоқатли, у билан фахрланади. Давлат тили ва рамзларига ҳурмат билан муносабатда бўлади. Ватанини ҳимоя қилишга тайёр туради. Ватанпарвар инсон. | Ватан муқаддаслигини англаса ҳам, унинг келажагига бефарқ. Ватан учун жонини койитмайди. Давлат рамзларига эътиборсизлик билан қарайди. Ватанпарварликка доир ишларни мажбур этилгандагина бажаради. |
| 4<br>Ватаннинг ижтимоий ва | Ватанининг истиқболи буюк бўлишига ишонади | Ватанининг келажаги буюк бўлишига ишонади. | Эртанги кунга ишончи суст. Ватанининг |

| | | | |
|---|---|---|---|
| маданий ютуқлари билан ғурурланиш | ва бошқаларни ҳам ишонтира олади. Бугунги кунда амалга оширилаёт-ган бунёдкорлик ишларига эҳтиром билан қарайди. Ватанининг ҳар жабҳада эришаётган ютуқлари билан ғурурланади. Ватанининг равнақи учун билими, кучи, қобилиятини аямасдан фаолият кўрсатади. | Унинг ютуқларидан фахрланади. Миллий ғурури шаклланган. Халқ ва миллат манфаатини ўз манфаати билан бирга ёқлайди. Ватанининг тараққиёти учун билими, кучини аямайди. Лекин бошқалардан бу сифатларни талаб қилмайди. | ютуқларини оддий ҳол деб билади. Фақат моддий манфаат учун кучи, билимини ишга солиб фаолият юритади. Билим олишга интилмайди. |
| 5<br>Жамият қувончи ва ташвишлари-ни ҳис этиш | Жамиятда ўз мавқеига эга бўлиб, унинг қувончи ва ташвишлари билан бирга бўлишни хоҳлайди ва бошқаларни ҳам шунга ундайди. Ўз фаолиятида жамият учун қандай наф келтираётганини яхши англайди. Билим олишга, замон билан ҳамнафас ҳаракат қилишга интилади. | Жамиятда ўз ўрнини топганлигига ишонади. Ўртоқларини ҳам шунга ишонтира олади. Билим олишга, янгиликлар яратишга интилади. “Интилганга толе ёр” шиорига амал қилади. | Жамиятда бўлаётган воқеа-ҳодисалар билан иши йўқ. Ватан фарзанди бўлишдек бахтни қадрламайди. Дангасалик устун туради. |
| 6<br>Маънавий меросга ҳурмат билан муносабатда бўлиш | Аждодларимиз руҳига ҳурмат билан қарайди. Тарихий, маънавий меросимизни асрашга ва уни тиклашга ўз ҳиссасини қўшади. Истиқбол ҳақида қайғуради. Ҳалол, виждонли, ўз ишига эътиқодлилиги билан бошқалардан ажралиб туради. Меҳр-оқибат, одамгарчиликни улуғлайди. | Буюк аждодларимиз меросига нисбатан ҳурмати баланд. Маданият, санъат, меъморчилик ёдгорликларининг тарихи ва бугунги кундаги аҳамиятини билади. Уларни асраш ва тиклаш ишларида фаол иштирок этади. Миллий қадрият-ларимизни доимо ёдда сақлайди. Қўлидан келганича тўғрисўз, виждонли бўлишга ҳаракат қилади. | Халқимизнинг тарихий меросини тиклаш ишларида иштирок этмайди. Миллий қадриятларни, урф-одатларимизни анчагина эсдан чиқарган. Натижада одамгарчилик, самимийлик каби фазилатлардан йироқ. Анъаналарга содиқ эмас, уларнинг ривожланишига ҳисса қўшмайди. |
| 7<br>Ўз турар жойига (қишлоқ, шаҳар, вилоят, республика) муҳаббат | Ватан танланмасли-гини билади. “Ватан остонадан бошланади” деган фикрни қалбида чуқур ҳис қилади. Киндик қони тўкилган заминни севиб эъзозлайди. Ватанининг масъулиятли жонкуяри. Туғилиб ўсган, ота-боболари яшаб ўтган ер тарихини яхши билади. У билан фахрланади. Ўртоқларига ўрнак | Туғилиб ўсган жойига меҳри баланд. У ерни ташлаб кетишни тасаввур қилолмайди. Юртининг гуллаб-яшнаши учун сидқидилдан меҳнат қилишга қодир. Ўз ерининг тарихини яхши билади. Фахр билан гапириб беради. Лекин бошқаларни бундай ишларга жалб қилмайди. | Ўз юртида яшашми, бошқа ерда яшашми унга барибир. Ватани, халқи, яқинлари олдидаги масъулиятни ҳис қилмайди. Ўз заминининг тарихини билишга қизиқмайди. Ватан ягоналигини тан олмайди. Жавобгар бўлишни хоҳламайди. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | кўрсатади. | | |
| 8<br>Юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун меҳнат қилиш | Юрт тинчлиги - олий қадрият эканлигини яхши англайди. Инсонларни тинч-тотув яшашга ундайди. Тинчлик йўлида барча эзгу ишларга интилади. Тинчлик бўлса, халқнинг фаровон яшаши, меҳнат қилиши, ижодий кашфиётлар яратишини тўлиқ англайди. Олдига қўйган мақсадларига эришади. Тинчлик ҳукмрон бўлган жойда эркинлик, тадбиркорлик, ташаббускорлик, ривожланиш бўлишини атрофидагиларга уқтиради. | Юрт тинчлиги – Ватан озодлиги билан боғлиқлигини тушунади. Ватанининг тарққиёти, халқининг фаровон турмуш кечириши ҳам тинчликка боғлиқлигини дилидан ҳис қилади. Тинчлик учун яхши ўқиши билан ҳисса қўшади. Тинчликни сақлаш ишларида фаол қатнашади. Лекин бошқаларни даъват қилмайди. | Юрт тинч бўлса, халқ фаровон, осуда турмуш кечиради, деган фикрнинг маъносини тушунса ҳам, унда лоқайдлик кучли. “Ўз уйингни ўзинг асра” иборасини тўлиқ анламайди. Тинчликни сақлаш ишларига бефарқлик билан муносабатда бўлади. |

Юқоридаги тасниф асосида Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини  шаклланганлик даражаси юқори, ўрта, қуйи даражаларга бўлинди. Бу даражалар қуйидагича аниқланди:

**Юқори даража** - мазкур гуруҳга Ватанга садоқат, ҳурмат, Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини  ўзида мужассам этган, миллий ва умуминсоний анъаналарни яхши тушунган ўқувчилар киритилди. Улар Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданияти,  Ватан равнақи ғоясига амал қилиб, ўзларининг ташқи ва ички маданиятлари билан ҳурматга эга бўладилар. Бу гуруҳдаги ўқувчилар ўз юртига меҳр-муҳаббатли бўладилар. Бошқа инсонлар билан дўстлик ипларини боғлайдилар. Улар ўқув имкониятларидан унумли фойдаланадилар. Ўз билимлари билан бошқа ўқувчиларга намуна бўладилар. Бу ўқувчиларнинг диққатлари барқарор, хотираси мустаҳкам, фикрлаш доираси кенг, тафаккур салоҳияти яхши шаклланганди р. Улар ҳар бир топшириқни мустақил равишда бажаради, ҳар бир ишга масъулият билан қарайди.

**Ўрта даража** – бу гуруҳдаги ўқувчилар Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини  тўғри тушунадилар, лекин унга доимо амал қилмайдилар. Аниқ мақсадга эришишнинг йўллари ва омилларини онгли

равишда тушунмайдилар, ижтимоий ҳаётда тажрибалари етарли бўлмаганлиги учун хатти-ҳаракатларида салбий хусусиятлар ҳам учрайди. Бўш вақтларини беҳудага ўтказадилар. Ўқув имкониятларидан тўлиқ фойдаланмайдилар. Улардаги қатъийлик шунчаки бўлиб, доимий эмасдир.

**Қуйи даража** – бу гуруҳдаги ўқувчилар Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини тушунчаси ва моҳияти ҳақидаги билимларга тўлиқ эга эмаслиги билан фарқланадилар. Улар ўзларининг ҳаракатларини тўғри режалаштира олмайдилар. Қўйилган талабларни бажаришда хатоликларга йўл қўядилар. Уларда фикр, тафаккур маданиятини бузиш ҳоллари учрайди. Масъулиятни ҳис этадиган ўқувчиларга бошқача кўз билан қарайдилар, уларни тан олмайдилар. Шунинг учун ҳам улар ўзларини бошқара олмайдилар. Уларнинг фаолиятида масъулиятсизлик, бефарқлик сезилади. Фикрлари тарқоқ бўлиб, ўқишга муносабатлари ўз тенгдошларига нисбатан сезиларли даражада паст. Бу ҳолат ўқувчиларнинг барча фанлардан ўзлаштириш даражасининг пасайишига сабаб бўлади. Шунга кўра, синф раҳбари ва фан ўқитувчилари улар билан якка тартибда шуғулланишлари мақсадга мувофиқ.

**3.2.2-жадвал**

**Тажриба бошида тажриба ва назорат гуруҳи Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятининг шаклланганлик даражаси**

| № | Мезонлар | Юқори даража | | Ўрта даража | | Қуйи даража | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Ўқувчилар сони | | Ўқувчилар сони | | Ўқувчилар сони | |
| | | Тажриба | Назорат | Тажриба | Назорат | Тажриба | Назорат |
| 1. | Давлат ва жамият истиқболи учун курашга тайёр бўлиш | | | | | | |
| 2. | Ватан тарихини ўрганишга муҳаббат | | | | | | |
| 3. | Ватанга садоқат | | | | | | |
| 4. | Ватаннинг ижтимоий ва маданий ютуқлари билан ғурурланиш | | | | | | |
| 5. | Жамият қувончи ва ташвишларини ҳис этиш | | | | | | |
| 6. | Маънавий меросга | | | | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | ҳурмат билан муносабатда бўлиш | | | | | | |
| 7. | Ўз турар жойига (қишлоқ, шаҳар, вилоят, республика) муҳаббат | 27 | 33 | 132 | 141 | 121 | 119 |
| 8. | Юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун меҳнат қилиш | 32 | 35 | 134 | 115 | 114 | 143 |
| | Ж а м и: | | | | | | |

3.2.3 -жадвал

**Тажриба якунида тажриба ва назорат гуруҳи Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шаклланганлик даражаси**

| № | Мезонлар | Юқори даража | | Ўрта даража | | Қуйи даража | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Ўқувчилар сони | | Ўқувчилар сони | | Ўқувчилар сони | |
| | | Тажриба | Назорат | Тажриба | Назорат | Тажриба | Назорат |
| 1. | Давлат ва жамият истиқболи учун курашга тайёр бўлиш | | | | | | |
| 2. | Ватан тарихини ўрганишга муҳаббат | | | | | | |
| 3. | Ватанга садоқат | | | | | | |
| 4. | Ватаннинг ижтимоий ва маданий ютуқлари билан ғурурланиш | | | | | | |
| 5. | Жамият қувончи ва ташвишларини ҳис этиш | | | | | | |
| 6. | Маънавий меросга ҳурмат билан муносабатда бўлиш | | | | | | |
| 7. | Ўз турар жойига (қишлоқ, шаҳар, вилоят, республика) муҳаббат | | | | | | |
| 8. | Юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун меҳнат қилиш | | | | | | |
| | Ж а м и: | | | | | | |

Юқоридаги жадваллардан келиб чиқиб, халқ таълим муассасалари Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш юзасидан олиб борилган тажриба-синов ишлари натижаларига асосланган ҳолда математик-статистика методи қўлланилди. 8 та мезон бўйича ўтказилган тажриба-синов ишларида тажриба

гуруҳида 280 та ва назорат гуруҳида 293 та, жами 573 та ўқувчи иштирок этди. Тажриба-синов ишлари натижаси қуйидаги жадвалда ўз аксини топган:

3.2.4-жадвал

**Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шаклланганлик даражалари бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари (тажриба бошида)**

| Гуруҳлар | Ўқувчилар сони | Жавоблар сони | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Юқори “5” | Ўрта “4” | Қуйи “3” |
| Тажриба | | | | |
| Назорат | | | | |

Бу кўрсаткичларни фоизларда ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз. Ҳар бир талабанинг ўзлаштириш коэффициенти фоизларда

$K = \frac{J}{Q} 100 \%$ формула орқали топилади.

Бу ерда J – ўтказилган тажрибада саволларга берилган тўғри жавоблар сони. Q – ўқувчиларнинг умумий сони.

Олинган қийматлар асосида Стьюдент-Фишер критериясини қўллаб, математик-статистик таҳлил қиламиз.

Тажриба ва назорат гуруҳларидаги баҳолаш натижаларини мос равишда 1 ва 2- танланмалар деб олсак, қуйидаги вариацион қаторларга эга бўламиз.

1-танланма $X_i$: юқори; ўрта; қуйи;

(тажриба гуруҳлари) $n_i$:

m=

2-танланма $Y_j$ юқори; ўрта; қуйи;

(назорат гуруҳлари) $n_j$

n=

Бу танланмаларга мос келган диаграммани чизамиз:

3.2.1- расм. Ўқувчиларда тажриба бошидаги Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятининг шаклланганлик даражалари бўйича ўзлаштириш диаграммаси

Диаграммада қайд этилган графиклардан англанадики, тажриба ва назорат гуруҳлари учун танланма модал қийматлари мос равишда $M_т = 5$ ва $M_н = 3$, яъни улар орасидаги фарқ етарли даражада бўлиб, $M_т > M_н$ экан. Бу эса, ўз навбатида, бу танланмалар учун мос ўрта қийматлар ҳам $X > Y$ шартларни қаноатлантиришини олдиндан кўрсатади. Уларни қуйидаги формула асосида ҳисоблаймиз:

$$\overline{X} = \frac{1}{n}\sum_{i=1}^{n=3} n_i x_i = \frac{1}{460}(95 \cdot 5 + 187 \cdot 4 + 183 \cdot 3) =$$

$$= \frac{1}{460}(475 + 748 + 549) = \frac{1772}{460} = 3{,}8$$

$$\overline{Y} = \frac{1}{n}\sum_{j=1}^{n=3} n_j y_j = \frac{1}{473}(95 \cdot 5 + 190 \cdot 4 + 188 \cdot 3) =$$

$$= \frac{1}{473}(475 + 760 + 564) = \frac{1799}{473} = 3{,}8$$

Бу ерда тажриба гуруҳи ўртача ўзлаштириши назорат гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш билан бир хил бўлиб чиқди. Яъни, $X = Y$. Агар мос ўрта қийматларда тажриба гуруҳининг ўртача ўзлаштириши назорат гуруҳидаги билан тенг бўлиб қолса, ҳеч қандай самарадорликка эришилмайди.

Энди тажриба якунидаги ўзлаштиришни математик-статистик таҳлил қиламиз.

3.2.6-жадвал

**Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шаклланганлик даражаси бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари (тажриба якунида)**

| Гуруҳлар | Ўқувчилар сони | Жавоблар сони | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Юқори “5” | Ўрта “4” | Қуйи “3” |
| Тажриба | | | | |

Назорат

Бу кўрсаткичларни фоизларда ҳисобласак:

3.2.7-жадвал

| № | **Гуруҳлар** *Баҳо* | Тажриба гуруҳлари | Назорат гуруҳлари |
|---|---|---|---|
| 1. | Юқори | $K_1 = \frac{175}{460} \cdot 100\% = 38\%$ | $K_2 = \frac{79}{473} \cdot 100\% = 16,6\%$ |
| 2. | Ўрта | $K_1 = \frac{235}{460} \cdot 100\% = 51,1\%$ | $K_2 = \frac{200}{473} \cdot 100\% = 42,4\%$ |
| 3. | Қуйи | $K_1 = \frac{50}{460} \cdot 100\% = 10,9\%$ | $K_2 = \frac{194}{473} \cdot 100\% = 41\%$ |

Олинган қийматлар асосида Стьюдент-Фишер критериясини қўллаб, математик-статистик таҳлил қиламиз.

Тажриба ва назорат гуруҳларидаги баҳолаш натижаларини мос равишда 1 ва 2- танланмалар деб олсак, қуйидаги вариацион қаторларга эга бўламиз.

1-танланма $X_i$: юқори; ўрта; қуйи;

(тажриба гуруҳлари) $n_i$: 105; 165; 10.

m=280

2-танланма $Y_j$ юқори; ўрта; қуйи;

(назорат гуруҳлари) $n_j$ 39; 130; 1244.

n=293

Бу танланмаларга мос келган диаграммани чизамиз:




3.2.2- расм. Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шаклланганлик даражалари бўйича ўзлаштириш

диаграммаси

Диаграммада қайд этилган графиклардан англанадики, тажриба ва назорат гуруҳлари учун танланма модал қийматлари мос равишда $M_т = 5$ ва $M_н = 3$, яъни улар орасидаги фарқ етарли даражада бўлиб, $M_т > M_н$ экан. Бу эса, ўз навбатида, бу танланмалар учун мос ўрта қийматлар ҳам X > Y шартларни қаноатлантиришини олдиндан кўрсатади. Уларни қуйидаги формула асосида ҳисоблаймиз:

$$\overline{X} = \frac{1}{n}\sum_{i=1}^{n=3} n_i x_i = \frac{1}{460}(175 \cdot 5 + 235 \cdot 4 + 50 \cdot 3) =$$

$$= \frac{1}{460}(875 + 940 + 150) = \frac{1965}{460} = 4{,}3$$

$$\overline{Y} = \frac{1}{n}\sum_{j=1}^{n=3} n_j y_j = \frac{1}{473}(79 \cdot 5 + 200 \cdot 4 + 194 \cdot 3) =$$

$$= \frac{1}{473}(395 + 800 + 582) = \frac{1777}{473} = 3{,}8$$

Демак, тажриба гуруҳларида ўртача ўзлаштириш назорат гуруҳларидагидан катта экан: X > Y

Энди ҳар икки гуруҳ учун тарқоқлик коэффициентларини ҳисоблаймиз. Шу мақсадда дастлаб танланма дисперцияларни ҳисоблаймиз:

$$D_m = \sum_{i=1}^{n=3} n_i (x_i - x)^2 /(n-1) = \frac{175\,(5 - 4{,}3)^2 + 235\,(4 - 4{,}3)^2 + 50\,(3 - 4{,}3)^2}{459} =$$

$$= \frac{175 \cdot 0{,}49 + 237 \cdot 0{,}09 + 50 \cdot 1{,}69}{459} = \frac{85{,}75 + 21{,}15 + 84{,}5}{459} = \frac{191{,}4}{459} \approx 0{,}42$$

$$D_n = \sum_{j=1}^{n=3} n_j (y_j - y)^2 /(n-1) = \frac{79\,(5 - 3{,}8)^2 + 200\,(4 - 3{,}8)^2 + 194\,(3 - 3{,}8)^2}{472} =$$

$$= \frac{79 \cdot 1{,}44 + 200 \cdot 0{,}04 + 194 \cdot 0{,}64}{472} = \frac{113{,}76 + 8 + 124{,}16}{472} = \frac{245{,}92}{472} \approx 0{,}52$$

Бу натижалардан ўртача квадратик четланишларни топамиз: $\tau_m = \sqrt{0{,}42} \approx 0{,}64$ $\qquad \tau_n = \sqrt{0{,}52} \approx 0{,}72$

Булар асосида ҳар иккала гуруҳлар учун вариация кўрсаткичларини

ҳисоблаймиз:

$$\delta_m = \frac{\tau_m}{\overline{\overline{X}}} = \frac{0,64}{4,3} \approx 0,15 \qquad \delta_n = \frac{\tau_n}{У} = \frac{0,72}{3,8} \approx 0,19$$

Агар статистик аломатнинг қийматдорлик даражасини $\alpha$= 0,05 деб олсак, у ҳолда Лаплас функцияси жадвалидан статистика учун критик нуқта $t_{кр}$ ни

$$\Phi\left(t_{кр}\right) = \frac{1-2\alpha}{2} = \frac{1-2\cdot 0,05}{2} = \frac{0,9}{2} = 0,45$$

тенгликдан аниқлаймиз: $t_{кр}$= 1,67. Бундан баҳолашнинг ишончли четланишларини топсак:

$$\Delta_m = t_\gamma \cdot \frac{D_m}{\sqrt{n}} = 1,67 \cdot \frac{0,42}{\sqrt{460}} = 1,67 \cdot \frac{0,42}{21,5} = 1,67 \cdot 0,02 \approx 0,03$$

га тенг, назорат гуруҳларида эса:

$$\Delta_n = t_\gamma \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}} = 1,67 \cdot \frac{0,52}{\sqrt{473}} = 1,67 \cdot \frac{0,52}{21,8} = 1,67 \cdot 0,02 \approx 0,03$$

га тенг. Топилган натижалардан тажриба гуруҳлари учун ишончли интервални топсак:

$$\overline{X} - t_\gamma \cdot \frac{D_m}{\sqrt{n}} \le a_x \le \overline{X} + t_\gamma \cdot \frac{D_m}{\sqrt{n}}$$

$$4,3 - 0,02 \le a_y \le 4,3 + 0,02 \qquad 4,28 \le a_x \le 4,32$$

назорат гуруҳлари учун ишончли интервал:

$$\overline{Y} - t_\gamma \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}} \le a_y \le \overline{Y} + t_\gamma \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}}$$

$$3{,}8 - 0{,}02 \le a_y \le 3{,}8 + 0{,}02 \qquad\qquad 3{,}78 \le a_y \le 3{,}82$$

Буни геометрик тасвирласак:




3.2.3-расм

Демак, x=0,05 қийматдорлик даражаси билан айтиш мумкинки, тажриба гуруҳларида ўртача баҳо назорат гуруҳларидаги ўртача баҳодан юқори бўлар экан.

Юқоридаги натижаларга асосланиб, тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум, $\overline{X}$ =4,3; $\overline{Y}$ =3,8; $\Delta_m = 0{,}02$; $\Delta_n = 0{,}02$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{усб} = \frac{(\overline{X} - \Delta_m)}{(\overline{Y} + \Delta_n)} = \frac{4{,}3 - 0{,}02}{3{,}8 + 0{,}02} = \frac{4{,}28}{3{,}82} = 1{,}12 > 1;$$

$$K_{бдб} = (\overline{X} - \Delta_m) - (\overline{Y} - \Delta_n) = (4{,}3 - 0{,}02) - (3{,}8 - 0{,}02) = 4{,}28 - 3{,}78 = 0{,}5 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезонининг бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезонининг нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳлари назорат гуруҳларидагилардан юқори экан. Демак, Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятининг шаклланганлик даражаси бўйича яхши натижага эришилгани тажриба-синов натижаларидан маълум бўлиб турибди.

## Учинчи бобга хулоса

1. Ушбу бобда Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари ишлаб чиқилган. Иш тажрибалари ва уларни амалга оширишнинг йўллари, натижалари кўрсатилган. Халқ таълим муассасалари раҳбарлари ва ўқитувчилари учун тузилган сўровнома саволларига олинган жавоблар назарий жиҳатдан таҳлил этилган.

2. Таълим-тарбия жараёнида Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш тизимини амалга ошириш омиллари кўрсатилиб, унинг мезонлари белгиланган. Мезонларни белгилашда мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари ва унинг маънавий йўналишлари, ўқувчиларнинг ақлий имкониятлари, уларга қўйиладиган таълимий-тарбиявий талаблар ҳисобга олинган. “Давлат ва жамият истиқболи учун курашга тайёр бўлиш”, “Комил инсонни вояга етказиш”, “Маънавий меросга ҳурмат билан муносабатда бўлиш”, “Ватан тарихини ўрганишга муҳаббат”, “Ватанга садоқат”, “Ватаннинг ижтимоий ва маданий ютуқлари билан ғурурланиш”, “Жамият қувончи ва ташвишларини ҳис этиш”, “Ўз турар жойига (қишлоқ, шаҳар, вилоят, республика) муҳаббат”, “Юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун

меҳнат қилиш", "Миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш", "Ижтимоий-сиёсий фаолиятда фаол иштирок этиш" каби мезонларда Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш юзасидан тавсиялар берилган.

4. Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш мақсадида ўқувчилар билан мулоқотлар ўтказилган. "Конуститутсия-асосий қомусимиз", "Мадҳиямиз-фахримиз" тадбири ташкил қилинган. Ватан, ватанпарварлик, мустақиллик, истиқлол мавзуларига бағишланган маърузалар, суҳбатлар уюштирилган. Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришни ташкил этиш, унинг мазмуни, моҳияти ва аҳамиятини ўқувчилар ўртасида тарғиб қилиш мақсадида "Мен Ватан учун нима қилдим?", "Ватан", "Ватан остонадан бошланади" каби мавзуларда тарбиявий тадбирлар ўтказилган. Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш методи, шакллари, воситалари, шу тизимда амалга оширилаётган йўналишлар аниқланган.

5. Муаммо юзасидан ўтказилган тажрибалар таҳлили шуни кўрсатдики, халқ таълим муассасалари Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш натижасида уларнинг адолатли, инсонпарвар, ҳуқуқий демократик давлатнинг моҳиятини чуқур тушуниб етишлари исботланган. Ўқувчиларда билим олишга бўлган иштиёқ кучайиб, мустақил ишлашга интилиш ортган. Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришда миллий тарихимиз, халқ анъаналари ва урф-одатлардан кенг фойдаланиш орқали уларнинг тадбирларда фаол иштирок этишига эришилган.

6. Ишлаб чиқилган мезонлар асосида Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш билан боғлиқ қуйидаги хусусиятларни таркиб топтириш назарда тутилди. Булар:

- Ватан тараққиёти йўлида ҳар қандай вазиятда Ватанни ҳимоя қилишга тайёр бўлиш, Ватанга, жамиятга, табиатга, одамларга яхшилик қилиш;

- ўз ҳис-туйғуларини, хатти-ҳаракатларини Ватан равнақи учун сафарбар этиш, Ватанни англашга ҳаракат қилиш ва унинг натижалари билан қизиқиш;

- Ватан тараққиётига фарзандлик бурчи ва масъулият билан ёндашиш.

7. Буюк алломаларнинг Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданияти билан боғлиқ асарлари кўргазмаси ташкил этилган.. “Камолот” ЁИҲ билан тадбирлар амалга оширилиб, “Балли, йигитлар”байрам дастури, шеърият мулкининг султони Алишер Навоийнинг таваллуд айёмига бағишлаб Навоийхонлик кечаси, “Санамлар сарвари”, “Наврўз – умумхалқ байрами” тадбирлари ўтказилган.

8. Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шаклланганлик даражаси аниқланган ва илғор иш тажрибалари оммалаштирилган, Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш тажрибасини такомиллаштиришнинг назарий, услубий, амалий йўналишлари тавсия қилинган, талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантиришнинг таснифи ишлаб чиқилган. Олинган натижалар юқори, ўрта, қуйи даражаларга бўлиниб, Стьюдент-Фишер критерияси бўйича таҳлил этилган.

## Умумий хулоса.

Тадқиқот муаммосини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш натижаларига таянган ҳолда, қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш муҳим педагогик муаммо эканлиги назарий жиҳатдан асосланди. Шу муносабат билан Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятининг моҳияти, тушунчаси, мазмуни ва унинг асосий негизлари назарий жиҳатдан ишлаб чиқилди. Юртбошимиз И.А.Каримов асарларида ушбу ғоянинг ифода этилиши, унинг Ўзбекистон тараққиётидаги аҳамияти кўрсатилиб, ватанпарварлик ғоясига оид адабиётлар назарий жиҳатдан таҳлил этилди.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Ёшлар йили” Давлат дастури, олий таълим Давлат таълим стандартларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятининг ифодаланиши илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилди. Шунингдек, тадқиқот ишида узлуксиз таълим тизимида ўқувчи-ёшларда Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришнинг

босқичлари ишлаб чиқилди.

3. Бошлангич синф ўқувчиларини Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш асосида тарбиялаш – мамлакат барқарорлиги тараққиётининг аҳамиятли кафолатидир. Шу муносабат билан илмий тадқиқотда халқ таълим муассасалари Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришнинг такомиллаштириш йўллари кўрсатилди. Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятининг маънавий, тарихий, сиёсий, тарбиявий соҳадаги йўналишлари, ушбу ғоянинг халқимиз турмуш тарзидан чуқур ўрин олганлиги асослаб берилди. Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш вазифалари, хусусиятлари ёритилди.

4. Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур, Махтумқули, Бердақ каби буюк алломаларнинг қарашлари, Муҳаммадшариф Сўфизода, Садриддин Айний, Мунавварқори Абдурашидхонов, Фитрат, Беҳбудий, Абдулла Авлоний каби маърифатпарварларнинг Ватан ва унинг тараққиёти тўғрисидаги фикрлари ҳамда муаммога оид тадқиқотлар таҳлил қилиниб, аждодларимизнинг тарихий, ахлоқий, иқтисодий, фалсафий, диний, маънавий меросига таянмасдан туриб, Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириб бўлмаслиги педагогик жиҳатдан ишлаб чиқилди.

5. Бошланғич синф ўқитувчиларига дарсда ва дарсдан ташқари жараёнда Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини амалга оширишда лозим бўлган вазифалари ҳақида тавсиялар берилди. Бу борада йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари, бажарилиши керак бўлган ишлар, Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш йўллари кўрсатилди.

6. Миллий ва маънавий қадриятларнинг Бошланғич синф ўқувчиларида

Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришдаги аҳамияти, уларнинг шахс тарбиясидаги ўрни назарий ва илмий-методик жиҳатдан таҳлил этилди.

7. Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш тамойиллари ва мазмуни ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш машғулотларининг мавзулари ва уларнинг мазмуни тавсия этилди.

8. Тадқиқотда Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш уларнинг халқимизнинг маънавий меросини ўрганиш, она-юрт тарихини билиш ва у билан фахрланиш; Ўзбекистоннинг истиқлолини чуқур ўрганиш; миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш; тинчлик, барқарорлик ва осойишталикни сақлашга интилиш; Ўзбекистон - келажаги буюк давлат эканлигига ишонч руҳида тарбиялаш билан боғлиқ билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришлари орқали амалга оширилиши илмий-назарий жиҳатдан далилланди.

9. Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, амалга оширишнинг йўллари ва натижалари кўрсатилди. Бошланғич синф ўқитувчилари учун тузилган сўровнома жавоблари назарий жиҳатдан таҳлил этилди. Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришда “Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришнинг ғояси – миллат тараққиёти” дастури ишлаб чиқилди. Дастур бўйича маърузалар ўқилди, давра суҳбатлари олиб борилди, Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини ҳақидаги билимлари ривожлантирилди.

10.Бошлангич таълим-тарбия жараёнида Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш тизимининг самарадорлигини ошириш омиллари савол-жавоб

кечалари, давра суҳбатлари, илмий-амалий конференциялар, тушунтириш, уқтириш, ҳикоя қилиш, мустақил ўқиш, ўрнак кўрсатиб ишонтириш, машқ қилдириш, истиқболни кўрсатиш ва ўз-ўзини тарбиялаш каби тарбия методлари, ёшлар онги ва қалбига миллий истиқлол ғояларини сингдириш, ватанпарварлик тарбияси, фуқаролик масъулиятини шакллантириш, ахлоқий тарбиялаш, миллий ўзликни англаш ва мустақил тафаккурни шакллантириш, ҳуқуқий, экологик, ақлий тарбиялаш, миллий ғурур тарбияси, иқтисодий тадбиркорлик тарбияси, миллий урф-одатларимизга ҳурматни тарбиялаш каби усул ва шакллари кўрсатилиб, унинг мезонлари белгиланди. Мезонларни белгилашда мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари, укувчиларнинг ақлий имкониятлари, уларга қўйиладиган таълимий-тарбиявий талаблар ҳисобга олинди. Ушбу муаммо юзасидан илмий-услубий тавсиялар яратилиб, амалиётга татбиқ этилди.

11. Ишлаб чиқилган мезонлар асосида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш натижасида ўқувчиларнинг дунёда содир этиладиган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдириш, ҳар қандай муҳитда вазиятга маънавий тайёр туриш, ўз билимлари асосида атроф-муҳитни яхшилашга ҳиссасини қўшиш, меҳнат қилишга ички хоҳиш билан онгли муносабатда бўлиш, ўз ҳис-туйғуларини бошқара билиш, бурч ва масъулият ҳиссига эга бўлиш, виждонли, инсофли, диёнатли бўлиш билан боғлиқ хусусиятлари таркиб топиши аниқланди.

12. Мустақиллик йилларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш мавзуси барча ижтимоий-гуманитар фанларнинг етакчи мавзусига айланди. Шу муносабат билан "Ўкиш",»одобнома», "Маънавият соатлари" дарслари мавзулари таҳлил этилди. Бундан ташқари, тадқиқот мазмунида "Ўкиш",»одобнома» фанининг "Ўзбекистон мустақил давлат", "Миллий истиқлол ғояси, унинг моҳияти, тарихий илдизлари ва аҳамияти", "Маънавият соатлари" дарсларининг "Маънавият тараққиётининг мезонлари", "Ватанпарварлик, инсонпарварлик ва ўз миллатига садоқат – шахс маънавияти мезонлари", "Иймон, диёнат,

адолат, меҳр-шафқат, эътиқод, поклик, ҳалоллик ва вафодорлик – шахс маънавий фазилатлари", "Миллий ўзликни англаш, уни мустаҳкамлаш ва миллатлараро тотувликни таъминлаш шахс маънавияти белгилари, ҳуқуқий саводхонлик, қонунга итоаткорлик, давлат тизимига ҳурмат ва фуқаролик бурчига садоқат шахс маънавий баркамоллиги мезонлари" мавзуларини юртбошимиз И.А.Каримовнинг маънавий баркамол инсонни тарбиялашга оид қарашлари асосида ўрганиш йўл-йўриқлари ўз аксини топган.

13. Бошланғич синф ўқитувчилари фаолиятида Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришнинг амалиётдаги ҳолати умумлаштирилди. Ватан, ватанпарварлик, мустақиллик мавзуларига бағишланган машғулотлар, маърузалар, ҳикоя қилиш, савол-жавоб кечалари, давра суҳбатлари, учрашувлар, алломаларнинг Ватан билан боғлиқ асарлари кўргазмаси, байрам тадбирлари орқали ўқувчиларни ватанпарвар этиб тарбиялашда ижобий натижаларга эришилди.

14. Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари ишлаб чиқилди ва келгусида ушбу мавзу бўйича яна илмий тадқиқот ишлари олиб бориш кераклиги асосланди. Тажриба-синов ишлари жараёнида Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шаклланганлик даражалари аниқланди ва Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришнинг таснифи ишлаб чиқилди. Юқори, ўрта, қуйи даражаларга бўлиниб, Стьюдент-Фишер критерияси бўйича таҳлил этилди. Тажриба ва назорат гуруҳлари таққосланиб, Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шаклланганлик кўрсаткичлари сон ва коэффициент ҳисобида ифодаланган.

## Методик тавсиялар

- Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш жараёнини самарали кечишини таъминлаш мақсадида қуйидагиларга амал қилиш лозим:

- Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш,тарбиялаш методикасига доир услубий ва ўқув қўлланмалари яратиш;

- Бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш технологиясини амалиётга татбиқ қилиш;

- она тили, ўқиш, одобнома, адабиётлар каби фанлар мазмунига Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантиришга оид мавзуларини киритиш ва уларни интеграция асосида амалга ошириш;

- республика бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларда Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини, шакллантиришга доир илғор тажрибаларни умумлаштириш ва оммалаштириш;

- бошланғич синф ўқувчиларида Ватанга эътиқод, миллий муносабат маданиятини шакллантириш тизимини ва моделини яратиш.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.


1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2003.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон - келажаги буюк давлат. -Т.: Ўзбекистон, 1992.-62 б.

3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1992. –78 б.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: Ўзбекистон, 1993. -261 б.

5. Каримов И.А. Шу азиз Ватан - барчамизники. -Т.: Университет, 1995.-23 б.

6. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. -Т.: Ўзбекистон, 1995. – 278 б.

7. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. -Т.: Ўзбекистон, 1995. -74 б.

8. Каримов И.А. Туркистон - умумий уйимиз. -Т.: Ўзбекистон, 1995. -46 б.

9. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -380 б.

10. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997. - 326 б.

11. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқи. -Т.: Шарқ, 1998. -63 б.

12. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т.: Шарқ, 1998. -31б

13. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. -Т.: Ўзбекистон, 1998. -30 б.

14. Каримов И.А. Адолат, Ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ. -Т.: Ўзбекистон, 1998. -64 б.

15. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998. -86 б.

16. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1998. -479 б.

17. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. -Т.: Ўзбекистон, 1999. -410 б.

18. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. “Фидокор” газетаси мухбири саволларига жавоблар. - Т.: Ўзбекистон, 2000. -32 б.

19. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, Т.8. 2000. -528 б.

20. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. - Т.: Ўзбекистон, 9-жилд. 2001. -432 б.

21. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. - Т.: Ўзбекистон, 12-жилд. 2004. -400 б.

22. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 2007. -48 б.

23. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008. -61-176 б.

24. Каримов И.А.”Баркамол авлод йили” Давлат дастури тўғрисидаги қарори .Ишонч 28.01.2010й 5б

25. Каримов И.А.Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиз. Ишонч 28.01.2010й 1-2-3-4б

26. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни / Баркамол авлод–Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ нашриёт – матбаа концерни, 1997. -20-29-б.

27. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури / Баркамол авлод–Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ нашриёт – матбаа концерни, 1997. -31-61-б.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги фармони. “Халқ сўзи”, 1996 йил 10 сентябрь.

29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Соғлом авлод йили” давлат дастури тўғрисидаги Қарори. “Халқ сўзи”, 2000 йил 16 февраль.

30. “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий–маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори (2006 йил 25 август) // “Халқ сўзи”, 2006 йил 26 август.

31. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи. “Халқ сўзи”, 2007 йил 26 август.

32. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг “Ёшлар йили” Давлат дастури тўғрисидаги қарори. “Туркистон”, 2008 йил, 1 март.

33. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. - Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. -222 б.

34. Абу Райҳон Беруний. Тарвиҳалар (Жавоҳирот китобидан). - Т.: Мерос, 1991. -47 б.

35. Абу Али ибн Сино. Тиббий ўгитлар. – Т.: Меҳнат, 1991. -191 б.

36. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. -Т.: Ўқитувчи, 1992. -160б.

37. Айний С. Таҳзиб-ус-сибён (Пок бола). 1909. -125 б.

38. Амир Темур. Амир Темур ўгитлари. (Тўплам). Тузувчилар: Б.Аҳмедов, А.Аминов. - Т.: Наврўз, 1992. -64 б.

39. Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. - Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашр., 1989. -349 б.

40. Алишер Навоий. Садди Искандарий. - Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашр., 1991. -830 б.

41. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. - Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашр., 1991. -254 б.

42. Абдурауф Фитрат. Чин севги. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашр., 1996. -240 б.

43. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. - Т.: Фан, 1990. -169 б.

44. Алиев А. Маънавият, қадрият ва бадиият . - Т.: Академия, 2000.

45. Ахатова Д. Абдурауф Фитратнинг маърифий-педагогик қарашлари: пед.фан.номз. ... дис-яси. - Т.: ТДПУ, 1998. -163 б.

46. Аминов Б., Расулов Т. Ватан юракдаги жавоҳир. - Т.: Ўқитувчи, 2001. -232 б.

47. Алимова Д.А., Рашидова Д.А. Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг тарихий тафаккури. - Т.: Академия, 1999. -53 б.

48. Атаджанова Ш. Оилада ўспирин-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланишнинг педагогик асослари: пед.фан.номз. ... дис-яси. - Т.: ТДПУ, 2001. -136 б.

49. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. - Т.: Ўқитувчи, 1994. -428 б.

50. Асрларга тенг йиллар. Мустақиллик дарси (маъруза матни). - Т.: ЎАЖБНТ маркази, 2001. -60 б.

51. Бухорий И. Ал-адаб ал-муфрад. (Адаб дурдоналари). - Т.: Ўзбекистон, 1990. -197 б.

52. Баркамол авлод орзуси. - Т.: Шарқ, 1999. -184 б.

53. Бердақ шеърриятидан. –Т.: Фан, 1983. -92 б.

54. Бобоев Ҳ., Ғофуров З. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тараққиёти. - Т.: Янги аср авлоди, 2001. -480 б.

55. Ватан фидоийлари. // Масъул муҳаррирлар: С.Олим, М.Намоз /. - Т.: Маънавият, 2000. -32 б.

56. Донишмандлар одоб-ахлоқ тўғрисида. (Тарж. Ш.Зуннун, тўпловчи ва нашрга тайёрловчи А.Зуннунов). - Т.: Ўқитувчи, 1986. -136 б.

57. Жўраев Н. Ўзлигини англаш мавриди. - Т.: Ўзбекистон, 1990. -125б.

58 Жўраев Р., Сафарова Р., Ибрагимов Ҳ. Педагогика фани Концепцияси // Халқ таълими. – Тошкент, 2004. - №5. -Б. 11-33.

59. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Ўрта ёшдаги мактаб болалари учун /. - Т.: Юлдузча, 1990. -368 б.

60. Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи (милоддан олдинги асрлардан то 1991 йил 31 августгача). - Т.: Шарқ, 2001. - 448 б.

61. Зарипов М., Абдураҳмонова З. Ватанпарварлик миллий бирлик туйғуси сифатида. - Т.: ТДПУ, 2002. -22 б.

62. Зуннунов А. Педагогика тарихи. (Олий ўқув юртлари учун дарслик). - Т.: Шарқ, 2004. -335 б.

63. Зиёмуҳаммедов Б., Абдуллаева Ш. Илғор педагогик технология: назария ва амалиёт / “Маънавият асослари” дарси асосида ишланган услуб. қўлл. –Т.: Абу Али ибн Сино, 2001. -80 б.

64. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. - Т.: Ўзбекистон, 1997. -439 б.

65. Имомназаров М., Эшмуҳамедова М. Миллий маънавиятимиз

асослари. -Т.: Тошкент Ислом университети, 2001. -432 б.

66. Игамбердиев И., Реджабоев А., Каримов А. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фанини ўқитиш бўйича услубий қўлланма. -Т.: ТОҲТБЮ, 2002. -22 б.

67. Иномова М. Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланишнинг педагогик асослари (мустақил ҳаёт бўсағасидаги ёшлар): пед.фан.докт. ... дис-яси. - Т.: ТДПИ, 1998. -303 б.

68. Истиқлол қаҳрамонлари. Танланган асарлар. - Т.: Маънавият, 1999.

69. Ибрагимова Г.Х. Касб таълими тизимида талаба-ёшлар маънавиятини миллий истиқлол ғояси асосида шакллантириш. - Т.: Фан, 2005. -159 б.

70. Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика / Ўқув қўлл. –Т.: Фан, 2004. -182 б.

71. Исмоилова З. Миллий ғоя ва маънавий-ахлоқий тарбия / Ўқув-услубий қўлл. –Т.: Молия, 2007. -72 б.

72. Комилов Н. Нажмиддин Кубро. - Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. -31 б.

73. Каримов И. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. -Т.: Фан, 2001. -214 б.

74. Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. - Т.: ЎзР ФА Фан, 1994. -134 б.

75. Маҳкамов У. Ўқувчиларни ахлоқий маданиятини шакллантириш муаммолари. –Т.: Фан, 1995. -200 б.

76. Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. - Т.: Шарқ, 2001. -159 б.

77. Максумов М. А.Авлонийнинг педагогик қарашлари ва маърифатпарварлик фаолияти: -пед.фан.номз. ... дис-яси. - Т.: ТДУ, 1967.

78. Маҳкамов У. Юқори синф ўқувчиларида ахлоқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик асослари: -пед.фан.докт. ... дис-яси. - Т.: ХТХМОМИ, 1998. -286 б.

79. Маҳмудова М. Халқ педагогикаси ва оила тарбияси. –Самарқанд. 2003. -174 б.

80. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.:

Ўзбекистон, 2000. -80 б.

81. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. (Олий таълим муассасалари учун тажрибавий қўлланма). - Т.: Янги аср авлоди, 2001. -222 б.

82. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. // Муаллифлар: М.Абдуллаев, МАбдуллаева, Г.Адураззоқова ва бошқалар. А.Жалолов ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда /. - Т.: Шарқ, 1998. -320 б.

83. Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари: пед.фан.докт. ... дис-яси. -Т.: ТДПИ, 1993.-364 б.

84. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий ғурур. - Т.: Ўқитувчи, 1999. -200 б.

85. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. -Т.: Ўқитувчи, 1996. -192 б.

86. Мавлонова Р., Тўраева Р., Холиқбердиев К. Педагогика. –Т.: Ўқитувчи, 2002. -384 б.

87. Маънавият дарслари / Ўрта мактабларнинг X-XI синфлари учун мажмуа. Тузувчи: С.Нишонова. –Т.: Ўқитувчи, 1994. -320 б.

88. Махмутова Г.И. Олий педагогик таълим тизимида талабаларни маънавий шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик хусусиятлари: пед.фан.номз. ... дисс. автореф. –Т.: 2004. -22 б.

89. Мустақил Ўзбекистон таълими / тузувчилар: Ж.Ғ.Йўлдошев, Р.Ш.Аҳлиддинов, Р.Н.Отабоева. –Т.: Шарқ, 1997. -48 б.

90. Мўминов И.М. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. –Т.: Фан, 1993. -56 б.

91. Норбоева Ф. Умумий ўрта таълим мактаби – 7, 9 - синф ўқувчиларида миллий онгни шакллантиришнинг педагогик асослари (“Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” ўқув фани мисолида): пед.фан.номз. ... дис-яси. - Т.: ЎзПФИТИ, 2003. -140 б.

92. Ортиқов Н. Миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ўқувчи

шахсини ахлоқий шакллантириш: пед.фан.докт. ... дис-яси. - Т.: ЎзДЖТУ, 2000. -305 б.

93. Ортиқов Н. Маънавият: миллий ва умуминсоний қадриятлар. –Т.: Ўзбекистон, 1997. -127 б.

94. Ортиқов Н. Яхши хулқ – тарозу / Ўқув қўлл. –Т.: 2007. -204 б.

95. Олимов Ш. Академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида ахлоқий-эстетик идеални шакллантиришнинг педагогик асослари (“Маънавият асослари” фанини ўқитиш жараёнида): пед.фан.номз. ... дис-яси. - Т.: БДУ, 2001. -169 б

96. Очилов С. Мустақиллик ва тарбия масалалари. - Т.: Ўзбекистон, 1995. -47 б.

97. Пазилова М. Ҳадислар воситасида ўқувчи маънавиятини шакллантиришнинг педагогик асослари (“Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” ва “Дунё динлари тарихи” ўқув фанлари мисолида): пед.фан.номз. ... дис-яси. -Т.: ЎзПФИТИ, 2004. -188 б.

98. Раҳимов Ж. Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда тарихий ўлкашунослик манбаларидан фойдаланишнинг педагогик асослари: пед.фан.номз. ... дис-яси. -Т.: ЎзПФИТИ, 1996. -151 б.

99. Рўзиева Д. Олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари: пед.фан.докт. ... дис-яси. - Т.: ТДПУ, 2007. -274 б.

100. Реджабоев А. Ёшларни миллий истиқлол ғояси асосида ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш (ЎзР Президенти, Респ. Қуролли кучлари Олий Бош Қўмондони, академик И.Каримов асарларида илгари сурилган ҳарбий ватанпарварлик ғоялари асосида): пед.фан.номз. ... дис-яси. - Т.: ЎзР ИИВТОҲТБЮ, 2004. -201 б.

101. Реджабоев А. Ватан ҳимояси - миллий ифтихор. –Т.: Ўқитувчи, 2004. -31 б.

102. Рустамова Р. Талаба-ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда маданий-маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш омиллари:

пед.фан.номз. ... дис-яси. –Т.: ТДМИ, 2008. -132 б.

103. Салихова М. Учинчи минг йилликнинг боласи / Ўқув қўлл. - Т.: Марифат-Мададкор, 2001.- 336 б.

104. Соҳибов А. Миллий педагогика тараққиёти тарихи. –Т.: Халқ мероси, 2004. -80 б.

105. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури: Она тили. Адабиёт. Ўзбек тили (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун). 1-махсус сон. - Т.: Шарқ, 1999.-303 б.

106. Халқ педагогикаси – инсон камолотининг асоси. 1-китоб. (ЎзПФИТИ; К.Фозилхўжаев, нашр учун масъул А.Зуннунов, С.Ризаев). - Т.: 1992. -137 б.

107. Худойқулова М. Умумтаълим мактаб – 7-9-синф ўқувчиларида ватанпарварлик ва дўстлик туйғусини шакллантириш (Ўзбек халқ оғзаки ижоди воситасида): пед.фан.номз. ... дис-яси. - Т.: ЎзПФИТИ, 1997. -127 б.

108. Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. - Т.: Маънавият, 2002.-240 б.

09. Юсупов Э., Юсупов Ў. Маънавий камолот ва жамият тараққиёти. - Хўжанд, 1996. -170 б.

110. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-жилд. Бешик-Гидрофизика. Таҳрир ҳайъати: М.Аминов, Б.Аҳмедов, Ҳ.Бобоев ва б. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2001. -704 б.

111. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-жилд. Мирий-Пархиш. Таҳрир ҳайъати: А.Абдувоҳитов, А.Азизхўжаев, М.Аминов, Т.Даминов ва б. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2003. - 704б.

112. Қурбаниязова З. Тарбиявий ишлар жараёнида ўқувчиларда миллий ўзликни англашни шакллантиришнинг педагогик асослари (Қорақалпоқ мактаблари 7-9 синфлари мисолида): пед.фан.номз. ... дис-яси. - Т.: ЎзПФИТИ, 2002. -155 б.

113. Қуронов М. Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларида миллий тарбиянинг илмий-педагогик асослари: пед.фан.докт. ... дис-яси. - Т.:

ЎзПФИТИ, 1998. -316 б.

114. Қуронов М. Мактаб маънавияти ва миллий тарбия. - Т.: Фан, 1995.-117 б.

115. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидоийлик. -Т.: Маънавият, 2002. -400 б.

116. Қосимов Б., Долимов У., Ахмедов С., Ризаев Ш., Меликулов Ж. Ватан ва миллат муқаддасдир. - Т.: Ўқитувчи, 1996. -103 б.

117. Қодиров Б. Комил инсон тарбиясининг педагогик асослари. -Т.: Меҳнат, 2001. -195 б.

118. Қуронов М., Акмалов А., Реджабоев А. Миллий фазилатларимиз Ватанни қандай севиш керак?. - Т.: Авлоний номидаги ЧФ Nikon нашриёти, 2002. -20 б.

119. Қурбонов Ш., Сейтхалилов Э. ва бошқалар. Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндашувлар. (Кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазифалари доирасида). - Т.: Академия, 2002. - 280б.

120. Ҳамроева Ҳ. Алишер Навоийнинг инсонпарварлик ғояларидан фойдаланиб ўқувчиларни ахлоқий, эстетик тарбиялашнинг педагогик асослари (“Маҳбуб ул-қулуб”, “Назмул жавоҳир”, “Лисонут-тайр”): пед.фан.номз. ...дис-яси. - Т.: ЎзПФИТИ, 1999. -131 б.

121. Ҳасанбоев Ж., Ҳасанбоева О., Туропова М. Маънавий-ахлоқий тарбия асослари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2002. -112 б.